

АБДУЛЛАЕВА ДИЛДОРАХОН ЗУМРАТБЕКОВНА

**УСМОНХҮЖА
ЗОРИЙ ҲАЁТИ
ВА ИЖОДИ**

Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2005

Дилдорахон Абдуллаева Усмонхўжа Зорийнинг ҳаёт йўлини, шеърий асарларини жиддий ўрганиб, истеъодли шоирнинг адабиётимиз тарихидаги ўринини белгилашга ҳаракат қилган. Шоир Зорий ҳаёти ва асарларининг биринчи марта кенг кўламда ва илмий жиҳатдан ўрганилиши, асарларининг бирламчи манбалар асосида илмий истеъмолга олиб кирилиши жиҳатдан мазкур тўплам адабиётшунослик учун аҳамиятлиdir.

Масъул муҳарир:
Абдурашид Абдуғафуров,
Филология фанлар доктори, профессор.

Таҳризчи:
Дилмурод Қуронов,
Филология фанлар доктори.

ISBN 5-633-01740-4

Дилдора Абдуллаева. “Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди”.
“Янги аср авлоди”, 2005 йил

КИРИШ

Миллий Истиқлол мафкурасини яратишида, жамият маънавиятининг юксалишида маданий мероснинг ўрни ва аҳамияти ҳар доимгидан ҳам ортиб бормоқда. Истиқлол туфайли халқимизнинг маданияти, дини, тили, адабиёти, тарихи, миллий қадриятлари тикланди, халқимизда миллий ўзликни англаш ҳисси кучайди. Истиқлол берган имкониятлар миллий маданий меросимизни ҳалол ва холис илмий тадқиқ этишни ҳамда бугунги кун нуқтаи назаридан янгича ёндашувни тақозо қиласди.

Демократик жамият ва хуқуқий давлат қуришнинг асосий негизларидан бири миллий ғоя ва миллий мафкуранинг яратилишидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: “Миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, унинг миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урфодатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, эъзозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак”¹. Жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири комил инсон тарбиясида миллий қадриятларимиз, маданиятимиз ва адабий меросимизнинг ўрни бекиёсдир.

Халқимиз томонидан кўп асрлардан буён яратиб келинган тарихий-маданий меросимизнинг тадқиқ этилмаган ва шўро мафкураси ўрганилишига тўсиқ бўлган нуқталарни ёритиш бугунги долзарб масалалардан биридир. Истибод даврида шўро фани тарихимизни бузиб кўрсатди, маданиятимиз, тилимиз, тафаккуrimизни ўз андозалари бўйича “ясади”. Эндиликда ижтимоий фанлар, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги шўро давридаги синфиийлик ва партиявийлик ғояларидан халос бўлиб, дадил ривожланиш босқичига ўтмоқда. Истибод таъкиби ва тазъиқидан сақлаб қолинган тарихий, маданий меросимизни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганининг ўзи ижтимоий фанлар қатори адабиётшунослик фани олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Инсон тафаккури тараққиёти ва бадиий-фалсафий оламининг шаклланишида адабиёт нечоғлик муҳим бўлса, унинг тадқиқи билан боғлиқ адабиётшунослик фани ҳам шунча буюк.

Ўтмиш адабиётимиз тарихида XIX аср II ярми ва XX аср бошларидағи давр ўзига хос ижтимоий зиддиятларга бойлиги, мураккабликлари билан кўз олдимиизда намоён бўлади. Бу даврда чор Россияси Туркистанни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантириди. Ўзбек хонлари ва амирлари ўртасидаги ички низолар, ўзаро урушлар чоризмнинг ўлкани тамоман эгаллашига сабаб бўлди. Президентимиз И.А.Каримов шу давр ҳақида фикр юритиб қўйидаги ўринли саволни қўяди: “Нега жаҳонга Ал-Фарғоний, Мұхаммад Хоразмий, ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XIX асрларга келиб то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?”²

XIX асрдаги тинимсиз ички урушлар, ҳисобсиз талофотлар ҳамда хонликлар ўртасидаги низолар халқни оғир аҳволга солар эди. XIX аср ўрталариға келиб Туркистан халқлари яна бир зулмни – чоризм истилосини бошдан кечирдилар. Истибод ва унинг оғир мусибатларига гувоҳ бўлган халқчил ва маърифатпарвар ижодкорлар ўз асарларида давр ҳаётини, халқнинг аҳволини ҳаққоний тасвиrlадилар. Озод шахс эрки ва идеал жамият орзуси ҳамма даврларда кишилар тафаккурида яшаб келган. Тарих шундан далолат берадики, истибод бошланган

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт -пировард максадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б.466.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.9.

жойда унга қарши маърифий кучлар уйғонган. Ўзбек зиёлилари халқни маърифатли бўлишга, ўз ҳақ-хукукларини танишга чакирдилар. Маърифатпарварлик адабиётининг вакилларидан Мұхий, Мұқимий, Фурқат, Завкий, Комил Хоразмий, Аваз, Камий, Ибрат кабиларнинг ижодида маърифат ғоялари асосий ўрин тутади. Давр адабиётида ижод этган диний-тасаввуфий адабиёт намоёндалари Юсуф Сарёмий, Мұхий, Ҳазиний кабиларнинг асарларида инсоннинг ўзлигини таниши, пок ахлоқ, инсоний фазилатлар тарғиби, шу билан бирга тарихий шароитдаги мухим ижтимоий масалалар ҳам илгари сурилди.

XIX аср бошларида Амир Умархон яратган адабий мұхитдаги анъаналар XIX аср II ярмида ҳам ижодкорлар томонидан давом эттирилди. Шундай ижодкорлардан Мұхаййир, Нисбатий, Найирий, Рожий, Қорий, Ёрий, /урбат, Писандий, Мирзо, Мунтазир номлари адабиётшуносликда эътироф этилса-да, улар ҳақида маълумотлар кам. Фақат /урбат, Рожий, Писандий, Мирзо ҳаёти ва адабий фаолиятлари түғрисида тадқиқотлар яратилганини эслатиб ўтамиз.³ Ҳалқ орасида қўллэзма асарлари сақланиб, севиб ўқилган, оғиздан оғизга ўтиб кенг тарқалган, бироқ адабиётшуносликда то ҳануз етарли ўрганилмаган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш адабиётимиз тарихи сахифаларини тўлдиради.

Шу даврда яшаган ижодкорлар ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиб, лирик ҳамда ижтимоий долзарб мавзуларда асарлар яратиб давр адабиётига мухим хисса қўшдилар. Бу давр адабий ҳаётида ижодкорларнинг фаоллашуви, бадиий тафаккурдаги янгиликлар, адабиётда янги мавзу ва ғояларнинг юзага келиши кузатилади. Ижодкорлар ўтмиш адабиётимиз анъаналарини давом эттирибина қолмай, ўз даврининг мухим масалаларини ҳам акс эттиришга интилдилар. Лирик қаҳрамоннинг реаллашуви, ҳажвий-танқидий рухнинг устуворлиги шу даврдаги ҳалқчил ва реалистик шеъриятнинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. “Бир хил ёки бир-бирига яқин ғоявий-эстетик позициядаги ижодкорларнинг ўзаро ижодий ва дўустона ҳамкорлиги кучайди. Илғор фикрли шоирларнинг маълум даражада уюшуви эса давр адабий ҳаётида чуқур из қолдирган катта воқеалардан бири бўлди”⁴. Шу даврда яшаган шоирлардан бири Усмонхўжа эшон Искандархўжа ўғли Зорийдир. Шоир Зорийнинг ўз даврида машхур бўлиб, куйга солиниб ижро этилган лирик шеърлари ҳамда панд-насиҳат, диний-тасаввуфий, диний-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий мавзулардаги ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслари бадиий-эстетик ва ижтимоий қимматга эга адабий меросдир. Зорий асарларида қўйилган масалалар ва илгари сурилган ғоялар шоирнинг бадиий-ғоявий олами, дунёқарашини ўрганишда мухим бўлса, иккинчидан унинг ижоди ўша давр ижтимоий тафаккури, этик-эстетик меъёрларини англашда ҳам қимматли манбадир.

Мазкур ишда Зорий ҳаёти ва ижодини маҳсус тадқиқ қилиб, биринчи манбалар асосида асарларини тўплаб илмий тизимга солишга, шоир бадиий тафаккур оламини таҳлил этишга имкон даражасида уриндик. Усмонхўжа Зорийнинг ҳаёти ва ижодий мероси илк маротаба маҳсус ўрганилиб, асарларининг илмий истифодага киритилаётгани адабиётшунослик учун долзарбдир.

XIX аср II ярми ва XX аср бошларида Қўқон адабий мұхитида фаолият кўрсатган ижодкорлар ҳақида ва шу билан боғлиқ масалалар юзасидан адабиётшуносликда талай ишлар қилинган.

Академик А.Қаюмовнинг “Қўқон адабий мұхити” номли илмий асари XIX аср I ярмидаги адабий ҳаёт ва шу даврда яшаган ижодкорларнинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида чуқур, изчил маълумотлар беради⁵. Муаллифнинг “Шеърият жилолари” монографик

³ Раҳматова Д. Мұқимий издошлари: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Т., 1967; Ҳоликов Р. Мирзо Хайрулло Ҳўқандий: Филол. фанлари номзоди... дисс.- Т., 1977.

⁴ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж.5.-Т., 1980.-Б.13.

⁵ Қаюмов А. Қўқон адабий мұхити. - Т.: Фан, 1961.

тадқиқоти Фурқат ижодини мавзу жиҳатидан ўрганишда муҳим манбадир⁶. Профессор /Каримовнинг “Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти” докторлик диссертацияси илмий қиммати муҳим йирик ишлардан биридир⁷. Адабиётшунос олимнинг Муқимий ижодига оид бошқа тадқиқотлари ҳам шулар жумласидандир⁸. Академик И.Мўминовнинг XIX аср II ярмидаги Туркистон халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид асари ҳам эътиборга моликдир⁹. XIX аср II ярмидаги адабий ҳаёт ва унда яратилган ҳажвий асарларнинг илмий тадқиқига бағишлиланган адабиётшунос А.Абдуғафуровнинг “Ўзбек демократик адабиётида сатира” монографияси ҳам давр адабиётини ўрганишда муҳимдир¹⁰. Адабиётшуноснинг Фурқат ҳаёти ва ижоди юзасидан “Зокиржон Фурқат” монографик тадқиқотини таъкидлаш ҳам ўринлидир¹¹. Фурқат ижодининг ўрганилиши борасида адабиётшунос Ш.Юсуповнинг “Фурқат йўлларида”, “Худоёрхон ва Фурқат” тадқиқотлари алоҳида аҳамиятлидир¹². Шу давр адабиётининг турли масалаларини ўзида қамраб олган илмий асарлардан А.Жалоловнинг “XIX аср охири – XX аср бошларидағи ўзбек адабиёти”ни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз¹³. Шоир Завқий асарларини ўрганиш⁹, нашр этиш ва тадқиқот яратишида эса Х.Раззоков самарали ишларни амалга ошириди.

Давр адабиёти масалаларини тадқиқ этишда адабиётшунос олимлар Л.Қаюмов, Б.Қосимов, У.Долимов, Р.Тожибоев, Ф.Хусаинова, А.Халилбеков, В.Мўминовалар бир қатор илмий тадқиқотларни яратдилар¹⁰.

Мазкур ишларнинг айримларида давр адабий муҳитининг иқтидорли намояндалари қаторида Зорий номи қайд этилган.

Усмонхўжа Зорийнинг асарлари шоир ҳаётлик чоғларида нашр қилинган. Унинг Худоёрхон ҳақида мухаммаси 1887 йилда Н.П.Остроумов томонидан “Записки Восточного отделение императорского русского археологического общества”нинг 2-жилди 3-чиқишида қисқа сўз боши билан нашр этилади. Қўшиқ қилиб ижро этилган бу мухаммасни ҳофизлардан

¹ Қаюмов А. Шеърият жилолари. -Т.: Ўқитувчи, 1997.

² Каримов F. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс. К.1-2. - Т.: 1961.

³ Каримов F. Халқ, тарих, адабиёт. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

⁴ Мўминов И. Танланган асарлар. З жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.

⁵ Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.

⁶ Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат.-Т.: Фан, 1977.

⁷ Юсупов Ш. Фурқат йўлларида.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1984; Шу муаллиф: Худоёрхон ва Фурқат.-Т.: Шарқ, 1995; Шу муаллиф: Хуфия қатламлар.-Т.: Маънавият, 1999.

⁸ Жалолов А. XIX аср охири – XX аср бошларидағи ўзбек адабиёти.-Т.,1991.

⁹ Раззоков X. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т.: 1953; Шу муаллиф: Завқий сатираси// Шарқ юлдузи. -1955.- №6.-Б.165-170; Шу муаллиф; Завқий: ҳаёти ва ижоди. - Т.: Узфанакаднашр, 1955.

Қаюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1-2.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1981; Қосимов Б. Излай-излай топганим.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Шу муаллиф: Маслакдошлар.-Т.: Шарқ, 1994; Шу муаллиф: XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар. Китобда: Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.: Университет, 1999; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. - Т.: Шарқ, 1994; Тожибоев Р. XX аср бошлари Ўзбек адабий танқиди тарихидан: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф.- Т., 1993; Хусаинова Ф. Демократ шоири Анбар отин: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т., 1966; Халилбеков А Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди...дисс.- Т., 1967; Мўминова В. Ўзбек адабиётида лирика: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Т., 1979;

эшитгани асосида ёзиб олгани сабабли бўлса керак, ношир Н.П.Остроумов сўнгги банди тушиб қолган мазкур мухаммаснинг муаллифини номаълум деб хисоблаган¹⁴. Адабиётшунос Р.Тожибоевнинг аниқлашига кўра мухаммас давр адабиётида тузилган баёзларнинг биридан ўрин олган бўлиб, сўнгги бандда Зорий тахаллуси қўлланган¹⁵. Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асри Зорий ҳақида маълумот берувчи асосий энг муҳим манбадир¹⁶. “Туркистон вилоятининг газети” 1909 йил, 19 июнь сонида эълон қилинган ҳажвий мухаммасни қисқа сўз боши мазмунига кўра “сандиқсоз уста Усмонхўжа” ёзган¹⁷. Шоир Собир Абдулла адабиётшунослиқда биринчи бўлиб Усмонхўжа Зорий ҳақида илк маълумотлар ва унинг ижодидан айрим намуналар беради¹⁸. А.Абдуғафуров шу мақола ва Собир Абдулла қўлидаги бошқа маълумотлар асосида Зорий ҳаёти ва ижодига оид айрим тавсиф баҳоларни беради ва еттита шеърни – икки ғазал, тўрт мухаммас ва бир мусаддасни “Ўзбек адабиёти” мажмуасида эълон қиласди¹⁹. “Ўзбек совет энциклопедияси”да ҳам шоир Зорий ҳақида қисқа қайдларни учратиш мумкин²⁰. Адабиётшунос А.Мадаминов “Зорий асарлари тўплами” деб номланган мақоласида шоир ҳаётига оид тафсилотларни аниқлаштиради ва унинг дастхат баёзи топилгани ҳақида хабар беради. Яна бир мақоласида муаллиф Зорий ҳаёти ва ижоди хусусида кенгроқ тўхталиб, аввал чоп этилмаган уч шеърни нашр эттиради²¹. Адабиётшунослар М.Худойқулов ва Ш.Юсуповлар ҳам Зорий ижоди бўйича айрим мулоҳазаларни билдирганлар²². Айтиш мумкинки, Усмонхўжа Зорий давр адабий ҳаётида кўзга кўринган ижодкор сифатида ўтган асрнинг ўрталарида ёқ бир қатор мутахассислар томонидан тан олинган ва меросидан айрим намуналар нашр қилинган бўлсада, то шу кунга қадар шоир таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти маҳсус тадқиқ қилинмаган, мероси тўпланиб тартибга солиниб, асарларининг гоявий-бадиий мундарижаси ҳақида яхлит тадқиқот яратилмаган. Мазкур иш худди шу вазифани бажаришга қаратилган.

Усмонхўжа Зорийнинг ҳаёти ва ижоди илк марта бирламчи манбалар асосида чукур ва изчил тадқиқ қилинди. Хусусан, шоир таржимаи ҳоли ва меросига оид маълумотлар жамланди, қиёсланди, сараланди. Шоир асарлари мавжуд булган манбалар аниқланди, уларга тавсиф берилди ва илмий тизимга солинди. Таянч манбаларга асосан шоир асарларининг қиёсий матни тузилди.

Зорий асарларининг ҳажм кўлами ва мавзу доираси белгиланди, жанр хусусиятлари аниқланди ва давр қалам аҳли билан ўзаро ижодий муносабатлари ўрганилди, бадиий маҳорат масалалари текширилди. Шоир Зорийнинг ижтимоий ва адабий ҳаётдаги ижодий фаолияти таҳлили орқали унинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини белгилашга ҳаракат қилди.

Ўзбек адабиёти тарихида кам ўрганилган ва маҳсус тадқиқот обьекти бўлмаган шоир Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, шоир асарлари ўрин олган қўлёзма

¹⁴ Остроумов Н. Песня о Худаярхане. Записки восточного отделение императорского русского археологического общества. Т.2.-Санкт-Петербург. 1888.-С.189-193.(Кейинги ўринларда “Записки” деб юритилади.)

¹⁵ Тожибоев Р. Шуаро назмida Худоёрхон тақдиди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 22 апр.

¹⁶ Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий.(З қисмдан иборат)-Т.: Қўлёзмалар институти, 1998.

¹⁷ Туркистон вилоятининг газети. 1909, 19 июнь. (Кейинги ўринларда “ТВГ” қисқартмасидан фойдаланамиз.)

¹⁸ Абдулла С. Шоир Зорий // Шарқ юлдузи.-1956.-№ 10.-Б. 99-101.

¹⁹ Ўзбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4. К.1. -Т.:Давлат бадиий адабиёт, 1960.-Б.373-374.

²⁰ Зорий Усмонхўжа // Ўзбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик. Ж.4. –Т., 1973.- Б.500.

³ Мадаминов А. Зорий асарлари тўплами // Мехнат байроби. - 1973. - 8 сент.; Шу муаллиф: Зорий ғазали //Мехнат байроби.- 1973-23 ноябрь; Шу муаллиф: Мавлоно Мухйи ва Зорий ижоди хусусида //Адабиёт кўзгуси. 2000.-№ 6. - Б. 76-86.

⁴ Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси: шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари.-Т.: Университет, 1995.-Б.76-77; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. - Т.: Шарқ, 1995.-Б.38-46.

манбаларни текшириш ҳамда асарларини тартиблаштириш, умумеросини аниқлаш, ғоявий-бадиий оламини идрок этиш, давр адабий ҳаётида унинг ижодкор сифатида тутган ўрнини белгилаш асосий мақсаддир. Ушбу мақсаднинг юзага чиқишида қуидаги вазифаларнинг бажарилиши тақозо этилади:

- Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва адабий фаолияти, адабий асарларининг ўрганилиш тарихини тизимли ёритиш;
- шоир асарлари мавжуд қўлёзма манбаларни аниқлаш ва илмий тавсифини бериш;
- ижодий мероси қўламини қайд этиш, мавзу доираси ва жанр хусусиятларини аниқлаш;
- ўзбек шеъриятидаги халқчил йўналишнинг кучайишида Зорий ижодий фаолиятининг аҳамиятини кўрсатиш;
- XIX аср II ярми ўзбек шеъриятида ижтимоий-сиёсий мавзу йўналишидаги шеърий туркумнинг пайдо бўлишида Зорийнинг ўрнини белгилаш;
- Мавжуд қўлёзма манбалар бўйича Зорий асарларининг қиёсий матнини тузиб биринчи марта илмий истифодага киритиш, нашрга тайёрлаш;

Ушбу иш XIX аср II ярми ва XX аср бошларидағи ўзбек адабиётининг кенг кўлами, халқчил моҳияти, даврнинг долзарб ҳаётий муаммоларини бадиий таҳлил этишда эришган ютуқлари ҳақидаги мавжуд назарий фикрларни янада кенгайтиради. Муқимий, Мухий, Фурқат, Завқийлар қаторида ва улар билан ҳамкор, ҳамфир бўлиб қалам тебратган истеъдодлар ҳақидаги тасаввурни бойитади. Назарий умумлашма хулосалардан ўзбек адабиёти тарихини ёритишда ва қайта яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуидагиларда ўз аксини топади:

- ўзбек адабиёти тарихидан янги нашрлар тайёрлашда;
- Зорий ҳаёти ва ижоди ҳақида монографиялар ёзишда;
- шоир яшаган даврни ва давр шоирлари ўртасидаги ижодий муносабатларни ўрганишда;
- шоир асарларини нашрга тайёрлашда;
- олий ўқув юртларида семинар ва махсус курслар ўтказишда.

Ишни яратишда Кўқон шаҳри /афур /улом номидаги вилоят адабиёт музейи ва ЎзРФА Шарқшунослик институти жамғармаларидағи ҳамда адабиётшунос А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги Зорий асарларининг қўлёзмалари тадқиқот обьекти қилиб олинди*. Бундан ташқари шоирнинг турли баёзларга кирган ва аср бошларида матбуотда эълон этилган асарлари тадқиқот манбаи сифатида ўрганилди*.

I БОБ. УСМОНХЎЖА ЗОРИЙ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ **1-фасл. УСМОНХЎЖА ЗОРИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ** **ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ**

XIX аср II ярмида Туркистон халқлари чоризм истибоди остида эди. Ўлканинг босиб олиниши ҳамда уни парчалангандан ҳолда бошқариш, бу ердаги турли миллатларнинг бирлашишига йўл қўймаслик, миллий маориф ва маданиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш чоризмнинг улуғ давлатчиликка асосланган сиёсати эди²³. Туркистон ўлкасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, ижтимоий онг ва иқтисодий ҳаётдаги жиддий ўзгаришлар жамиятнинг барча соҳаларига таъсир қилганидай, тарих ва адабиётда ҳам, бадиий тафаккурда

* Зорий асарлари билан танишиш имконини бергани учун филология фанлари номзоди А.Мадаминога тадқиқотчи чукур миннатдорчилик билдиради.

* Мазкур мисралар муаллифининг “Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди” мавзусидаги номзодлик диссертацияси 2003 йилда ҳимоя қилинган. (Д.Абдуллаева. “Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди” Филол.фан.ном...дисс.-Т., 2003.-Б.143.)

²³ Зиёев X. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.-Б.361.

ҳам ўз ифодасини топди. Давр ижодкорлари асарларида маърифатни тарғиб қилиш, билимли бўлишга ундаш, жамиятдаги янгиликлардан хабардор бўлишга чакириш, миллий уйғониш гоялари тобора марказий ўрин эгаллай бошлади.

XIX аср II ярмида Кўқон шахри маърифатпарварлик ҳаракатининг энг ривожланган марказларидан бири эди. Бу ҳаракат бошида Муқимий, Фурқат, Завқий, Ибрат, кейинчалик, Ҳамза, Мирзо Ҳўқандий, Сўфизода турдилар. Шунингдек, бу даврага Зорий, Ёрий, Корий, Писандий, /урбат, Рожий, Мунтазир, Шавқий, Нодим кабилар уюшдилар. Улар “жамият ва реал ҳаёт тақозо қилган турли мавзуларга мурожаат қилган бўлсалар-да, асосан уларни бир мавке - халқ оммаси мағкураси, бир ғоявий йўналиш, умумий дунёкараш бирлаштириб туради”²⁴. Ушбу адабий ҳаракатчиликнинг кўзга кўринган вакилларидан бири шоир Зорийнинг давр ҳаётидаги ижтимоий ва адабий фаолияти эътиборга моликдир.

Зорий тахаллуси билан ижод қилган шоирнинг асл исми Усмонхўжа эшон Искандархўжа бўлиб, у 1834-1910 йилларда Кўқонда яшади. Шоир ишқий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий мавзуда асарлар ёзиб, халқ эътиборига тушди. Зорий асарларининг ўша даврда бир қанча баёзларга киритилиши, вақтли матбуотда чоп этилиши ҳамда замондош шоирларнинг унинг асарларига мухаммаслар битиши шоирнинг давр адабий ҳаётида мухим ўрин тутганидан далолат беради. Бироқ, шуларга қарамай, адабиётшунослигимизда Зорий ҳаёти ва ижоди фақат айрим маълумот ва фикр-мулоҳазалар кичик мақола – ахборот шаклида мавжуд эди.

Зорий ҳақидаги қисқа маълумотларда унинг таржимаи ҳолига оид материаллар кам эканлиги, асарлари тўпланмаганлиги қайд этилади. Хусусан, адабиётшунослар Ҳ.Раззоқов ва К.Йўлдошев қўйидаги фикрларни билдирган эдилар: “Манбаларнинг кўрсатиши ча, Муқимий, Фурқат етакчилигига шаклланиб, ривожлана борган демократик адабиётнинг вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай шоирлардан қўқонлик Писандий, Зорий, /арий, Муҳайир... ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Номлари кўрсатилган шоирлардан кўпчилигининг ҳаёти ва ижоди ҳозиргача чуқурроқ текширилмаган ва асарлари оммалаштирилмаган.”²⁵

Зорий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенгроқ маълумот берувчи энг мухим манба П.Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асари эканини таъкидлаган эдик²⁶. Бу асарнинг нашр этилиши (1998) хайрли ишлардан бўлди. Мазкур асар Зорий ҳаётига оид қизиқарли маълумот ва тафсилотларни беради. Тазкирадаги шоирнинг шахсий ҳаёти, инсоний фазилатлари, табиати, ташки қиёфаси ҳақидаги тавсифлар Зорий ҳақидаги тасаввурларимизни анча кенгайтиради. Унда шоирнинг ҳаёт йўли тадрижий равишда берилади. Хусусан, Зорий ҳаёти ҳақидаги аниқ фактлар шоир биографиясининг мухим нұкталарини аниқлашда қимматлидир.

Адабиётшуносликда Зорийнинг туғилган ва вафот этган саналари тўғрисида турли мулоҳазалар мавжуд эди. Адабиётшунос /Каримовнинг “Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти” номли докторлик диссертациясида Муқимий замондошлари, хусусан, Зорий ҳақида қўйидаги қайдлар бор: “Муқимий замондошларидан. Асли исми Усмонхўжа, отасининг исми Искан дархўжа. Кўқонлик, сандиқсозлик касби билан

²⁴ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж.5.-Т., 1980.-Б.38.

²⁵ Раззоқов Ҳ. Йўлдошев К. Маданиятимиз тарихидан // Ўзбекистон маданияти. 1957.-№47.

¹Бу асарнинг асл қўлёзма нусхаси иккита бўлиб, биринчиси муаллиф дастхати, П.Қаюмов томонидан 1960 йилда ёзилган. Эски ўзбек ёзувида. Қўлёзма адабиётшуноснинг ўғли академик А.Қаюмов шахсий кутубхонасида сақланади. Ҳажми 631 бет, олти дафтардан иборат. Иккинчи нусхаси А.Қаюмов томонидан ҳозирги ёзувда кўчириб чиқилган. 778 бетдан иборат бўлиб, собиқ Кўлёзмалар институти жамғармасида инв.№443да сақланади. Тазкирада турли даврларда яшаган 324 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Асар 1998 йилда Тошкентда 3 жилд шаклда А.Қаюмов томонидан нашр қилинди.

² Каримов F. Муқимий ва унинг даври адабиёти: Филология фанлари д-ри... дисс.-Т., 1961.-Б.561.

шуғулланган. Зорий 1839 йилда туғилиб, узок умр кўриб, 1915 йилда вафот этган.”²⁷ Ушбу саналар адабиётшунос Бегали Қосимовнинг “ХХ аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар” номли мақоласида қуйидагича келтирилади: “Асримизнинг дастлабки йигирма йилида шаклланган янги шеърият анъанавий диний-тасаввуфий шеърияти билан ёнма-ён яшади. Мирмаҳмуд Қорий (1834-1904), Юсуф Сарёмий (1840-1912), Усмонхўжа Зорий (1839-1916), Ҳусайнқул Муҳсиний (1860-1917), айниқса Зиёвуддин Ҳазиний (1861-1921) бу йўлда самарали ижод этдилар.”²⁸

Зорийнинг ҳаёти ва вафоти саналарини аниқлашга адабиётшунослардан А.Мадаминов ҳам уринади. Жумладан, “Зорий асарлари тўплами” мақоласида шоирнинг 1915 йилда ҳаёт бўлгани тахмин килинади²⁹. Мақолада муаллиф томонидан топилган баёзда 1915 йил 18 декабрь санаси қайд этилгани учун бўлса керақ, шоир шу йилда ҳаёт бўлган, дейилган. Лекин бизнинг аниқлашимизга кўра бу сана кейинчалик баёзнинг соҳиби бўлган шоир Собитхон Тўракўргоний томонидан ёзилган бўлиб, Зорий бундан илгарироқ, яъни 1910 йилда вафот этган.

Шоир Зорийнинг таваллуди ва вафоти саналарини аниқлашда биз икки манбага асосландик. Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асарида Зорийнинг 1910 йилда 76 ёшда вафот этгани ҳақида сўз юритилади. Иккинчи манба Кўқон адабиёт музейи жамғармасидаги инв.№ 27 бўлган қўллётманинг 16-саҳифасида Зорийнинг 1328 йил рамазон ойининг 15-си душанба куни ҳижрат қилгани ҳақида котибнинг изоҳи бор. Котиб шоирни: “У дунёга кетди” маъносида, яъни “хижрат қилди” ибораси билан унинг вафотини қайд этган. Бу сана эса “Тазкираи Қаюмий”да таъкидланган милодий ҳисобда 1910 йилга мувофиқ келади. Шунга кўра, Зорий 1834 йилда туғилган деган хulosага келдик. Шу муносабат билан қайд этиш ўринлики, адабиётшунос Фатҳиддин Исҳоков:

Икки ўттиз, икки беш ёшим менинг,
Не кунларни кўрмади бошим менинг,-

байтнинг Зорий қаламига мансублиги ҳақида кекса шеърият мухлисларидан эшитганини сўзлаган эди. Демак, юқоридаги мисраларга кўра ҳам Зорий етмиш ёшда ҳаёт эканлиги маълум бўлади.

XX асрнинг 50-60 йилларида Зорий ижодига қизиқиш ортди.

Шу йилларда Кўқон адабиётининг билимдонларидан Собир Абдулла Зорий ҳақида илк маълумотларни илмий жамоатчиликка тақдим этди. “Шоир Зорий” мақоласида муаллиф унинг “ўз шеърларидек шўх, хушсұхбат, оқкўнгил одам бўлгани”ни, лирик шеърлари ўз даврида машҳур ва адабиёт мухлисларига манзур бўлганлигини алоҳида таъкидлайди³⁰. Собир Абдулла Зорий ҳаётига ва шахсий сифатларига оид баъзи воқеаларни ҳам келтиради. Жумладан, шоир кимсасиз етим бўлган Турсунқулни тарбиялагани, бошини силаб, унга ўз қизини турмушга бергани ҳақидаги маълумотлар йигитнинг тилидан берилади. Айни замонда, мақолада шоир ҳаёт йўли ва ижодий, ижтимоий фаолияти ҳақида маълумотлар кам, ҳатто унинг туғилган ва вафот этган йиллари кўрсатилмаган. Факат Чархи девона маҳалласида туғилгани қайд этилади, холос. А.Абдуғафуров ҳам “унинг биографиясига оид маълумотга эга эмасмиз”, деб ёзади³¹.

²⁸ Қосимов Б. Жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар. Китобда: Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.,1999.-Б.116.

²⁹ Мадаминов А. Зорий асарлари тўплами // Мехнат байроби. - 1973. - 8 сент.

³⁰ Абдулла С. Шоир Зорий // Шарқ юлдузи. 1956.-№ 10.-Б.100.

³¹ Ўзбек адабиёти. Мажмуа. –Т., 1960.-Б.373.

Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асарида булардан фарқли равишда Зорий Кўён шахрининг Сармозор даҳаси Рустамбек ҳалакижон маҳалласи Искандархўжа хонадонида туғилган, деган маълумот мавжуд³².

Адабиётшунос С.Абдулла, бизнингча, Зорий ҳаётининг кейинги даврлари ҳақидаги маълумотга таяниб, уни Чархи девона маҳалласида туғилган, деган.

“Тазкираи Қаюмий”да Зорийнинг оилавий муҳити, касб-кори, табиати, ижоди тўғрисида кўплаб маълумотлар берилади. Зорийнинг отаси ҳақидаги маълумот фақатгина тазкирада мавжуд. Унинг отаси Искандархўжа ёғочсоз уста бўлиб масжид-мадраса, меҳмонхоналарга нақшинкор дарвозалар ясаган. Муқимий хужраси жойлашган Соҳибзода ҳазрат мадрасасининг дарвозаси унинг томонидан ишланган. “Искандар нажжор” номи ўйиб ёзилган дарвоза ҳозир ҳам бор. Орадан ўтган йиллар, қор-ёмғирлар ўз таъсирини ўтказган бўлса-да, дарвозанинг тепа қисмидаги бу ёзув сақланган.

Адабиётшунос А.Мадаминовнинг 1973 йилда эълон қилин ган “Зорий асарлари тўплами” мақоласи шоир ҳақидаги маълумотларни бирмунча тўлдиради. Шоирнинг асл исми ва тахаллуси ҳақида қуйидаги ғазал мақтасига таяниб хulosha чиқарилади:

Дуо умид этиб бу ерда арзимни қилиб эълон,

Дариғ этманг дуо Зорий тахаллус хожа Усмондин.

Зорий ҳаёти ва фаолиятига оид аниқ далил ва саналар келтирилмаган бўлса-да, адабиётшунос А.Мадаминов шоирнинг бир мухаммаси мазмунига асосланиб, бўлажак шоирнинг онадан эрта етим қолгани, отаси ва бобоси қўлида тарбиялангани, ҳаёти қийинчиликда ўтганини аниклади.

Шоирнинг онаси ҳақида тазкирада маълумотлар йўқ. Бу ҳақда Зорийнинг ҳасби ҳол мисраларидан юқоридаги каби мулоҳазаларга келиш мумкин. Тазкирадаги муҳим маълумотлардан бири Зорийнинг Норбўтахон мадрасасида таълим олгани ҳақидадир. Зорий маҳаллада илк саводини чиқаргач, отаси унинг мадрасада ўқишини қўллаб-куватлайди. Бўлғуси шоир бу ерда бир қатор дунёвий ва диний билимларни эгаллайди. Қўёндаги адабий йигин ва мушоираларда ҳам иштирок этади. Ижтимоий-иктисодий қийинчилик даврида яшаган шоир даврнинг бошқа ижодкорлари сингари тирикчилик важидан бошқа касб билан шуғулланишига тўғри келади. У ота касбини тутиб, сандиқсозлик орқасидан кун кўрганлиги ҳам тазкирада таъкидланади. Зорий табиатан жуда нозиктаъб бўлган. Унинг феъл-атвори, кўринишига қуйидагича тавсиф берилган: “Тўла қоматли, узун соқолли, содда кийимли, ўрта ҳол, оқ юзли, шоирлик ярашиб тушган, фозил, хуштабиат киши бўлган ҳолда таъби нозик, истиғноли киши эди. ...Арзимаган хато тўғрисида қўнгли қолар экан.”

Тазкирада шоирнинг уч мухаммасидан айрим бандлар, икки ғазалидан сўнгги – тахаллус қўлланган байтлар намуна сифатида келтирилган.

Зорийнинг айрим шеърларида бир ерда қўним топмай, у жойдан бу жойга кўчиб қўнимсиз яшаганига баъзи ишоралар бор. Айтиш мумкинки, бу сарсонгарчиликлар, бир томондан, юқорида зикр этилгани каби табиий оғатлар туфайли бўлса, иккинчи томондан ижтимоий-иктисодий сабаблари ҳам бор, деб ўйлаймиз.

Собир Абдулла мақоласида шоирнинг қизи вафот этгач, унга ичкуёв бўлган Турсунқул Шодиевнинг (1955 йилда Тошкентда вафот этган) кекса шоирни ёлғиз қолдириб бу

³² Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 2-қисм.-Т., 1998.-Б.315. (Бизнинг изланишларимиз шуни кўрсатдики, Қўконда Сармозор номли катта қабристон бор. Шу жойга яқин ҳозирги янги Чорсу маҳалласида “ҳалакижон” номи сақланган. Ҳалакижон деб номланишининг сабаби шундаки, қадимда маҳалланинг икки томони - Оқтепасой ва Қиялисойдан бу ерларга сув тошиб, уйларга сув тошиб, уйларга талофот етган. Тошқин шиддатли бўлиб, болаларни, одамларни оқизган. Айтишларича, бешиклардаги чақалоқлар ҳам оқкан, уларни куткариб қолишига ултурмаганлар. Бундай фалокатли тошқинлар тез-тез қайтарилиб, аҳоли доимо саросимада яшагани сабабли “жон” ҳалакда маъносида “ҳалакижон” иборасини қўллаш одатга кирган. Ҳозирги кунда бу жойлар Мулкобод деб номланиб, маҳаллада масжид, чойхона ва бошқа жамоа йигиладиган гузаргоҳлар бор. Кексаларнинг айтишларича, “Тазкираи Қаюмий”да зикр этилган Рустамбек бирор бой ёки амалдор бўлган бўлиши керак.)

хонадонни тарк этганлиги баён этилади. Хусусан, кексалик йилларида оилавий осудалик, хотиржамликка, меҳрга муҳтоҷ бўлган Зорий кўп мусибатлар ва маشاққатлар кўради. Ҳаётининг кексалик чоғларида Каъбага боришни орзу қиласи, лекин бу истаги амалга ошмай, 1910 йилда Қўқонда вафот этади. Шахсий турмушдаги ва ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар шоир қалбини изтиробга солган. Шу сабабдан у Зорий тахаллусини қўллаган десак хато бўлмайди. Унинг қабри Сармозорда деб тахмин қилиш мумкин*.

Шоирнинг авлодлари ҳақида тазкирада баъзи қайдлар бор. Собир Абдулла таъкидлаган Зорийнинг қизларидан икки набиралари бўлиб, Боисхон ва Боситхон Қодировлар илмли кишилардан бўлган эканлар. Боситхон Қодиров Абдулла Қодирий билан яқин муносабатда бўлиб, ёзувчи “Мехробдан чаён” романини ёзиш учун Қўқонга келганда Худоёрхоннинг ўша даврда тўқсон ёшда бўлган хотини Розия ойим билан учрашувни ташкил қиласи. Бунинг учун Абдулла Қодирий минатдор бўлиб ҳаволада қуидагиларни келтиради: “Муҳтарама Розия ойимга ва икки орада воситачи бўлиб, устимга миннат қўйган қўқонлик дўстим Босит Қодирийга ташаккур ва раҳматлар айтишга бурчлиман”³³.

Шуни қайд этиш ўринлики, Зорийнинг набираси хон саройига дахлдор кишилар билан боғлана оладиган имконга эга бўлган. Хусусан, Зорийнинг Худоёрхон саройи, тақдири ва бошқалар ҳақидаги асарлари шоирнинг сарой билан алоқада бўлганига ишора этади.

Шоир Зорий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган адабиётшунослар унинг асарлари жанрлари, мавзуси, бадиияти ҳақида ҳам эътиборга молик фикрлар билдирганлар. Собир Абдулла бу ҳақда: “Усмонхўжа Зорийнинг қимматбаҳо асарлари нашр қилинмаган бўлса ҳам, Қўқоннинг заршунос кексаларида сақланиб, ҳамон қўлдан қўлга ўтиб севиб ўқиласи. Бизда мавжуд асарлар ҳам ана шу заршунослар қўлида сақланиб келинган Зорийнинг асарларининг бир қисмидир”, - деб ёзади. Мақоладан сўнг Зорийнинг икки ғазал, беш мухаммас, бир мусаддаси илова қилинган.

Мақолада шоирнинг асарлари мавзуси ҳақида гап борганда, унинг турли лирик жанрлarda қалам тебратгани, қатор лирик шеърлари ўз оригиналлиги, равон ва ихчамлиги, тили соддалиги, ижоди оташнафаслиги таъкидланади. С.Абдулла бу ўринда Зорийнинг ҳажвиётда Муқимиш ва Завқийлар изидан борганлигини айтиб ўтади. Унинг Мусича маҳзум мухаммасига алоҳида тўхталади.

Адабиётшунос А.Мадаминов Зорий ижоди ҳақида фикр юритиб, аввало, С.Абдулланинг “Мавлоно Муқимиш” асарида Зорий ҳақида қайдлар учрашини ва унда шоирнинг “Мусича маҳзум” ҳажвиясидан парча келтирилганини изоҳлайди.

Айтилганидек, 1960 йилда чоп этилган “Ўзбек адабиёти” мажмуасига мазкур маълумотлар ва Собир Абдулла ихтиёридаги бошқа манбалар асосида А.Абдуғафуров Зорий ҳақида қисқа маълумот ва шоир асарларидан ғазал, мухаммас, мусаддас жанрларида ёзилган еттига намуна киритади. “Муқимиш, Завқийлар билан яқиндан дўстлашган Зорий... гўзал лирик ғазал, мухаммаслар билан бир каторда, сатирик характердаги бирмунча асарлар яратган”лиги таъкидланади³⁴.

Адабиётшунос /Каримов Усмонхўжа Зорийнинг давр адабиётида кўринарли ўрин тутган истеъдодли ижодкор эканини эса қуидагича келтиради: “Бу давр адабиётида “Найлайнин” радифи билан шу тахлитдаги шеърлар ёзиш кенг тарқалган. Унинг намуналари кўп бўлиб

Ёр сенсиз найлайнин, дилдор, сенсиз найлайнин,
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайнин,-

* Қўқоннинг катта ва кўхна қабристони бўлган Сармозорда 1910 йилгача бўлган ва ўша йиллар атрофида қўйилган қабрлар чўкиб кетган, уларга ўрнатилган қабротшлар ҳам учрамайдт.

³³ Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён.-Т., 1994.-Б.492.

³⁴ Ўзбек адабиёти. Мажмуя. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.373.

байти ҳар бандда нақорат ўрнида такрорланувчи унинг мусаддас формасидаги чиройли бир намунаси шоир Зорийда учрайди. Зорий Қўқондан бўлиб Муқимий даври адабиётига мансуб бўлган талантли шоирлардандир.³⁵ Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган мусаддас халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, Собир Абдулла ҳам ўз мақоласида бу фикрни таъкидлаб мазкур мусаддас яқин даврларгача ҳофизлар ижросида куйланганини эътироф этади.

Адабиётшунос /.Каримов Зорийнинг ижоди тўхталиб қуйидаги ларни қайд этади: “У (Зорий-Д.А.) демократик адабиёт руҳида поэзиянинг кичик формасида ижод этгани маълум. Унинг лирик шеърларидан ташқари Муқимий ҳажвий мухаммасига эргашиб ёзган сатирик асарлари ҳам бор”. /.Каримов Муқимийнинг “Ҳажви Бектур”, “Лахтин ҳажви” каби асарлари тўғрисида Зорийнинг шу ҳажвларига жавобан мухаммас ёзгани ва у ўн икки банддан иборат эканлиги, саккиз бандлик бир вариантини С.Абдулла шоирнинг лирик шеърлари қаторида “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилганини таъкидлаб ўтади. Зорийнинг ҳажвий мухаммаси ҳақида адабиётшуноснинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “Зорий сатираси ҳам ўзининг гоявий хусусиятлари жиҳатидан Муқимий сатираси изидан борган. Фақат унда услугуб яна эркин ва сарбастдир”. Ўн икки банд деб ҳисобланган мухаммас қўлёзма манбаларда аслида ўн уч банддир. Адабиётшунос ундан беш бандини мисол қилиб келтиради. Муқимий ижодига оид бошқа асарларида ҳам /.Каримов Қўқондаги адабий мушоира вакиллари билан бир қаторда Зорий ҳажвий шеърлар ёзиб, бу соҳада ҳам яхши намуналар яратганлигини айтиб ўтади.

А.Мадаминов Зорий баёзи ҳақида сўз юритиб, муаллиф унинг 202 саҳифадан иборат эканлиги ва унда Зорийнинг 29та асари мавжудлиги ҳақида хабар беради. Адабиётшунос Зорий ижодига тўхталиб, унинг шеърларида мумтоз адабиётимизнинг энг илғор анъаналари давом ва тараққий эттирилгани, шоирнинг ўз қаламини лирик ва ҳажвий асарлар ёзиб синовдан ўтказгани, ҳажвий асарлар битишда Муқимий, Завқий, Писандийлар ижодига эргашгани, замон иллатларини дадил фош қилганлигини таъкидлаб ўтади. Мақола муаллифи Усмонхўжа Зорийнинг халқчил, равон услугудаги лирик ва ҳажвий асарлари билан адабиётга муҳим ҳисса қўшганлигини хulosса қиласди.

Усмонхўжа Зорий ҳақида қисқа маълумотлар ўн тўрт жилдлик энциклопедиянинг 4-жилдига киритилган. Унда шоирнинг “XIX аср II ярми ўзбек халқчил адабиёти намоёндаларидан бири эканлиги, Муқимий, Завқийлар билан дўстлашиб, улар таъсирида ғазал, мухаммаслар ҳамда ҳажвий асарлар яратган”лиги қайд этилади³⁶. Шоир ҳақида кам сонли материаллар борлиги, асарлари тўпланмаганлиги, бир неча шеърий намуналаргина эълон қилингани баён этилади.

Адабиётшунос Лазиз Қаюмов ўз асарида Усмонхўжа Зорийни қуйидагича тилга олиб ўтади: “Бу адабиётнинг йигирманчи аср бошларида ҳам яшаб ижод этган вакилларидан қуйидаги шоирларни кўрсатиш мумкин: Фурқат, Муқимий, Завқий, Нисбатий, Нусрат, Мавлавий Йўлдош, Муҳаййир, Усмонхўжа Искандархўжа ўғли Зорий (1839-1915)”³⁷.

Зорий ижодига бугунги кунда ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Адабиётшунос А.Мадаминов “Адабиёт кўзгуси”да босилган “Мавлоно Муҳий ва Зорий ижоди хусусида” мақоласида матбуотда эълон қилинган аввалги чиқишлирига қўшимча равишда бъязи маълумотларни келтиради. Муаллиф шоир асарлари мавзуси ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Шоир шеърларида халқчил мотивлар билан биргаликда тарихий воқеликнинг реал тасвирларини ҳам кўрамиз. Бунга унинг ўз даврининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланган Худоёрхон ўрдасининг тасвири баён этилган мухаммаси, Андижон зилзиласига бағишиланган “Воқеаи Андижон” шеърларини кўрсатишимиш мумкин”³⁸. Мақолада Зорий асарларида комил инсонга хос олижаноб туйғулар, юксак маънавий фазилатлар улуғланиб, ахлоқи замималар

³⁵ Каримов F. Муқимий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс.-Т., 1961.-Б.561.

³⁶ Зорий // Ўзбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик. Ж.4.-Т., 1973.-Б.500.

³⁷ Қаюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1.-Т., 1981.-Б.133.

³⁸ Мадаминов А. Мавлоно Муҳий ва Зорий ижоди хусусида //Адабиёт кўзгуси.-2000.-Б.76-86.

(ёмон хулқлар), ярамас одатлар қораланган”лиги таъкидланади. Шунингдек, Зорий асарларининг бугунги кундаги тарбиявий, маънавий аҳамияти кўрсатилади. Мақоладан сўнг шоирнинг икки ғазал ва бир мухаммаси берилган. Адабиётшунос Р.Тожибоев “Шуаро назмида Худоёрхон тақдири” мақоласида 1888 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган “Записки”нинг 2-жилди 3-чиқишида Н.Остроумов нашр эттирган Худоёрхон ҳақидаги мухаммаснинг Зорий қаламига мансублигини А.Мадаминов кўмагида аниқлайди. Мухаммас Н.Остроумов томонидан “Худоёрхон ҳақида қўшиқ” деб номланиб, куйидаги сўзбоши билан чоп этилган: “Бу қўшиқ Худоёрхоннинг Фарғонадан кетиши биланоқ яратилган ва у кўплаб эркагу аёл ашулачилар томонидан куйланади. Мусулмон тингловчиларда у чуқур таассурот қолдиради, ҳатто уни эшига туриб йиғлашади. Кўшиқ муаллифи номаълум. У Сатторхон ёрдамида мен томонимдан таржима қилинди”³⁹. Адабиётшунос Р.Тожибоев А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги баёз ва Н. Остроумов нашр этган мухаммас матнларини ўзаро солиштириб, улардаги ўхшаш ва тафовут томонларини аниқлайди. Фарқ шундаки, “Записки”даги мухаммас матнида Зорий тахаллуси қўлланмаган, яъни мазкур банд нашрдан тушиб қолган бўлиб, баёздаги мухаммасда мавжуд экан.

/Каримов Осиё ҳалқлари бўлими Кўллэзмалар фондида сақланувчи алоҳида қофоздаги мазкур мухаммасга ёзилган Смирнов изоҳига таяниб, уни мулла Абдураззоқ ёзган, деган янгилик фикрга келган. Бундай чалкашлик Худоёрхон ҳақидаги “Иккинчи қўшиқ” деб номланган Котиб мухаммаси таҳлилида ҳам кўзга ташланади. Бу чалкашликни А.Абдуғафуров “Зокиржон Фурқат” монографиясида қайд этиб ўтади⁴⁰. Иккинчи мухаммас, /.Каримов ёзганидек, Самойлович эмас, балки Н.Остроумов томонидан нашр қилинади. Мухам мас чоп этилган вақтда Самойлович етти ёшда бўлган. “Записки”даги Котиб мухаммасидан сўнг Н.Остроумов номи ва “Ташкент. 10 июль, 1891год” санаси қайд этилган. “Записки”да Зорий мухаммаснинг сўнгги банди берилмагани хусусида адабиётшунос Ш.Юсупов, шоир ўз тахаллусини яшириб қолган, чунки рус мустамлакачиларининг ҳийланайранги оқибатида “домга тушиб гирифтори қафас” бўлган хоннинг кўргуликлариға қайғуриш “асар муаллифи бошига не-не савдоларни келтириши ўз-ўзидан аён эди”, деган мулоҳазани билдиради⁴¹.

Фикримизча, Н.Остроумовнинг ўз сўзларига таянадиган бўлсак, ношир мухаммасни қўшиқ шаклида эшитган ва ҳофизлар ижро этган вақтда улар оғзидан ёзиб олгани учун тўлиқ бўлмаган ва сўнгги тахаллусли банд тушиб қолган бўлиши мумкин. Мухаммас ҳажми адабиётшунослар томонидан тўққиз банд деб белгиланган. Н.Остроумов нашр этган мухаммас матнидаги “Бу фоний дунёда ҳеч ким менингдек боши қотмайдур” мисраси билан бошланадиган банд биз кўрган манбаларнинг (ҚАМ. Баёз. инв.№Р255. Мухаммаси Худоёрхон сарлавҳаси остида. 155а, 155 в варақ. Баёз. инв.№ 27.Абёти Зорий сарлавҳаси билан. 14 варақ.)да учрайди. Мазкур банд қуйидаги:

Дунёю даҳрда ҳеч кимнинг мендек боши қотмайдур,
Ки, тинмай йиғладим ҳаргиз қиёмат тонги отмайдур,
Мусулмон комил ўлса, дунё деб динни сотмайдур,
Худодин кўрқмаган уммат ҳабибидин уётмайдур,
Неча эшону кутбу покдомонимдин айрилдим.

Зорий асарларининг ишончли манбаларидан мавжуд бўлган бу мисралар асосида мухаммас матни аслида ўн беш банддан иборат бўлган деган хulosага келиш мумкин.

Н.Остроумов сўзбошидаги: “Худоёрхоннинг Фарғонадан кетиши биланоқ...” ибораси диққатга сазовор. Бундан мухаммаснинг яратилган санасини тахмин этиш мумкин. Айни замонда Зорий биринчилардан бўлиб бу ижтимоий мавзуни шеъриятга киритган ва

³⁹ Тожибоев Р. Кўрсатилган мақола; Остроумов Н. Песня о Худаярхане // Записки восточного отделение императорского русского археологического общества. Т.2.-Санкт-Петербург. 1888.-С.189-193.

⁴⁰ Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат.-Т.: Фан,1977. –Б.127-128.

⁴¹ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат.-Т. 1995.-Б.46.

кейинчалик бир туркум асарлар яратилишига асос солган, деган хулоса чиқариш мумкин. Адабиётшунос Р.Тожибоев бу ҳақда шундай ёзади: “Шундан сўнг Зорий шеъридан илҳомланиб, қўқонлик бошқа шоирлар- Котиб, Фурқат, Завқий ҳам Худоёрхон тақдири хусусидаги ўз шеърларини ёзган бўлсалар ажаб эмас”⁴². Яқинда эса Зорий илк бора қаламга олган мавзуда яратилган Муҳаййир қаламига мансуб бешинчи мухаммас топилиб, илмий жамоатчиликка ҳавола қилинди⁴³.

Зорий мухаммаси хоннинг тилидан берилиб, унда яқин кишиларидан ажралган, кечаги хурсандчилик кунлари бу кун ҳасратга айланган, мусофириликда ғариб ҳолига тушган, ўзга юртларга қувилган шахснинг афсус ва надоматлари таъсири мисраларда акс этади. Муаллифнинг воқеаларни хон тилидан баён этиши инсоний изтиробларни тасвирлашда қулайлик туғдиради. Мазкур мухаммасга сўзбоши ёзган Н.Остроумов қўшиқ Фарғонада аёлу эркаклар томонидан куйланишини ва бальзилар йиғлашини айтиб ўтган эди. Кўринадики, Зорий мухаммаси ҳалқ орасида тарқалган. Адабиётшунос Ш.Юсупов ҳам “Зорийнинг инсон қалбини забт этиш қудратига эга бўлган санъаткор эканлиги”ни таъкидлаб, мухаммаснинг бальзи мисраларини мисол тарзида келтиради. Ва: “Бу мисраларни ўқиганда, ўз қилмишларидан астойдил пушаймон бўлиб қон йиғлаб турган собиқ хонга чин юракдан ачинмай иложингиз қолмайди”, деб ёзади⁴⁴. Асли “Афсусномаи Худоёрхон мухаммаси Зорий” деб номланган Зорий мухаммаси ўша давр маданий ҳаётида мухим воқеа бўлганини адабиётшунос тўғри қайд этади. Зорийдан кейин шу мавзуда мухаммас яратиш анъанага айлангач, Котиб, Фурқат, Завқий, Муҳаййирлар ўз асарларини ёздилар. “Записки”нинг 1893 йилдаги 7-жилд (51-62 бетлар)ида Котибнинг “Вторая песня” ва 8-жилд (129-136 бетлар)ида Фурқатнинг мухаммаслари “Третья песня” номлари остида ва рус тилидаги таржимаси билан нашр қилинди⁴⁵.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир мухаммаснинг таржимасидан сўнг Н.Остроумов номи ва йил саналари кўрсатилган. Зорий мухаммаси нашрида “Ташкент. Декабрь, 1886.” қайд этилган бўлса, Котиб асаридан кейин “10 июля. 1891 года. гор. Ташкент.”, Фурқат асаридан сўнг эса “Ташкент, 2 января. 1893 года” ёзувлари берилиган. Тарихий маълумот ва саналарга асослансан, Зорий мухаммаси муққаддимасидаги “Худоёрхоннинг Фарғонадан кетиши...” 1875 йилга тўғри келади. Демак, Зорий мухаммасни 1875-76 йиллар оралиғида Худоёрхоннинг “кетиши ҳамоноқ” ёзган. Фурқат ва Котибларнинг асарлари кейинроқ - хон вафотидан сўнг битилган. Адабиётшунос А.Абдуғафуров Фурқат мухаммаси 1882-1883 йилларда ёзилган деган фикрга келади⁴⁶. Фурқат келтириб берган Котиб мухаммасига ёзилган муққаддимада ношир хон ҳақидаги икки қўшиқни қўлга киритишга муваффақ бўлганини айтиб ўтади. Демак, Котиб мухаммаси ҳам хон вафотидан кейин ёзилган. Зорий асарлари ичida эса хоннинг вафоти муносабати билан ёзилган “Кетти, ким қоли” радифли мусаддас мавжуд. “Бу фоний даҳрдин жумла паямбар кетти, ким қолди...” мисралари билан бошланувчи мазкур мусаддасни ҳам 1879 йиллардан кейин яратилган деган фикрга келиш мумкин. Қўқоннинг сўнгги хони ҳақида шундай асарлар яратилганига Н.Остроумов алоҳида фикр билдириб, қуйидагиларни ёзган эди: “Шу мавзуда бирдан ортиқ қўшиқнинг пайдо бўлиши 1875 йилдаги сиёсий тўнтарилишнинг Фарғона мусулмон аҳолиси қалбини ларзага соганидан бўлса керак. Ва бу қўшиқлар ҳалқ орасида тарқалган, улар рамазон тунларида ва

⁴² Тожибоев Р. Кўрсатилган мақола.

⁴³ Дехқонов А. Худоёрхон фожеаси ҳақида бешинчи қўшиқ// Ўзбек тили ва адабиёти.-2000.№2.-Б.57.

⁴⁴ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат.-Т., 1995.-Б.45.

⁴⁵ Остроумов Н. Вторая песня о бўвшемъ Кокандскомъ ханъ Сайдъ Мухамадъ Худаяръ// Записки восточного отделение императорского русского археологического общества. Т.7-Санкт-Петербург. 1893-1894. -С.51-62; Шу муаллиф, шу тўплам: Третья песня о Худояръ-хане.Т.8.-С.129-136.

⁴⁶ Абдуғафуров А. Зокирjon Фурқат.-Т., 1977.-Б.127.

кўп сонли йиғинларда куйланади. Бу қўшиқлар ўзига тўқ одамларнинг уюштирган йиғинларида ҳам ижро этилади. Бунда мусиқа асбоблари ҳам жўр бўлади.”(С.154.) Котиб мухаммасига муқаддима тарзида ёзилган ушбу фикрлардан келиб чиқадиган холоса шуки, шоирларнинг хон тақдири ҳақида битилган таъсирли асарлари халқнинг юрагидан жой олган, кўп жиҳатдан манзур бўлган.

XIX аср II ярмидаги ўзбек ҳажвий публицистикасига бағишлиланган монографик тадқиқотида М.Худойкулов “Туркистон вилоятининг газети” 1909 йил 19 июнь сонида Усмонхўжа исмли сандиқсоз устанинг ҳажв қилган шеъри босилгани ва бу шеърга ёзилган кириш сўзи ҳақида тўхталади⁴⁷. Ушбу кириш сўзини тўлиқ келтирамиз: “Ушбу вақтларда Кўқон шаҳрини бозор ва расталаринда ўзларига зеб-зийнатлар бериб мардумларни молларини насяга олиб, ҳовли- ҳарамлар бунёд айлаб, тез фурсатлар ичида мардумларни молларини тагларига босиб, синган кимарсалар аҳволларига нazzора айлаб, Кўқон шаҳрини фукароси сандиқсоз уста Усмонхўжа аҳволи замонага қараб мулоҳаза илан ёзган шеъридур”. Адабиётшунос давр ижодкорлари адабий фаолиятига қисқа тўхталиб, уларнинг ҳажвий шеърлар ёзиб, даврнинг мухим ижтимоий масалаларига ўз муносабатларини билдирганликларини, зулм ваadolatсизликларга қарши чиққанликларини изоҳлаб Зорий, Иброҳим Даврон, Сайджалол, Фурқат, Мирза Абдулла кабиларнинг ҳажвий шеърларидан парчалар келтиради. Жумладан, Зорий ҳажвий мухаммасидан икки банд берилади, газетада мухаммасинг тўққиз банди чоп этилган бўлиб, унда шоирнинг тахаллуси қўлланмаган.

“Записки” ва “ТВГ”да босилган Зорий шеърларидан кўринадики, ўша даврда ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарлар ноширларни қизиқтирган ва матбуот саҳифаларида бу навъ шеърларга ўрин берганлар.

Юқорида биз зикр этган манбалар асосида Усмонхўжа Зорий таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти тадрижини нисбатан тўлиқ тиклаш мумкин бўлади.

х х х

Усмонхўжа эшон Искандархўжа ўғли Зорий 1834 йилда Кўқон шаҳрининг Сармозор даҳаси Рустамбек ҳалакижон маҳалласида маърифатсевар ҳунарманд оиласида туғилади. Оила бошлиғи Искандархўжа дурадгорлик касби орқали рўзғор тебратади. Усмонхўжанинг ёш чоғида онаси вафот этиб, уларнинг оиласи анча қийинчилик кўради. Бўлғуси шоир отаси ҳамда бобоси қўлида тарбия топади. Илм олишни қадрлаган Искандархўжа илк саводини маҳаллада чиқарган ўғлини Норбўтахон мадрасасига ўқишга беради. У мадрасада ўша даврда ўқитилган дунёвий ҳамда диний билимларни эгаллайди. Жумладан, Қуръон, фикҳ, кофия, шифоҳия кабилар бўйича таҳсил олади. Ўзбек ва форс-тожик адабиёти намояндалари Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Фузулий, Бедил асарларини қунт билан ўрганади, бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Шоир форсий тилда ҳам шеърлар ҳам машқ қилади. Шу тилдаги унинг ижодидан бир тўртлик намунаси баёзларнинг бирида сақланиб қолган.

Шоир Зорий жуда камтарона умр кечиради. У отасининг касбини тутиб, сандиқсозлик ҳунари орқали кун кўради. Бироқ, бадиий ижодни ҳам тарқ этмайди.

Усмонхўжа Зорийнинг қачондан бошлаб ижод қилгани маълум эмас. Бироқ шуни айтиш мумкинки, шоир ижодининг асосини ташкил қилувчи ижтимоий мавзудаги, тарихий воқеалар билан боғлиқ асарлари ижодий етук даврида - кирқ-эллик ёшларида ёзилган дейиш мумкин. Зорий ўша даврда Муқимий атрофидаги мушоира даврасида фаол қатнашади. Доимий ўтказилиб турилган адабий йиғинлар ҳақида шоир Фурқат шундай маълумот келтиради: “Чун ёшим соати умр шаб-рўзида йигирма тўрт шумориға етти, ул вақт Хўқанд вилоятидаги фазил ва расотаъб кишилар бирла иттиҳод айлаб аларнинг сухбатидин кўб баҳралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи мавлоно Муҳмий ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, хамиша мажлис бунёд айлаб зодаи таъбларимиздин мушоира килур эрдик ва

⁴⁷ Худойкулов М. Кўрсатилган асар.-Б. 76-77.

бир ғазалда татаббұу күргузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди”⁴⁸. Фурқатнинг сўзларига қараганда бу мушоира давраси анча кенг бўлган: “Дигар шеър арбоблари бизлар шеър суҳбатларимизни орзу айлаб келур эрдилар”, деб ёзади шоир.

Собир Абдулланинг “Мавлоно Муқими” номли бадий асарида ҳам Муқими бошлиқ адабий даврада бўлиб ўтган мушоира келтирилади. Йўлдош Мавлавий Муқимиини мадраса ҳужрасига тўпланган унинг ихлосмандлари Нариддинхўжа Нусрат, Муҳаммадқул Муҳайири, Ёрмуҳаммад Ёрий ва Усмонхўжа Зорий кабилар билан таниширади. Шоирлар энди дастурхон ёзиб, меҳмонлар - Муқими ва Мавлавийлар билан суҳбатлаша бошлаганларида ҳужрага очкўз ва таъмагир қори кириб келади. Шу жойда “холвайтар” мавзусида мушоира бошланади. Ҳажвий характердаги бу мушоирада Зорий тилидан куйидаги байт келтирилади:

Кирди сўрмай ҳужрага, ўт роҳати жон деб
Сандалдаги ўт ўчди, унга муз аралашди⁴⁹.

Бу Зорийнинг ҳозиржавоблиги тан олингани, мавзу ўйналишида дарҳол байт бита олишини кўрсатади.

“Тазкираи Қаюмий” асарида ҳам муаллиф қўқонлик шоир Мирзо Хайруллохон ҳақидаги маълумотларда ушбу мушоира давраси тўғрисида қўйидагича ёзади: “Шоир Маҳмуд қорига шеъриятда шогирд мақомида алоқаси бўлса-да, мулла Солеҳжон маҳдум қози Найирий ва мулла Сулаймонкул Рожий ва Усмонхўжа эшон Зорийлар билан ва унинг сўнгра ҳозир ҳаёт шоирларидан мулла Асғарали Чархий или мушоира ва алоқа дўстлиги зиёда эрди”⁵⁰. Найирий ва Рожий ҳақидаги маълумотларда ҳам мавжуд ижодий дўстлик алоқалари таъкидланади. Бундай ижодий давраларда йигилиб турган шоирлар турли мавзуларда суҳбатлар қуриб, сиёсий-ижтимоий воқеаларга ҳам ўз муносабатларини билдирганлар. Ўз ижодларидан намуналар ўқиб, шеърхонлик қилганлар, бир мавзу доирасида назира-татаббұу, мухаммаслар битганлар. Бу даврада куй, мусиқа чалинган. Зорийнинг шарқ мусиқасидан яхшигина хабари бўлган. У мана шундай давраларда мақомларни маҳорат билан ижро этган.

Зорий таржимаи ҳолини ўрганишда унинг ҳасби ҳол шеърлари мухимdir. Бундай шеърларда шоир ўз ҳаётини тасвиirlаб, турфа қийинчиликлар, оғир машақатлар кўрганини куюнч билан баён этади. “Арз ҳасратномасидур” сарлавҳали мухаммасида “Анодин ёш қолдим, билмадим жоним қаён бўлдум”, деб ёзади.

Мазкур мухаммасида “Ёшим ўттизга етмай, дўстлар, бошимда минг савдо” мисраларидан унинг ёшлиқ йиллари қийинчиликда ўтганини аниқ айтиш мумкин.

Биз юқорида андижонлик шеърият мухлислари шоирнинг “Не балолар кўрмади ёшим менинг” каби мисраларини хотирлаш ларини келтирган эдик. Зорийнинг жумладан, ҳажман катта – ўн етти банддан иборат мураббасида унинг нихоятда қийинчиликда ўтган ҳаёти лавҳаларига ишора этувчи қайғу-ҳасрат мотивлари бўртиб юзага чиқкан. “Бу дунёнинг лаззатидин мосувоман” мисраси билан бошланувчи бу мураббаъда ҳаётда “сонсиз жафолар” тортиб, “бағри яро” бўлган, меҳрга мухтоҷ, ёлғизлик ҳиссидан ҳасрат айтиб нола қилаётган инсон қиёфаси жонли намоён бўлади. “Бечораман, масканим йўқ, беватан”, “Фурсат ўтмай, неча жоя кўчубман”, “Тушти жудолиғ дарди бошима” мисралари эса шоирнинг беҳаловат, қўнимсизликда кун кечирганидан далолат беради. Фарзанд доғида ўртанган, умуман ёлғиз қолган шахснинг қалб изтироби унинг бир неча шеърларида яққол намоён бўлади. Зорийнинг оиласидан ягона қизи бўлиб, у бевақт вафот этганини шоир мураббаъларининг мазмунидан сезиш мумкин.

Шоир фарзандим борлигига шоҳлар каби бой-бадавлат эдим, деб ёзади. Бунда албатта моддий бойликни эмас, балки маънавий тўкинлик, оилавий мамнунлик назарда тутилган. Фарзандининг бевақт вафот этишини шоир оғир кулфат деб тасвиirlайди:

⁴⁸ Фурқат. Танланган асарлар. 2 жилдлик. Ж.2.-Т., 1959.-Б.139-140.

⁴⁹ Абдулла С. Мавлоно Муқими.-Т., 1966.-Б.65.

⁵⁰ Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 3 жилдлик. Ж.2.-Т., 1998.-Б.376.

Нури дийдам бирла кетти ривожим,
Шоҳлар киби эрди божу хирожим.
Оллоҳ қилди, нетай йўқтур нажотим,
Ҳасратимни кимга айтиб йиглайнин. (43 а)

Сўз юритилган мураббаъда шоир ўзининг ҳаётий-маиший турмушидаги камчиликлардан ташқари маънавий-рухий изтироблар ни акс эттирган. Оиласиб баҳтдан маҳрум, кўпдан-кўп сарсонгарчиликларни бошдан кечирган Зорий “ўз юртимда мусофириман” дея надомат чекади. Даврнинг забардаст шоири Муқими:

Мулки Ҳиндуда Марвдин келсан топардим эътибор,
Шул эрур айбим Муқими мадуми Фарғонаман⁵¹.

дека ёзган бўлса, Зорий шундай нола қилади:

Бу ерда Зорийи аҳқарнинг элда эътибори йўқ,
Мусофиридек юрарман, мунда гарчи ўз диёримдур⁵².

Бу фикрлар заминида, албатта, ижтимоий сабаблар бор. Зорий рус чоризмининг талончилик, бузгунчилик, зўравонлик сиёсати, эксплуатациясига гувоҳ бўлди. Элда маънавий бузилишлар, инқирозлар, эътиқодсизлик, ахлоқсизлик, алдов, хиёнат авж олди. Бу ҳолатлар шоирни қаттиқ қайғуга солар эди. Рус чоризмининг хукмронлигини қаламга олган ғазалида шоир ҳалқка зулм қилинаётганини, шаҳар фисқ-фасоддан вайрон бўлаётганини тасвирлайди. Мухаммасларининг бирида битилган мана бу бандда ўша замона ҳолати, оддий ҳалқнинг начор ҳаёти, адолатсиз, золим кишиларнинг зулми реал ифодаланган:

/айри бидъатлар чиқиб ҳоло нечук бўлди замон
Беваю бечораларга тушти кўп бори гарон
Нотавонларга тавонгар сўзлари мисли синон,
Шукр айтинг, бу иш ўздиндур қиёматдин нишон,
Бўлса солди ҳақ ўзи сиздин ризо хижрат қилинг.

Зорий яшаб турган жамиятдаги иллатлар, залолат, куфр, адолатсизликларни кўриб, уларга салбий фикр билдириди. Буларнинг авж олишига сабаб эътиқоднинг сусайиши, одамларда диний иймонни йўқолганидан деб билди.

Шоир бир мухаммасида дин боби (эшиги) очилиб, имом маҳди авлоди келса, дин ривож топса диллар чароғон бўларди, дея истак билдиради. Одамларнинг диндан узоклашаётгани, диний ахлоққа амал қилинмаётгани шоирни қаттиқ қайғуга солган. Шу боисдан у бу сиёсий вазият – ўлкадаги чоризм хукмронлигидан қутулиб Маккаи Мадинада қарор топишни истаган. Зиёратга бориш истаги бир қанча асарларида қайта-қайта зикр этилади. Зорий ўзи гувоҳ бўлган ижтимоий воқеаларни, шунингдек, ўзи каби оғир ҳаёт кечираётганди кишиларнинг умумкайфиятини жонли тасвирлайди. Оддий ҳалқ билан доимо бирга бўлган шоир эзгуликни, солих амаллар бажаришни, ўзгалар дилига малҳам бўлишни тарғиб қилди.

Хулоса қилиб айтганда, нозик лирик ва ҳажвчи шоир Усмонхўжа Зорий Туркистонда ижтимоий қийин даврда, яъни чор Россияси хукмронлиги даврида яшаб ижод қилди. Адабиётшунослигимизда шу давргача унинг ҳаёти ва ижодига ўнлаб мутахассислар эътибор қаратганлар. Шоир Зорий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши адабиётимиз тарихидаги шоир сиймосини намоён қилса, иккинчи томондан, унинг асарлари жанрлари, ғояси, бадиияти орқали ўша давр адабиётини, ижтимоий жамиятнинг этик-эстетик меъёрларини, ижтимоий тафаккурини ўрганиш мумкин бўлади.

⁵¹ Муқими. Асарлар.-Б.143.

⁵² Кўён Адабиёт музейи.инв.№ 101-159. (Кейинги ўринларда ҚАМ қисқартмасидан фойдаланамиз.)

2-фасл. ШОИР АДАБИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ

Усмонўжа Зорий ижодий меросини ташкил қилувчи шеърий асарлар XIX аср ярми ва XX аср бошларида тузилган ўндан ортиқ баёзлар таркибида мавжудлиги аниқланди. Улар асосан Қўқонда тузилган. Лирик ҳамда ҳажвчи шоир ҳаётлик чоғларида девон тузган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, аммо у то ҳануз топилмаган. Кўпчилик баёзлар шоир дастхати билан битилган бўлиб, уларни “автограф баёзлар” деб аташ мумкин. Зорий баёзлари ҳам шоирнинг ўз асарларидан ташкил топган, демак уларни автограф баёзлар деб хисоблаш мумкин. “Бу типдаги баёзлар,- деб ёзади Ё.Исҳоқов,- у ёки бу шоир (баёз муаллифи, албатта) ижодининг эволюциясини ўрганиш, у ёки бу шеърнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ҳамда баёз муаллифи бўлмиш шоирнинг ўзига замондош бўлган ижодкорлар ва маданият арбоблари билан алоқасини изоҳлашда қимматли манба бўлади”⁵³. Яна таъкидлаш ўринлики, шоир ўзи тузган баёзга бошқа шоирларнинг асарларидан киритади. Бу эса шоирнинг шеър танлаш тамойилидан дарак беради. Масалан, Зорийнинг автограф баёзларида Мухий, Муқимий, Азим Хожа эшон кабиларнинг асарлари учрайди. Бу эса Зорийнинг мазкур шоирларга бўлган ижобий муносабати, маслақдошлигидан далолат беради.

Зорий асарлари мавжуд баёзларнинг бир қанчаси шоир дастхати билан битилган бўлса, бошқалари шоирнинг замондош дўйстлари томонидан ёзилган. Шоир асарларининг турли нусхаларида шеър матнларида ҳар хилликлар кўзга ташланадики, бу - шеърлар қайта-қайта кўчирилганидан ва ўз даврида кенг тарқалганидан далолат беради. Хусусан, бешта манбада Н.Остроумов “Худоёрхон ҳақида қўшиқ” деб номлаган мухаммаснинг турли вариантларига дуч келдик. Котиблар кўчирган манбалардан шу нарса маълум бўладики, улар “турли хил манбалардан ўзига ёқиб қолган ҳар хил жанрдаги шеърларни маҳсус дафтарга қайд этиб боради”⁵⁴.

Зорийнинг бизгача этиб келган асарлари мавжуд манбаларни қуйидагича белгиладик:

1. Зорийнинг ўзи тузган баёзлар.
2. Зорий замондошлари ва унинг бевосита иштирокида тузилган баёзлар.
3. Шоирнинг дўйстлари, замондош шоирлар ёзиб олган Зорий шеърлари (алоҳида вараклардан иборат).
4. Аср бошларидаги матбуот нашрлари.
5. Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асари.

Бундан ташқари ЎзРФА Шарқшунослик институти жамғармаси инв.№ 7392 рақами остида сақланадиган “Девони Муҳсиний”да шоир Муҳсинийнинг Зорий ғазалига боғлаган мухаммаси мавжуд. Зорийнинг Каъба тавофи орзуси битилган ғазалига шоир Муҳсиний унинг фикр, ғояларини тадрижий давом эттириб мухаммас боғлаган. Кўринадики, шоирга ҳамфикр, ҳаммаслак бўлган замондошларига у яратган асарлар манзур бўлган ва унга ҳамоҳанг мухаммаслар битган. Биз қўйида шу манбаларнинг ҳар бирига илмий тавсиф беришга ҳаракат қиласиз.

ҚЎЛЁЗМА БАЁЗ. Қўқон Адабиёт музейи. инв.№ Р 101-159. Баёзнинг тузилган йили ва жойи кўрсатилмаган. Котиби Зорийнинг ўзи. Шеърлар мазмунига қараб, баёзга шоир кексайган чоғларида тахминан 1900-1910 йиллар оралиғида тартиб берилган деган хulosага келиш мумкин. Матнлар оқ фабрика қоғозига настаълиқ хатида қора сиёҳ билан битилган. Шеърлар ҳар сахифага қиялатиб жойлаштирилган. Қўлёzmанинг вараклари ажралиб кетган. Қўлёзма ўлчови 10x16,5 см. Матн ўлчови: 6x13 см. Вараклар безаксиз, пойгир ва интерполяция мавжуд эмас. Муқовада баёзнинг ҳажми 56 варак деб белгиланган. Лекин сахифалар қайта рақамланиб 63 варак қайд этилган. Баъзи сахифаларнинг рақамланишида

⁵³ Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи // Ўзбек адабиёти тарихи масалалари.-Т., 1976.-Б.89.

⁵⁴ Исҳоқов Ё. Кўрсатилган мақола.-Б.87.

чалкашликлар мавжуд. Баёз қалинроқ муқовага олинган бўлиб, устида Кўқон адабий муҳитининг катта билимдони шоир Чархийнинг майда настаълиқ ёзувдаги шарикли ручкада ёзган қуидаги изоҳи мавжуд: “Ушбу қўлёзма шоир Усмонхўжа Зорийнинг ўз дастхати. Бунга шоҳид камина Чархий Хўқандий”. Изоҳдан сўнг сана қўйилган эмас.

Шоир Чархий ўша даврда тузилган баёзлар, қўлёзмалар билан жиддий қизиқкан ва шуғулланган. XIX аср Фарғона шоирларининг асарлари тўпланган баёзга ҳам Чархий, Пўлатжон Қаюмов, шунингдек, Муқимиининг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов томонидан кўл қўйилган ҳужжат илова қилинган. Чархий томонидан берилган изоҳ биз учун ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Юқорида келтирилган изоҳга кўра Зорий хатини аниқладик ва котиби кўрсатилмаган бошқа баёзлар хатининг Зорийга тегишли ёки тегишли эмаслигини қиёслаб текширидик.

Дастхат баёзнинг таркиби қуидагича: Зорий қаламига мансуб уч ғазал, бир мурабба, тўрт муҳаммас, икки мусаддас ва бир мусаддаснинг сўнгги банди – олти мисрадан иборат. Булардан: ғазал-58 мисра, мурабба-68 мисра, муҳаммас-150 мисра, мусаддас-112 мисра, жами 376 мисра. Чархий гувоҳлигига кўра мазкур асарлар Зорийнинг ўз қўли билан битилган.

Булардан ташқари баёз таркибига Муҳинининг бир муҳаммаси ва расуллуллоҳ алайхивасалламга наъти, Муқимиининг муҳаммаси, шунингдек, Яссавий ҳикматларидан баъзи намуналар, Машрабнинг форсча ғазали ва сўнгги саҳифада Махмурнинг “Дар сифати Ҳаким туроби халта будур” ҳажвидан уч байт киритилган. Улар қаторида яна баъзи машқий шеърлар, жумладан мазмуни танобчилар ҳақидаги ҳажвга ўхшаш шеър, “Эшаккинам” радифли ҳажвий ғазал ҳамда шу каби у қадар бадиий такомилига етмаган асар намуналари бор. Бу қайд этилган шеърларнинг барчаси бошқа шахс томонидан баёзга битилган ва Зорий хатидан тубдан фарқ қиласди.

Баёз Зорийнинг қуидаги байтлари билан бошланади:

Исёнда ўтти умрум, қилгон ишим хиёнат,
Ҳаргиз қилолмаганман дунёда зарра тоат.
Йўқтур танимда қувват, буқти қадимни меҳнат,
Шукри узримни айтай бул ҳам эрур ғанимат
Зорийдин аҳли улфат безор, йиғламайму?!
Матлаби мудом ҳақдин дийдор йиғламайму?!

А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги баёз билан танишганимизда бу банд “Дарду аламларимга мен зор йиғламайму” мисралари билан бошланувчи мусаддаснинг якунловчи банди эканлигини аниқладик. Мазкур иккинчи баёз аввал тўракўрғонлик шеърият муҳлисларидан Собитхон тўра кўлида сакланган.

ҚЎЛЁЗМА БАЁЗ. Адабиётшунос А.Мадаминов шахсий кутубхонаси. Баёз қора қалинроқ муқовага олинган. Ўлчови 12x19см. Матн ўлчови: 10,5x13см. Яхши сақланган. Матнлар қора сиёҳ билан бир устундан қиялатиб жойлаштирилган. Арабча шаклдаги саҳифа рақамлари 73 бетдан кейин чаплашиб кетиб аниқлаш қийинлашган. Кейинги даврда ҳозирги рақамлар билан қайта қўйиб чиқилган. Саҳифалар безаксиз, пойгир қўйилмаган. 4ба варакда муаллиф ислоҳи деган интерполяция бор. Араб рақамида белгиланган 22-23 саҳифалар тушиб қолган. Ҳозирги рақамдаги 74б, 89-90а, 101 вараклар бўш қолган. 75-90 варакқача араб рақамлари қўйилмаган. Бу матнлар дастхати ҳам аввалги вараклардан фарқ қиласди. 98 а варакдан 101 а варакқача ҳам дастхат ўзгарган. Баёзнинг 84 б варагида унинг соҳиби Собитхон тўранинг қуидаги дастхат изоҳи мавжуд.; “Ушбу ердаги абётларни ёздим тўракўрғонлик Собитхон 1333 йилинда 24 моҳ сафар ойида 1915 йилида 18 декабрида. ...аҳбоб зот, мақоми даражотларга маълум қилурманки, мазкур абётларга айб қилмағойлар. Қўлдин келгони бўлган. ...Аммо мазкур байтлар ўқуш керак бўлса, ўзим келиб ўқуб берурман, ўзга одам ўқуёлмайдур. Агар ўқутғучи зотлар билурман десалар, адресим: Тўракўрғонда Арғин маҳалладин 225-ховлида Собитхон десалар кифоя. Қишида Ҳўқанд. Мадрасаси Олийда”. Мазкур изоҳларга кўра Зорий асарлари хатидан тубдан фарқ қилувчи матнлар Собитхон

Тўракўргоний томонидан ёзилган. Бу матндан сўнг Умар Хайём, Амирий, шунингдек, Саййидо, Ҳайрат Тўракўргоний кабиларнинг рубоий ва ғазалларидан иборат баъзи намуналар бор. Қўлёzmанинг умумий ҳажми 101 вақағдан иборат бўлиб, унинг таркиби қуйидагича: Зорий ғазалига мансуб етти ғазал, бир рубоий, бир мураббаъ, ўн олти мухаммас, уч мусаддас, жами 28 шеърни ташкил қилади. Булардан ғазал-108 мисра, рубоий-4 мисра, мураббаъ-68 мисра, мухаммас-610 мисра, мусаддас- 132 мисра, жами 922 мисрадан иборат.

Мазкур баёз таркибида мухаммас салмоқли ўрин тутади. Шулардан ўн беш мухаммас Зорийнинг ўз қаламига мансуб - мустақил мухаммас бўлиб, 13 б-16 б сахифалардаги “Жаҳон оламни кездим...” деб бошланадиган мухаммас Зорийнинг Хилватий ғазалига боғланган тахмисидир.

Кўқон Адабиёт музейида сақланаётган ва биз шартли равища биринчи деб белгилаган баёз билан ўзаро солиштирганимизда Зорий шеърларининг хати иккисида ҳам айнан бир хил эканлиги, улар ҳам шоир томонидан битилгани маълум бўлди. Ушбу баёз Зорий ижодининг серқирра ва шеърий тур жиҳатидан ранг-баранг эканини кўрсатувчи манба сифатида ҳам аҳамиятли. У биринчи баёзни сон ва сифат жиҳатдан тўлдиради. Зорий адабий меросидаги шеърлар қаторига бу қўлёзма ўн тўрт шеър беради. Ҳар икки баёз таркибидаги шеър матнларини ўзаро қиёслаганимизда, уларнинг деярли ҳар бирида фарқ ва тафовутлар, таҳрирлар мавжудлигини кўрамиз. Биринчи дастхат баёзниг 2 а, 2 б сахифаларидағи ғазал 30-31 сахифаларда: “Итлар қаторида кечалар ястаниб ётиб Нафсим душманига дилим посон қиласай” байти қўшилган ҳолда учрайди. Ушбу ғазал иккинчи баёзниг 11 а, 11 б сахифаларида тўлиқ мавжуд. Лекин биз тилга олган байт сахифанинг четига ўзга ёзув билан битилган.

“Менинг бир лайливаш ақлимни олган гулузоримдур...” мисраси билан бошланадиган ғазал асли ўн икки байт бўлиб, иккинчи баёзда сахифалар тушиб қолгани учун ғазалниг 10-11-12 байтлари мавжуд эмас. /азалнинг илгари мутахассисларга маълум бўлмаган қуйидаги байтлари эса биринчи баёзда учрайди:

Келиб бу дунёга ҳаргиз кўрмадим ғамлик манга монанд,
Анинг чун чуғздек вайроналар дорулқароримдур. (4а)

Ўзум беор, гуноҳ бисёру мендек бўлмагай бадкор,

Кўзум нам, улфатим ғам, кулфатим хешу таборимдур.(4б)

Баёздаги “Қочар” радифли мухаммас эса Собир Абдулла ва А.Абдуғафуров томонидан қисқартирилган ҳолда - уч банди эълон қилинган эди⁵⁵. Мухаммас асли етти банддан иборат бўлиб, “Тазкира Қаюмий”даги матнда Зорий таҳаллуси қўлланган сўнгги банд ҳам мавжуд. Лекин унда мисралар ўрни ва баъзи сўзлар шакли ўзгарган ҳолда учрайди. Иккала баёздаги матнларда сўз ва ибораларнинг синоними сўз шакларининг турлича қўлланиши шоирнинг мухаммасни қайта ишлагани ва шоирнинг уни қайта ишлаганидан далолат беради. Мухаммаснинг 3,4,5,6,7 бандларида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Биринчи баёзда:

3-банд, 1-мисра: одам

тўғри

4-банд, 2-мисра тутмай худойим амрини

мардум

рост

5-банд 1-мисра: лодон

аблаҳ

5-банд, 5-мисра: келса

келган

6-банд, 2-мисра: ҳамиша

туну кун

6-банд, 3-мисра: ул куни

ҳашр куни

7-банд, 4-мисра: дилшикаста ҳазин

факир аламзадаи

Иккинчи баёзда:

мардум

рост

базиси тутмай амрини

аблаҳ

келган

туну кун

ҳашр куни

факир аламзадаи

“Қачонлардин бери, эй дўстлар...” деб бошланадиган мухаммаснинг 4-5-бандлари иккинчи баёзда 6-7-банд ўрнига тушиб қолган. Бунда ҳам баъзи сўзларнинг синонимлари

⁵⁵ Абдулла С. Кўрсатилган макола.-Б.101; Ўзбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.373-384.

қўлланганини кузатиш мумкин. Биринчи баёзда Худоёрхон номи зикр этилган мусаддас 4 банд бўлиб, иккинчи баёзда тўлиқ - 8 банддан иборат. Бу мусаддас Ҳазинийнинг “Тасаддуқ, ё расулуллоҳ” тўпламида шу шоир қаламига мансуб дея хато равища нисбат берилган. Китобни нашрга тайёрловчи А.Мадаминовнинг эътирофига кўра мусаддас ҳақиқатан Зорий қаламига мансуб. Шунинг учун Ҳазинийнинг 1999 йилда нашр этилган “Девон”ида бу хато тузатилган - мусаддас киритилмаган.

Биринчи баёзда тўлиқ мавжуд бўлган ҳажман йирик ўн олти банддан иборат мураббаъ иккинчи баёзда тарқоқ ҳолда учрайди, яъни мураббаънинг 1,2,3,4-бандлари 61-62-варакларда, қолган қисми 40-43-варакларда келади. Иккинчи баёзда “Нури дийдам бирла кетти ривожим” мисраси билан бошланувчи янги банд ҳам берилган.

Кўринадики, иккинчи манба биринчи баёзга нисбатан мукаммал бўлиб, баёздаги таҳрир ва тўлдиришлар асосида шеърларнинг ишончли матнини тиклаш имконини беради. Биринчи баёз хотимаси “ғаридек” сўзи иккинчи баёзда “Зорийдек” тарзида шоир тахаллуси билан ўзгартирилган.

Зорийнинг “Найлайн” радифли мусаддаси ҳар икки баёз таркибида мавжуд. Аммо иккала матн ўзаро қиёслангандан бир мунча тафовутлар кўзга ташланади. Биринчи баёздаги иккинчи ва учинчи бандлар ўрни иккинчи баёзда алмашиб қолган.

Мусаддаснинг “Шарқ юлдизи” журнали ва кўп жилдли “Ўзбек адабиёти”да эълон этилган матни иккинчи баёздаги матнга билан мувофиқ келади. Лекин уларда қуидаги банд берилмаган:

Мубталоман, эй пари, товусдек рафтордингга,

Жоннисор этсам бўлурму зулфи анбар борингга,

Орзиликдур жаҳон аҳли сенинг дийдорингга,

Марҳамат айлаб карам қил эмди дилафгорингга,

Ёр сенсиз найлайн, дилдор сенсиз найлайн,

Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайнин. (51a)

“Найлайн” мусаддасидан кейинги матнлар Зорий қаламига мансуб эмаслиги сабабли биринчи баёз мундарижаси асосидаги тавсифни якунлаб, иккинчи баёз таркибидаги матнларга эътибор қаратамиз. Иккинчи баёздаги 23-24-варакларнинг мавжуд эмас. Шу сабабли “Менинг бир лайливаш ақлимни олган гулузоримдур” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг сўнгги уч байти, шунингдек, Зорийнинг Хилватий ғазалига боғлаган мухаммасининг биринчи банди мавжуд эмас. “Тазкираи Қаюмий”даги ушбу мухаммас матнидан унинг асли 8 банд эканлиги маълум бўлади. Лекин унда Хилватий тахаллуси келган сўнгги банд йўқ. Баёз ва тазкирадаги матнлар ҳам ўзаро фарқланади. Хилватий ғазалининг якунловчи байти қуидагича:

Сани деб Хилватий гаҳи ўлди қиморбоз, гаҳи расво,

Гаҳи банги, гаҳи гулханишин, гаҳи чафандандур⁵⁶.

Зорийнинг “Фалак даврида жонон...” деб бошланадиган лирик мухаммасининг сўнгги банди Қаюмий тазкирасида келтирилади: “Бу ҳол Зорийдантур:

Рақиби рўсияҳларни сўзига кирма эй барно,

Вале ҳар кимсаларни дўст деб сир айлама ифшо,

Алар фосидхаёлу баъзиларни турмуши бежо,

Билурсан Зорий янглиғ даҳраро беор йўқ асло,

Ўзунг доно эрурсан бофаросат нуктадонимсан.”⁵⁷

Иккинчи баёзда:

Рақиби рўсияҳларни сўзига кирма эй барно,

Ҳама фосидхаёлу бу замон аҳлидурур бежо,

⁵⁶ ҚАМ. инв. №19. Муқимий замондошлари қўлёзмалари. Алоҳида варак.

⁵⁷ Қаюмий П. Кўрсатилган асар. Ж.2. –Б.318.

Вале ҳар кимсаларни дўст деб сир айлама ифшо,
Билурсан Зорий янглиғ даҳраро беор йўқ асло,
Ўзунг хўброк билурсан бофаросат нуктадонимсан.”(50а)

Тазкирада Зорий тахаллуси қўлланган етти байтли “Бўл” радифли ғазал иккинчи баёзнинг 50 б, 51 б сахифаларида тўлик мавжуд бўлиб, бошқа манбаларда учрамайди. Шунингдек, “Қил”, “Қийнаманг” радифли, “Маккан Мукаррамада тургучи ҳожимиизга” сарлавҳали ғазаллари, “Арзимни йиғлаб айтай зоти улуғ худога” ва “Сабру ҳушум ҳам кетибдур, телбаман, девонаман” мисралари билан бошланадиган мухаммаслари ҳамда форс тилидаги рубоийси факат шу баёз таркибида учрайди.

Баёзнинг 59 б, 61 а сахифаларидан ўрин олган “Очиб ибрат кўзини...” деб бошланадиган мухаммас 4 банд бўлиб, унинг биринчи банди йўклиги, аслида эса бўлганлиги сезилади. 74 а сахифада “Арз ҳасратномасидур” сарлавҳаси остида берилган:

Келиб бу даҳраро, эй дўстлар, адам нишон бўлдум,
Анодин ёш қолдим, билмадим жоним қаён бўлдум,
Неча муддат ўтуб
Ано дийдорини ул дамда кўрмай бадгумон бўлдум,

Ани излаб аламдин ғунчадек бағримда қон бўлдум. (74а)

Ушбу бешликни биринчи банд деб ҳисобласак, кейинги бандларга шаклан ва мазмунан боғланишини кўрамиз:

Очиб ибрат кўзини айладим оламга наззора,
Ҳама пиру жувон ҳар қайси ўз ҳолига оввора,
Жаҳон нашу намосига истай ҳеч топмадим чора,
Фалак давринда бекаслик қилиб қўксумни садпора,

Ривож олмай ишим ҳар ерда еттики, сарсон бўлдум. (59б)

Демак, ушбу мисраларни бирлаштиrsак, беш банддан иборат мухаммас ҳосил бўлади. Ушбу шеърнинг сўнгги бандида Зорий тахаллуси қўлланмаган.

Зорий ижодида мухаммас шаклидаги шеърлар салмоқли ўрин тутади. Уларнинг ҳажми катта бўлиб, олти банддан ўн олти бандгача бор. “Фужуру фисқ гардига ёр қилма мани...” мисраси билан бошланувчи мухаммасгина беш банддан иборат ва сўнгги мисраларда Зорий тахаллуси қўлланган. Тахмин қилиш мумкинки, биз юқорида келтирган мухаммаснинг биринчи банди давр ўтиши билан бошқа саҳифага алмасиб қолган. Унинг сўнгги банди ҳам асли мавжуд бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Зорий дастхатида битилган тахаллусиз мухаммас шоир қаламига мансубдир. Унинг “Лахтун ҳажви” мухаммаси аввал адабиётшунослар томонидан мажмууда ва матбуотда эълон этилган эди. Баёз таркибидаги мазкур мухаммас тўққиз банд бўлиб қўллэзма матни ва эълон этилган матн ўртасида баъзи ўзгаришлар кўринади. Шу жумладан, мухаммаснинг биринчи банди мажмууга кирмай қолган.

Зорий ҳажвий мухаммасларидан яна бири “Махзум мусича иродати” сарлавҳаси билан баёздан ўрин олган. Журнал ва мажмууда мусича шилқим борасида” номи билан берилган мазкур мухаммаснинг қўйидаги банди баёзда учрамайди:

Тарикча юқмаган чанг ул киши озода беозор,
Калонлар сұхбатини топган кишидур хўб неку кирдор,
Авалдин тарки дунё айлаганлар ақчадин безор,
Алардек мутаққийга салла, тўн қозикда тайёр,
Не ерда дуд чиқса анга меҳмон баччағар маҳсум. (Б.378.)

Баёзнинг 75 а сахифасидан то 87 б сахифасигача мавжуд матнлар ҳар хил ёзувда битилган. 87 б сахифада Зорийнинг бир рубоийси учрайди. С.Абдулланинг мақоласида бу рубоий матни баъзи ўзгаришлар билан келтирилган эди.

* Мисрани ўқиши имкони бўлмади.

Баёзда Амирий ғазали, Хайём, Саъдий, Ҳайрат Тўракўрғонийнинг ғазали ва ғазалмушашаҳи учрайди. Булар кейинги даврда ёзилган ва баёз таркибига киритиб юборилган. Чунки 88 а саҳифадан 97 б саҳифагача Зорийнинг бир ғазал ва икки мухаммаси давом этган.

БАЁЗ. ҚАМ. инв.№ Р 610. Қўллўзма ўлчови 12x20,5 см. 150 варақ. Таъмирланмаган, сақланиши яхши эмас, котиби номаълум. Матнлар оддий Қўқон қофозига настаълиқ хатида қора сиёҳда битилган. Баёзниңг биринчи бетида Зорийнинг етти байтли “Йўқ” радифли ғазали мавжуд. 2 б варақда ҳақ таоллонинг бир неча сифатлари ёзилган. Саҳифанинг ярмида 16 катак чизилган бўлиб, унда 1291 рақами бор. Агар уни ҳижрий йил ифодаси деб санасак, мазкур баёз шу даврда милодий 1875 йилда тузилган деган хulosага келиш мумкин. Кейинги саҳифаларда “Дуруди Кабира” рисоласи, турли дуолар, ривоятлар, мухри нубувват ҳақида қисса”, форс тилидаги турли қиссалар жойлашган. 150 а, б варақларда Амирий, Шайдо, Машраб ғазалларидан намуналар бор.

БАЁЗ. ҚАМ. инв. №Р 674. Қўллўзма тўплам. Баёз 83 варақ, 3235 сатрдан иборат. Муқоваси бир табақа, қизил қаттиқ картондан ишланган, уч унвонли. Қўллўзма ўлчови: 13x21 см. Матн ўлчови: 8,5x16,5-8x13 см. Матн пушти, малла, оч яшил рангли чизиқсли ва чизиқсиз рус фабрика қофозига сафсар, қора, қизил сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Баёзниңг титулида 1325 ҳижрий йил (мил.1907 й.) санаси бор. Котиби қайд этилмаган, лекин шоир Чархий бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Баёзда Амир, Муқимий, Ҳазиний, Қорий, Фақирий, Фироқи, Журмий, Машраб, Сайидо, Қул Сулаймон, Махмурый, Фидоий, Пиримкори, Зорий, Камий каби 19 нафар ўзбек шоирларининг ўзбек тилидаги ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас жанрларидаги шеърлари мавжуд. Зорийнинг ўн банддан иборат мухаммаси мазкур баёзниңг 66 а, б варақларида жойлашган. “Айлайнин бир қисса...” деб бошланадиган мухаммаси Худоёрхоннинг Фарғонадан кетиши муносабати билан ёзилган.

БАЁЗ. ҚАМ.инв.№ 27. 144 варақ. 4824 сатрдан иборат, қора қизғиши, қаттиқ картондан муқоваланган, унвонсиз. Қўллўзма ўлчови: 12,5x20 см. Матн ўлчови: 11x17 см ва 7x13 см. Матн новвотранг шилдироқ Қўқон қофози ва оқ чизиқли яшил, сафсар, кўқ, сарик рангли рус фабрика қофозларига қора ҳамда қизил сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида кўчирилиб, саҳифаларга икки устун ҳолда жойлаштирилган. Котиби номаълум. Қўқонда ҳижрий 1328 (мил.1910) йилда кўчирилган. Мазкур қўллўзма баёздан Зорий, Ҳазиний, Туфайлий, Васлий, Жўший, Хислат, Ҳавоий, Шавқий, Маъдан, Писандий, Завқий, Фурқат, Оразий, Асирий, Машраб, Муқимий, Камий, Котиб каби 55 нафар шоирнинг ўзбек ва форс-тоҷик тилларидаги ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, фард, муаммо, қасида, маснавий жанрларидаги шеърлари ўрин олган. Бу мухаммас нусхаси аввалгилардан фарқ қиласди. А.Мадаминов шахсий кутубхонасидаги вариантда мавжуд бўлмаган бир банд қолган икки баёз ва Н.Остроумов нашр этган мухаммасда бор. Мазкур баёзда: “Ҳалойиқлар ичра ҳеч ким менингдек боши қотмайдур” мисраси билан бошланувчи олтинчи банддир. Демак, бу банднинг мухаммас таркибида аслида бўлганлиги шубҳасиз. Зикр этилаётган баёздаги мухаммас матнида “Ариғ нахрим чиқардим...” деб бошланадиган банд мавжуд эмас. Зорий тахаллуси қўлланган сўнгти банд ҳам бу вариантда йўқ. Бу мухаммас вариантларининг турли шаклидаги нусхаларини таққослаб, унинг асли ўн банддан иборат эканлигини аниқлаб, илмий танқидий вариантини иловада келтирдик.

МИРЗО ҲЎҚАНДИЙ архиви. ҚАМ. инв.№469. Алоҳида варақ. Мирзо Ҳўқандий дастхати билан битилган Зорийнинг “Қилурсан” радифли лирик ғазали настаълиқ хатида ёзилган. /азал беш байтдан иборат бўлиб, ундан қуйироқда Мирзо Ҳўқандийнинг изоҳи ва йил санаси бор. “Афкор мундаги Зорий Ҳўқандийму ё бошқаму менга маълум бўлмади. Мирзо Ҳўқандий. 20 июль, 1935 йил. Қўқон жомеси, шанба куни”. Фикримизча, Зорий вафотидан кейин шоир Мирзо унинг мазкур ғазалини оғзаки эшитган ва уни ёзиб олган. /азалнинг услуби, руҳи, мавзуси жиҳатидан ва мақтада Зорий тахаллуси қўлланишига кўра биз уни Зорийга тегишлилиги шубҳасиз деб ўйлаймиз.

БАЁЗ. Аҳмаджон Мадаминов шахсий кутубхонаси. Баёз таркибида Зорийнинг иккى ғазали мавжудлигини аниқладик. Баёз унча сифатли бўлмаган қофозга майда настаълиқ хатида ёзилган. Номланмаган, давр ўтиши билан ёмғир, қорларда қолиб уринган. Қўллэзма 60 варакдан иборат, унга кулранг қаттиқроқ картондан муқова қилинган. 56 б саҳифада “/азали мулло Зорий эшон” сарлавҳали етти байтдан иборат диний-тасаввуфий мавзудаги ғазал ўрин олган. Бошланиши:

Азал ваҳдоният дарёсидин қайнаб тошиб келдим...

Охири:

На ким асрори сирримни деб айтиб сўзлашиб келдим.

Саҳифаларга пойгир қўйилган. 57 варакда “Дейдурман” радифли ғазали ҳам диний-тасаввуфий бўлиб, етти байтни ташкил қиласди.

БАЁЗ. ҚАМ. инв.№Р 398. Қўллэзма муқоваси сариқ рангда, нақшли. Ўлчови: 15x20 см. Умумий ҳажми 67 варак бўлиб, 1085 мисрани ташкил қиласди. Оддий Қўқон қофозига майда настаълиқ ёзувида, қора сиёҳ билан ёзилган. Унда Машраб, Камолий, Умурий, Сайқалий, Сайидо каби шоирларнинг турли жанрдаги асарлари мавжуд. Баёзниг 14 а, б варакларида Зорийнинг “Этти ёр” радифли лирик ғазали учрайди. 15 а, б вараклардаги ғазал саккиз байтдан иборат бўлиб, шоирнинг ўз отасига мурожаати тарзида битилган. Ҳар икки шеърда “Ҳикмати Зорий” сарлавҳаси бор.

БАЁЗ. ҚАМ. инв.№19. Муқими замондошлари қўллэзмалари. Турли қофозлар. Мухий, Найирий, Зорий каби шоирларнинг шеърлари. Матнлар қора сиёҳда ёзилган. Алоҳида қофозда Зорийнинг саккиз бандли Хилватий ғазалига боғлаган тахмиси мавжуд. “Мухаммаси Зорий бар ғазали Хилватий” сарлавҳали тахмис матни бошқа манбалардаги нусхалардан фарқланади.

БАЁЗ. ЎзРФАШИ. инв.№5666. Шоирлардан Жомий, Бедил, Навоий, Фузулий, Хожа Ҳофиз, Фузулий, Машраб, Амирий, Фурқат, Беҳжат, Зорий ва бошқаларнинг турли жанрлардаги шеърий асрлари настаълиқ ёзувида битилган. Матнлар асосан ўзбек ҳамда форс-тожик тилидадир. Ҳажми 285 варак. Қўллэзма ўлчови: 13x21 см.

Қўллэзма баёз қаттиқ, қизил нақшли муқовага олинган. Сақланиши яхши. Матнлар Қўқоннинг шалдироқ қофози ҳамда дафтар варакларига қизил, қора сиёҳларда кўчирилган. Баёзниг котиби, санаси қайд этилмаган. Лекин 263-варакда 1313 ҳ.й. саналари мавжуд. Мелодий ҳисоб бўйича 1895-1896 йилларга тўғри келади. Баёзниг 239-241-саҳифаларида Зорийнинг Лахтин ҳажви мухаммаси берилган. Мазқур мухаммас ўн уч банд (65 мисра)дан иборат бўлиб, бошқа манбалардаги нусхалардан кўра нисбатан тўлиқ бўлгани учун аҳамиятлидир. Бу мухаммас матнида бошқа манбаларда учрамайдиган еттига янги банд мавжуд бўлиб, улар шеър мазмунини янада чуқурлаштиради, мухаммасда воқеалар сюжети кенгроқ, воқеалар изчил, деталлар аниқ баён этилади.

БАЁЗ. ЎзРФАШИ. инв.№ 9971. Бедил, Абдулла Ансорий, Сайидо, Нодим, Ҳижлат, Зорий ва бошқаларнинг турли шеърий жанрлардаги асарлари жамланган. Матнлар асосан ўзбек ва форс-тожик тилида битилган. Тузилиш санаси ва котиби қайд этилмаган. Тахминан XX аср охирлари. Қўллэзма ўлчови: 12,5x20,5 см. Ҳажми 431 варак. Баёзниг 383-387 варакларида Зорийнинг Хилватий ғазалига боғланган мухаммаси мавжуд. 383 варакда “Лахтин ҳажви” мухаммасидан икки банд келтирилган. Ушбу матнлар қаламда ёзилган. 385 варакда саҳифанинг чап бурчагида “Ҳўқандлик Маҳмудхўжа Аҳмаджон қаламидур” деган ёзув бор. Зорий тахмиси билан “Тазкираи Қаюмий”даги матнни солиштирганимизда уларнинг орасида катта тафовутлар йўқлигини аниқладик. Фақатгина мухаммас сўнгги бандининг иккинчи мисрасида “мисоли чуғз” сўзлари тазкирада “ки чун бир” тарзда қўлланган. “Лахтин ҳажви” мухаммасидан келтирилган икки банд парча матни ҳам ЎзРФАШИ инв.№5666. баёзидаги матни билан деярли бир хил.

БАЁЗ. ЎзРФАШИ. инв.№ 11831 //II. Мажмуа икки қисмдан иборат. сариқ картондан муқова қилинган. Қўллэзма ўлчови: 17x26 см. Матнлар ўзбек тилида, настаълиқ ёзувида

битилган. Котиби ва санаси қайд этилмаган. Биринчи қисм Алишер Навоий ғазалларидан иборат. Иккинчи қисмдаги саҳифалар рақамланмаган. Ҳажми олти варақ бўлиб, унда Зорийнинг мураббаъси берилган. Мураббаъ “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” деб бошланади. Матнларда баъзи камчиликлар мавжуд. Хусусан, 3-4-бандлар уч мисрали, ўн биринчи банд икки мисрадан иборат. “Айтай санони қодир худоға” деб бошланадиган мазкур мураббаънинг ўн иккинчи банди қуидагича:

Васлингни куйлаб, ҳажрингда ўлдум,
Мен хаста Зорий ишқингда куйдум.
Бу Карбалода вобаста бўлдим,
Тушти жудолик дарди бошимға.(1а)

Ушбу банддан кейин яна шу тарздаги шеър давом эттирилган. Ҳар банди тўртинчи мисраси “Тушти жудолик дарди бошимға” деб тақрорланувчи қолган матнларнинг ҳажми 20 банд (80 мисра)дан иборат.

БАЁЗ. Аҳмаджон Мадаминов шахсий кутубхонаси. Шоир Чархий дастхати билан битилган. “Қул бўлсун!” радифли лирик ғазал тўқиз байтдан иборат. Дафтар варағига настаълиқ ёзувда Чархий томонидан битилган лирик мухаммас беш банддан иборат бўлиб, сўнгги банднинг учинчи мисрасини ўқиш қийин бўлгани учун А.Мадаминов тузатиш киритган: “Ул тағофулпешалар хайлигадур (Зорий ғулом)”. Яна шундай вараклардан навбатдагисида “Тушубдур бошима ул ошиқе Мажнунни савдоси” мисраси билан бошланадиган лирик ғазал (7 байт) ва “Бўлди-ку!” радифли ижтимоий-сиёсий мавзудаги (10 байт) ғазаллар мавжуд.

Келтирилган манбалардаги шоир асарлари ҳажмидан кўринадики, Зорий ижодий меросини изчил илмий тизимга солиш, тўплаш ҳамда ўрганишни давом эттириш керак.

Мазкур бобдаги таҳлил ва далиллардан қуидаги хуносаларга келиш мумкин:

Шоир ҳаётiga оид маълумотлар ва қўлёзма манбалар шундан далолат берадики, Усмонхўжа Зорий ўз даврида қўзга кўринган ижодкорлардан бири бўлган ҳамда асарлари кенг тарқалиб, турли баёзлардан ўрин олган. У лирик шеърлар яратиш билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол муносабат билдириб, ўз замонасидаги муҳим масалаларни ҳам қаламга олган. Асарлари шоирнинг ҳаётлик чоғларидаёқ матбуотда нашр қилинган, кўшиқ қилиб ижро этилган.

Зорийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда П.Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асари Зорий ҳақида қимматли маълумотларни берувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. С.Абдулланинг “Шоир Зорий” мақоласида ҳам Зорий ҳаётининг муҳим нуқталари қайд этилгани аҳамиятлидир. А.Мадаминовнинг Зорий ҳақидаги мақолаларида шоир ижодининг ўрганилишига илк уринишлар кўринади. Зорий ижодига доир муносабатлар яна Ш.Юсупов, Р.Тожибоев, М.Худойқулов асарларида билдирилган.

Шоир Зорий ҳаёти, таржимаи ҳолини ўрганишда ҳасби ҳол шеърлари қўшимча манбадир. Ўз ҳаётiga доир чизгилар кўпчилик шоирлар ижодида бўлганидек, Зорий асарларида ҳам шундай лавҳалар анчагина учрайди. Ҳасби ҳол шеърларида муаллиф нафа қат ўз шахсий ҳаётини, шу билан бирга давр ижтимоий муҳитини ҳам поэтик акс эттиради. Тавсиф этилган манбалардаги шоир асарлари унинг ижодий мероси кўлами кенглигидан дарак беради. Қўқон Адабиёт музейи ва ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма баёзлар Зорий асарлари жанрларининг ранг-баранглигини кўрсатади.

Зорий асарларининг бир қанча баёзларга киритилиши, бир асарининг турли вариантлари мавжудлиги ва котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиши, матбуотда намуналар эълон қилиниши ҳамда шеърларининг халқ томониданг куйланиши шоирнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганини, унинг асарлари халқка манзур бўлганлигини асослайди. Бу эса шоир Зорийнинг давр адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутганидан далолатдир.

II БОБ. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИ

1-фасл. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ /ОЯВИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Лирик шеър ижодкорнинг оний туйгул ари ифодаси экан, демак, ҳар бир лирик асар ўзига хос бетакрордир. Ташки оламдан олган таъсири асосида ижодкорнинг бадий нияти, ғояси, кайфияти ва ҳолати у ёки бу шаклда юзага чиқади. Шундай экан, шеъриятда мазмуннинг етакчи бўлиши шарт ҳисобланади. Адабиётшунос А.Ҳайитметов тўғри таъкидлаганидек: “Ҳар қандай адабий жанр ўзида илгариги қаламкашларни адабий тажрибасини тўплаган бўлиб, жанр соҳасидаги бу тажрибадан ҳар қандай ижодкор ўз қобилияти ва мақсадидан келиб чиқиб ўзича фойдалана олади”⁵⁸. “Суврати ҳар қандай” бўлса-да, “назмда маъно”нинг етакчи бўлишига буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида алоҳида эътибор қаратган эди.

XIX аср II ярмидаги адабий ҳаётда бадий шакл ва мазмун тараққиёт йўлидан борди, ўтмиш адабиёт анъаналари ўзига хос давом эттирилди. Адабий турлардан лириканинг ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий, мураббаъ жанрлари етакчилик қилди. Мумтоз шеъриятимиз шаклларидан фойдаланган шоирлар бу жанрлар мазмунни, характеристири вазифасини ўзгартириб бордилар.

Шоир Усмонхўжа Зорий ҳам ўз ижоди билан ўзбек адабиёти ривожига салмоқли улуш кўшди. Зорий шеъриятининг Лутфий, Саккокий, Атойи, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо каби адабиётимиз намоёндаларининг ижодий мактабидан озиқлангани сезилиб турди. Шоир Зорий асарлари ўз даврининг бадий маҳсули бўлиб, унинг ижодидаги оригинал ташбех, ёрқин тасвир ва ўзига хос бадий кайфият ва лавҳалар анчагина учрайди.

Шарқ шоирларида бўлгани каби ишқ-муҳаббат мавзусининг ғазалда акс этиши Зорий шеърияти учун ҳам характерлидир. Шоир Усмонхўжа Зорий ҳам қайси жанрда ижод қиласин, бадий нияти ва ғоясини ўзига қулай шаклда юзага чиқаради. Зорий мумтоз адабиётнинг қуидаги жанрларида асарлар яратди:

- 1. /азал. 2. Мураббаъ. 3. Мухаммас. 4. Рубоий. 5. Мусаддас.

Маълумки, ғазал Шарқ адабиётида етакчи жанрлардан бўлиб, унинг асосий мавзуи ишқ-муҳаббатдир. XУ асрда ғазал жанри Алишер Навоий ижоди орқали юксак чўққига кўтарилиган бўлса, XIX аср иккинчи ярмида ҳам ривожланиб янги мазмун билан бойиди. /азалда анъанавий ишқий мавзу билан ёнма-ён ижтимоий-сиёсий мавзу ҳам кенг ишланди. Ҳажвий ғазалларнинг кўплаб ёзилишини Муқимий, Муҳий, Завкий, Писандий, /арибий, Аваз Ўтар, Нодим каби шоирлар ижодидан мисол келтириш мумкин. Зорий ижодида лирик шеърлар билан бир қаторда тасаввуфий мазмунга эга мисралар ҳам учраб турди. Тасаввуф ғояларининг ифодасида Яссавий, Боқирғоний, Ҳувайдо, Машраб кабиларнинг таъсирини кузатиш мумкин.

Шарқшунос Е.Э.Бертельс, тасаввуф адабиётини ўрганмай туриб мусулмон Шарқи маданий ҳаётини идрок қилиш мушкул эканини ёзган эди⁵⁹. XI-XУ асрларда яратилган

⁵⁸ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Т.: Фан, 1961.-Б.34.

⁵⁹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965. –С.54.

тасаввуфий асарларидагидек сўфиёна ғоялар кенг акс этмаса-да, Зорийнинг тасаввуфий дунёқарашини шу оҳангдаги асарлари орқали белгилаш мумкин.

Шоир ижодининг характерли хусусиятларидан бири шеърларининг марказида доимо етук, маънавий бой инсон қалби туради. Хоҳ ишқий, хоҳ ижтимоий, хоҳ диний мавзуда бўлсин, барча асарларида шоирнинг орзуси, истаги, умиди баркамол инсон қиёфасини кўрмоқдир. Унинг фалсафий дунёқараши бўйича қалби муҳаббатга ошно бўлган, ишқдан боҳабар инсон ўзини англайди, ўзлигини топади. Инсоний ишқ кечинмалари, ошиқ маъшуқлик муносабатлари шоирнинг мажозий ишқ ҳақидаги ўйлари ва туйғуларини ифодаласа, “худога муҳаббат”, “Мансур ишқи”, “нафсадан кечиш” кабилар зикр этилган ўринларда ҳақиқий ишқ талқин этилади.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий, мажозий ишқ қуёшнинг тонгги нурлари бўлса, ҳақиқий ишқ қуёшнинг шу қуёшнинг ўзи, деб фикр билдиради Инсоннинг инсонга ишқи ҳақиқий ишқнинг бир жузвидир. Ёхуд мажозий ишқ инсон ишқининг ибтидоси бўлса, ҳақиқий ишқ интиходир. Адабиётшунос Ё.Исхоков Алишер Навоий асарларида ишқ масаласини таҳлил килар экан, мажозий ишқ ҳақиқий ишқка қарама-қарши қўйилмаслигини таъкидлаб, шундай ёзади: “...мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир қўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатдир”⁶⁰. Зорий шеърларида ҳар икки ишқ талқин қилиниб, шоир ишқнинг хосияти, ошиқнинг руҳий ҳолати, ишқ сабабли қалб ва руҳнинг камолга эришуви хусусида кўп тўхталаҳи. Бундай асарлар марказида инсонга эҳтиром, уни улуғлаш ғояси туради. Шоирнинг муҳаббат лирикасидаги етакчи тимсоллар ҳам ишқ, ошиқ, маъшуқа, рақибдир. Бу тимсоллар орқали шоир инсоний ишқ кечинмаларини образли тасвирлайди.

“Деб айтинг” радифли ғазалида у сабога мурожаат қилиб, ёрга ўз изҳорларини етказишни сўрайди:

Сабо, мундин бориб маҳбубима, эй ёр, деб айтинг,

Йўлингда мубталою сенга арзи бор, деб айтинг. (25б.)⁶¹

Сабога, тонг насимига мурожаат қилиш мумтоз адабиётимизда анъана бўлиб, Хоразмий, Навоий, Бобур каби шоирлар ижодида учрайди. Уларда тонг насими гўё ошиқ ва ёрнинг бир-бирига хабар келтирувчи восита сифатида намоён бўлади. Навоий:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви гуландомимга айт,

Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Зорий ғазалида “сабо” образи хабар элтувчи воситагина эмас, балки лирик қаҳрамоннинг яқин ҳамроzi сифатида намоён бўлади.

Ҳар қайси ижодкорнинг зикр этилган асарида ошиқ ҳолати ва маъшуқа гўзаллиги тавсиф қилинади. Зорийнинг таҳлилга тортилган мазкур ғазали ўзига хос воқеабанд сюжетга эга. Лирик қаҳрамон ошиқ ғам ютавериб, бағри пора-пора, афгор ҳолда тасвирланади. У тонг саҳарда сабо орқали ёрга ўз ҳолидан хабар етказмоқчи. Ёрдан лутфу марҳамат кутган ошиқ мабодо раҳм ўрнига жабру жафо кўрса, бу дунёда юра олиши қийинлигини таъкидлайди.

Шоир ташбеҳдан фойдаланиб, халқнинг жонли сўзлашув тилидаги “бошига осмон қулади” иборасини маҳорат билан қўллайди:

Жафою жавр ила ошиқ иши мунда ўтар бўлса,

Тушар бошига гўё гунбади даввор деб айтинг. (26б.)

Айланиб турувчи фалакнинг доимиий иши лирик қаҳрамонга жабр кўрсатишдир. Ёрга ушбу ҳолатларни баён қилар экан, лирик қаҳрамон ёрнинг келишини илтимос қилади, унинг висолидан беҳад шод бўлишини айтади. Бу изҳор, баёнларни ошиқ “муҳаббатнома” деб атайди. /азал сюжетидан ошиқ ўз ҳолатини мактубга битгани ва уни сабо орқали юбораётгани маълум бўлади. “Иқрор хати”ни ошиқ ёрдан тумордек асранини сўраб мурожаат қиласи.

⁶⁰ Исҳоков Ё. Навоий поэтикаси. - Т.: Фан, 1983. –Б.25.

⁶¹ Баёз. А.Мадаминов шахсий кутубхонаси. (Кейинги ўринларда А.М. ш.к. қисқартмасидан фойдаланамиз.)

Халқимизда тумор муқаддас бир буюм ҳисобланади. Шу маңнода ошиқнинг хати маҳбубага муқаддас бўлмоғи кераклиги қуйидагича тасвирланади:

Мұхаббатнома ёзди айлаюб Зорий таваллолар,

Иложи бўлса қылғил бўйнунгга туммор деб айтинг. (27б.)

Шоир яна бошқа бир ғазалида ёр тасвири ва ошиқ ҳолатини образли тасвирлар экан, ёрни “лайливаш”, “гулузор” деб атайди. Унингча, дашту далалардаги сувлар сув эмас, ошиқнинг қонли ашқидир. Бунда шоир муболага орқали тасвир кучини яна ҳам оширади. Ушбу ғазал тадрижида қизил ранг билан боғлик ўринларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

Кизорган гул эмас ҳар боғ аро бир гулситон ичра,

Туну кун ёрни ҳажрида чашми хуннисоримдур.(3 а в.)⁶²

Кўрунса шуълаеким барқ деб они хаёл этманг

Ўт эмас яшнаган жисмимда, мавж урган шароримдур.(4а)

“Қизарган гул”, “чашми хуннисор”, “кўкси доғдор”, “ўт”, “шарор” каби сифатлашлар ранг жиҳатидан мос бўлиб таносуб санъатини ҳосил қиляпти. /азалда мазкур бадиий санъат шоирнинг ғоявий-бадиий ниятини образли юзага чиқаришда асосий усул лардан бири ҳисобланади. Ишқ алансасида ўртанган ошиқнинг доимий насибаси ғам, макони вайроналар, улфати ғам, ҳатто хешу табори – авлод-аждодлари ҳам кулфатдир. Шоир шундай ташбех орқали ошиқнинг руҳий аҳволи ҳақида сўз юритади.

Халқимизда бирор муҳим гап, насиҳат, ўйтитни “кулоғингга сирғадек тақиб ол” деган ибора бор. У шоир қаламида қуйидагича шаклланган:

Насиҳат берган эрди чикма раҳдин неча хўблар,

Алар сўзи ҳамиша менга олтун гушворимдур. (4б.)

Халқ мақоллари ва иборалар муаллифнинг фикрини ўхшатиш, қиёслаш, хулоса қилиш ҳамда образли ифода асосида акс эттириш учун муҳимдир.

Ёру диёrsиз қолган ошиқ образи Бобур ва Фурқат ижодлари учун хос бўлса, Зорийнинг мазкур ғазали мақтасида лирик қаҳрамоннинг ўз юртида ҳақирлиги, мусофирилиги таъкидланади. Бу ҳол, айни замонда, шоирнинг лирик шеърларида ҳам ижтимоий мотивларнинг сезиларли ўрнидан дарак беради:

Бу ерда Зорийи аҳқарнинг элга эътибори йўқ,

Мусофиридек юрарман мунда, гарчи ўз диёrimдур. (4б)

/азал яратилган даврда Туркистон ўлкаси чоризм истибоди остида эдики, шоир ихтиёри ўзида бўлмаган халқнинг фожеасини ўзига хос акс эттиргандек туюлади бу мисраларда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, шоир лирикасида маҳбуба доимо идеал ёр сифатида тасвирланади. А.Ҳайитметов “Навоий лирикаси” асарида: “Шоир (Алишер Навоий-Д.А.) ёр образининг ғоявий моҳиятини унинг ташқи гўзаллиги орқали очишга интилиши”ни таъкидлаб, “ёр образининг биринчи специфик хусусияти ва энг муҳим томони унинг гўзаллигидир”, деб ёзади⁶³. Чиндан ҳам бу таъриф кўпчилик шоирлар ижодига мувоғиқ келади.

Зорий тасвиридаги маъшука ҳам зоҳирان, ҳам ботинан гўзал. Унинг бениҳоя камолоти, тенгсиз жамоли сўз орқали маҳорат билан тасвирланади. Ёрнинг сиймоси ўкувчи қўз ўнгидаги аниқ гавдаланади. Шоир ёрнинг нафақат зоҳиран гўзал бўлишини, лутфи, сухбати дилбар бўлиши кераклигини таъкидлайди. “Қийнаманг” радифли ғазалида ҳам ана шу масалалар кўтарилади:

Қийналиб жоним тоза раҳм айлангки, жоно, қийнаманг,

Авлиёларни ҳақи, эй мажлисоро қийнаманг. (62 б.)

⁶² Баёз. ҚАМ. инв.№Р 101-159.

⁶³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Т.: Фан, 1961.-Б. 175.

матлаи билан бошланадиган ушбу ғазал ўзининг равонлиги, ўйноқилиги ҳамда охори тўкилмаган радифи билан ажралиб туради. Кейинги байтларга эса ижтимоий мазмундор фикрлар сингдириб юборилган:

Бу замон мардумлари бир-бирга найрангу фириб,

Пеша солмай зулмни, айланг мувосо қийнаманг. (63 а.)

Шоир лирикасида анъанавий ошиқ, маъшуқа тимсоллари билан бирга рақиб тимсоли ҳам ўзига хос сюжет манзараси яратишда муҳим роль ўйнайди. Найрангбоз, фирибгар шахслар ошиқнинг албатта зидди, рақиби. Рақиб маҳбубанинг йўлини пойлайди, ўз фириб тузоги билан уни йўлдан урмоқчи бўлади. Ошиққа элтар йўлнинг устига мудом тузоқ қўйиб кутади:

Йўл узра қурмиш давомат шум рақиблар домни,

Донасига қилмайин бир зарра парво, қийнаманг. (63 а.)

Маҳбуба ҳамиша мағрур, виқорли. Унинг юзи қанча ошиқлар хайлини хароб қилган. Шоир уни Чин шохининг қизига ўхшатади:

Гул юзингиз ёдида бир нечалар бўлди хароб,

Чин шохининг қизидек сарвосо, қийнаманг.(63 а.)

Зорийнинг ғазал ва мухаммаслари, мураббаъ ва мусаддасларининг вазни, оҳанги, радифи, услуби жиҳатидан ҳам ранг-баранг. “Қилурсан” радифли ғазал ўзининг мусиқийлиги, ўйноқи оҳанги билан енгил ўқиласи. Тасвиirlарнинг ёрқин, услубнинг соддалиги жиҳатидан халқ қўшиқлари руҳига яқин бу ғазалнинг матлаи қуидагича:

Бир ғамза била сен мени девона қилурсан,

Раҳм айласанг, эй дўстки, ҳамхона қилурсан⁶⁴.

Кейинги байтда маъшуқанинг сунбул сочи тасвиirlанади:

Рашким келадур сен тарасанг сунбул сочинг,

Сочингни тараб, маҳрамингни шона қилурсан.

Мумтоз адабиётда ёр сочининг сунбулга ўхшатилиши анъана. Лекин ошиқнинг маъшуқани тароқ (шона)дан рашк қилиши камдан-кам шоирларда учрайдиган лавҳадир. Шоир Хилватий ғазалига боғлаган мухаммасида ёрнинг сочини ёзиб боғда сайр қилишигача бўлган тасвиirlни янги лавҳалар билан кенгайтиради, ривожлантиради:

Ниқобин очди-ю айлаб, нигоҳ таъбимни чоғ этди,

Гоҳи ҳижрони бирла қонлу ашқин чун булоғ этди,

Қаро зулфини фигори лоладек сийнамда доғ этди,

Тун ул гулрӯҳ ёзиб сунбул сочини сайрибоғ этди,

Тамоми рангбў андин, на боғу чамандандур⁶⁵.

Юқорида келтирилган байтдан ошиқ табиатининг бир қирраси очиладики, у рашкчи. У ҳатто маъшуқага тааллуқли жонсиз буюмлардан ҳам рашк қиласи. Шундай бўлгач, агар маъшуқа инсонларга кўриниш бергудай бўлса, нима ҳолат юз беради? Душманга юз кўрсатсанчи? Бу ҳол ошиқ дилини тамоман вайрон қиласи. У ёрни “шоҳи азизим” деб атаб унга қуидагича мурожаат этади:

Раҳм айлагил ҳолима, эй шоҳи азизим,

Фарёду фифон айласам, афона қилурсан⁶⁶.

Ёрнинг жафожўлиги, ошиққа бемехрлиги ғазал сўнггида таъкидланади. Маъшуқа рақибларни ўзига суҳбатдош қиласи-ю, ошиқни эса бегона ҳисоблаши айтилади.

⁶⁴ ҚАМ. инв.№469. Мирзо Хўқандий архиви. Алоҳида варак.

⁶⁵ ҚАМ. инв.№19. Алоҳида варак.

² ҚАМ. инв.№469. Мирзо Хўқандий архиви. Алоҳида варак.

“Йўқ” радифли ғазалини ҳам Зорийнинг шаклий, бадиий изланишларининг самараси сифатида кўрсатиш мумкин. /азал қўйидаги матлаъ билан бошланади:

Изунгни кўрмасам, эй ёр, мени бир дам қарорим йўқ,

Бўлуб рози ўлумга, бу жаҳон ичра турорим йўқ⁶⁷.

Ошик ҳолати тасвирланган ушбу ғазалда зулқофиятайн, тазод санъатлари орқали шоирнинг ғоявий нияти поэтик акс эттирилган:

Ки хоҳ лутфу вафо қилғилки, хоҳ жавру жафо қилғил,

Бошим тандин жудо қилғилки, сендин ўзга ёрим йўқ. (2а.)

Вафо, жафо сўзлари зид маъноли бўлиб, тазод санъатини юзага чиқаромоқда, айни вақтда, бу сўз жудо сўзи билан бирга мисралараро келиб, ички қофияни юзага келтирган. “Қилғил” эса байт мисраларида ички радифдир. Кейинги байт мисралари ички қофияланган:

Менки қулингдур ўлгунча, ўлуб тупроққа ботқунча,

Қиёмат тонги отқунча бу қулликдин тононим йўқ. (2а)

Зорий ғазалда шаклий изланишлар билан ҳам ўз маҳоратини синааб кўрди. Унинг ижодида ҳам бошқа шоирларда бўлгани каби ғазал-мувашшаҳ намунаси мавжуд. “Нормухаммаджон” деган шахс номи яширилган ғазалнинг 5,6,7-байтлари мавжуд эмас. Буни исм ҳосил қилишда баъзи ҳарфларнинг етишмаслигига кўра аниқлаш мумкин.

Маълумки, мувашшаҳда инсон ёки предмет номи яширилган бўлади. Лекин мувашшаҳ номи яширилган шахсга бағишлиланган ёки унга алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўзбек адабиётida мувашшаҳ шаклида ёзилган ғазал, рубойй, мухаммас, тўртлик намуналари учрайди. Байтлардаги биринчи мисраларнинг, баъзан жуфт мисраларнинг бош ҳарфлари ажратилиб ўқилса, киши ёки нарса номи ҳосил бўлади. Одатда шеърда яширилган исмни топишга ишоралар берилади, баъзан ишоралар берилмаслиги мумкин. Адабиётшунос олимлар М.Шайхзода ва А.Қаюмовлар Фурқат мувашшаҳлари ҳақида фикр юритиб, Фурқатнинг кўнглига яқин кишиларига атаб мувашшаҳ ёзганлиги ва уларга инъом этганлиги, баъзи мувашшаҳлар ўшаларнинг илтимослари билан ёзилган бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар. А.Қаюмовнинг мана бу фикрлари ҳам характерлидир: “Мувашшаҳ- ғазалда келтирилган сифатлашлар, шоирона тасвирлар кўпроқ шарқ адабиётига хос анъанавий характерга эга. Мувашшаҳ шоир маҳоратининг бир намойиши”⁶⁸.

Зорийнинг мувашшаҳи лирик ғазал бўлиб, матласи қўйидагicha:

Наво қилгучилар жоно, гулистонингга қул бўлсун!

Ҳама рангин сақолар лаъли хандонингга қул бўлсун!⁶⁹

Ёрнинг қошу киприклари жаллод мисол ошиқни қатл этса ҳам ошиқнинг бу тақдирга ризолиги қўйидагicha бадиий акс эттирилади:

Мижанг жаллодини қошинг нусрат этса қатлима,

Ризо майдонида руҳум бу фармонингга қул бўлсун!

Зорийнинг ғазал-мувашшаҳи номи яширилган шахсга бағишлиланган эмас. Мувашшаҳ сўнггида исм яширилганига ишора берилган:

Нафосат нурини дарж этти Зорий, гарчи номингга,

Кавокиб шуъласи хуршиди раҳмонингга қул бўлсун!

Лирик асарларида шоирнинг “мен”и ошиқ сифатида намоён бўлар экан, бу образда инсон қалбининг ишқ йўлида чеккан мاشаққатлари, руҳий аҳволи, ёрга интизорлиги, илтижоси ва муножоти бадиий тажассумини топган.

⁶⁷ Баёз. ҚАМ. №610. 2 а в.

⁶⁸ Қаюмов А. Шеърият жилолари. -Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б.45.

⁶⁹ Алоҳида варақ. А.М. ш.к.

Зорий лирикасининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий етук бўлишида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ва халқ оғзаки ижодининг роли муҳим бўлган. Ўтмиш салафлар бадииятига хос ифода усуслари, услугуб ҳамоҳанглиги, бадиий ғоя ва фикр йўсунига хослик қузатилади.

Лирик мухаммасларда шоирнинг маъшуқа тимсолини акс эттиришида, унинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирилашда бу шакл Зорий учун анча қулай имконни беради. Шоир “Фалак давринда, жоно...” деб бошланадиган мухаммасида ёрни лаби лаъл, юзи қизил гул, қошлари хурларнидек, қадди суман, тани кумушдек, гўё гулдан кийим кийган, бели нозик, кўзи ошиқни ўлдирадиган жаллод, киприклари ўқ каби тавсиф қиласди:

Фалак давринда, жоно, эй пари, жисм ичра жонимсан,
Лаби лаълу, юзи гул, хурваш абрукамонимсан,
Суманбар, сиймтан, гулпираҳан, нозумиёнимсан,
Кўзи жаллоди ошиқкуш, ажаб мужгонсинонимсан,
Қаю гулшан гулисан, ё ҳурони жаҳонимсан⁷⁰

Ушбу мухаммас ёр тавсифи билан бошланиб, биринчи ва иккинчи мисралардаги сифатларнинг уюшиши тансик ус-сифатни ҳосил қилган. “Тансик ус-сифат улдурким, бир нимани изма-из келган бир неча сифат била таъбир қилурлар”⁷¹.

Бешинчи мисрада шоир тажоҳул-ул ориф санъатини қўллаб, гўзал бадиий ифодага эришган. Тажоҳул-ул ориф шундай санъатки, “сўзлагувчи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур”⁷². Бу ўринда шоирнинг ёрдан ким эканлигини сўраши тажоҳулул-орифдир.

Шоир ёрни тавсиф қиласди, тажоҳулул-ориф санъатидан фойдаланиб, бу тавсифларни таъкидлайди, ёрнинг гўзллигига кучлироқ урғу беради. Унинг фикрича, маъшуқа қанчалик гўзал бўлмасин, ошиқ унинг йўлида жон фидо этмасин, у бепарво, берган ваъдасининг устидан чиқиши даргумон. Маъшуқа гоҳ ситам қиласди, гоҳ меҳрибонлик қиласди. Зорий ишқий шеърлари учун аввал ёрни тавсифлаб, сўнг унга мурожаат этиш характерлидир.

Маъшуқа тимсоли тавсифи, ошиқ ҳолати баёни ва ишқнинг қудратини тавсифлаш шоирнинг кўпчилик лирик мухаммас ва ғазаллари учун хос. “Бўлмаса” радифли лирик мухаммасида шоир ушбу баёнларни кенгайтириб, санобар қадли гўзал маъшуқани боғда учратиб қолиш орзузи ҳақида боғбонга қаратса мурожаат қиласди. Ҳазажи мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ушбу мухаммасда ошиқ кўриниши муболағали тасвиранган:

Мавж урап хуноба ашким кўзларим дарёсидин,
Жон қуши парвоз этарга қасд этар маъвосидин,
Оҳқим, ўлдум гўзаллар нозу истиғносидин,
Инқилоб ўлди кўнгуллар қошининг иғвосидин,
Тинчимас жону кўнгул бир сулҳарвар бўлмаса(15а.)

Жоннинг қушга ўхшатилиши ва унинг парвозга тайёр тургани ўзига хос ташбех бўлиб, ошиқнинг жонфидолилиги, безовта руҳий ҳолати тасвиранади.

Лирик шеърлар ичida Зорийнинг Муқимий асарлари руҳида ва услубида ёзилган, қофия ва радифи ҳам айнан бўлган мухаммас учрайди. Айтиш керакки, давр адабиётида назира, татаббубъ битиш анъана эди. Муқимиининг “Ақлу ҳуш учди...” бошланмали ғазали мувашшах бўлиб, у Адолхон исмли аёлга бағишлиланган. Бу мувашшах мухаммас шаклида ҳам ёзилган.

Муқимий мухаммаси қуйидаги банд билан бошланган:

То асир ўлдим ўшал кун сен каби жонона ман,
Заръи хуснинг хирманидин бир теролмай дона ман
Тобакай мундоғ куярман оташи ҳижронга ман,

⁷⁰ Баёз. А.М. ш.к. 47 а.

⁷¹ Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –Б.239.

⁷² Ўша асар.-Б.132.

Ақлу қүш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин жононаман⁷³.

Зорий шу услубни сақлаган ҳолда, “Ақлу ҳүш учти бошимдин, эй пари, девонаман” мисраси мазмунини биринчи мисрага чиқариб, ундаги мазмунни кучайтиради ва янги тафсилотлар билан бойитади:

Сабру ҳүшум ҳам кетибдур, телбаман, девонаман,
Пурзиёлиғ бобида сен шамъу мен парвонаман,
Булмасал машҳури ҳалойик, чуғздек вайронаман,
/урбат аҳлидин бўлай десанг яна бегонаман,
Бу жамоли наргисингдин ўт била ҳамхонаман⁷⁴.

Муқимий мухаммасида ошиқ ҳолати “шомдин то субҳидам” ёр ҳажрида ёнаётган шамга қиёсланса, Зорийнинг лирик қаҳрамони ўтда ёниб ҳалок бўлувчи, “ўтга ҳасрат қилаётган” самандарқушга ўхшатилади.

Зорий тасвиридаги маъшуқанинг кўзлари жаллод, у ошиқнинг бор жаҳонини барбод қиласди. Унинг киприклари кескир шамширга ўхшатилмоқда. Шоир тимсоллар яратиш ва ифода усулларини қўллашда ўзига хос йўлдан боради. Муқимий газалида ошиқ ёридан айрилиқда тасвириланади. Зорийнинг мазкур ғазалида эса лирик қаҳрамоннинг ёр сўзларидан кўнгли қувнаши, демакки, у билан кўриша олгани тасвириланади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Зорий асарларида аввалги даврларда ўтган сўфий шоирлар ижодидаги тасаввуф ғояларининг ифодаси каби сўфиёна қарашлар аниқ акс этмасада, у ўзининг замонаси кишиси сифатида бу йўналишда маълум фикрларни баён қилган. Баъзи мисралардаги тасаввуф талқинлари анчагина жўн. Шуниси эътиборлики, Зорийнинг тасаввуфий шеърларида Инсон ва Ҳақ, олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлар намоён бўлади. Хусусан, қуйидаги матла билан бошланадиган ғазалида ваҳдати вужуд ғоялари сезилади:

Азал ваҳдоният дарёсидин қайнаб-тошиб келдим,
Неча парда ҳижоб уқбалардинким ошиб келдим⁷⁵.

Шоир қаламга олган ваҳдоният тўғрисида манбаларда тасаввуфий истилоҳ сифатида, ваҳдат - бирлик, яккалик, ёлғизлик деб изоҳланади. “Ҳақиқий маънода бир воҳид Ҳақдир.”⁷⁶ Ваҳдати вужуд тасаввуфдаги назария бўлиб, унга кўра Аллоҳдан ташқари бирор борлик мавжуд эмас⁷⁷. Ҳақ таоло инсонни ўз нафасидан яратган. Инсон руҳи асосида Ҳақнинг нафаси бор. Шу руҳ моддий оламда яшаб такомил босқичларини босиб ўтгандагина “руҳ илк яратилган вақтдаги аслий соғлигига қайтади”⁷⁸. Қуръони Каримда инсоннинг яратилиши ҳақида шундай оят бор: “У инсонни (яъни одамни) даставал лойдан яратди. Сўнgra уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига ўз (даргоҳидаги) жондан киритди”. (Сажда.32:7-9.)⁷⁹

Зорий қаламга олган “ваҳдоният дарёси” луғатларда қуйидагича таърифланади: “Дарёи ваҳдат: Бирлик денгизи. Зоти кибриёнинг тажалли этиши”⁸⁰. Ҳақ таоло Одамни яратиб, барча мавжудотлардан шарифи мукаррам қилди. Шоир Зорий инсоннинг жаннатда яшагани ва ерга туширилгани ҳақида сўз юритиб, “неча парда ҳижоб уқболардин” - неча минг олам ичидан

⁷³ Муқимий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.307.

⁷⁴ Баёз. А.М. ш.к. 2 а в.

⁷⁵ Баёз. А.М. ш.к. 56 б.

⁷⁶ Uludag S. Terimleri sozlugu.-Istanbul, 1991.-s. 552.

⁷⁷ Бу ҳақда қаранг: Турап У. Тасаввуф тарихи.-Т.: Истиклол, 1999.-Б.545; Ҳаккулов И. Тасаввуф ва шеърият. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.-Б.175-178; Кароматов X. Куръон ва ўзбек адабиёти.-Т., 1993.-Б.50.

⁷⁸ Турап У. Ўша асар.-Б.89.

⁷⁹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Атоуллоҳ Мансур таржимаси. - Т.: Чўлпон, 1992.- Б.377.

⁸⁰ Uludag S. Ўша асар.-S.143.

келганини айтади. Манбаларда келтирилишича: “Ваҳдати вужуд: ирода ва мушоҳадада бўлганидек, борлик жихатидан ҳам бирлик қабул қилинган бу босқичда Аллоҳдан ташқари бирон борлиқнинг ҳақиқатда мавжуд эмаслиги тан олинган”⁸¹.

Инсон икки асосдан - тан ва руҳдан ташкил топган. Унинг руҳи юксалишга, тани тубанлашишга мойил. Инсонга ҳақнинг нури, нафаси кирган вақтда унинг мартабаси улуғлашди, оддий тупроқдан азиз хилқатга айланди. Шоир фикрларини давом эттириб, инсоннинг ерда яшаши буюрилганини айтиб ўтади:

Тамоми мартабам аълодин аъло эрди андоқким,

Аносиру арбаа аднога мундоқ эргашиб келдим (57 а).

Аносиру арбаа - тўрт унсур: сув, тупроқ, ҳаво, олов. Адно- энг арзимас, тубан. Ушбу жисмлардан яралган одам Ҳақнинг құдрати билан аъло мартабага эга бўлди. Ҳақ таоло барча фаришталарни одамга мусаллам бўлишга буюрди. Унга фақат шайтон бўйсунмади. Кейинги байтга эътибор берайлик:

/азоли ишратим бирла тараб-айшим лиқо эрди,

Бўлиб қисмат чунин андоғ манозилдан тушиб келдим (57а)⁸².

Тараб-айш - шодлик, хуррамлик, лиқо - кўриниш, манозил - бу ерда Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдаги осуда ҳаётлари назарда тутилмоқда. Ҳақ таоло Одам Ато ва Момо Ҳавони шайтон ўз йўлига оғдирганидан сўнг жаннатдан ерга тушишни буюрган эди. Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида қўйидаги оят бор: “Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб масканларидан чиқарди ва айтдик: “Тушингиз (жаннатдан ерга)! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (амалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсиз”(Бақара.2:36)⁸³.

Кўринадики, Зорий ғазалида инсоннинг қандай яралгани, инсонийлик моҳияти ва ҳақиқати тўғрисидаги масалаларни қўйган.

“Дейдурман” радифли ғазал ҳам шоирнинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларининг давомидир. Лирик “мен” ҳар қандай овоз ва ҳар бир хуснда Ҳақнинг жамолини кўради:

На ун келса қулоғима, садойи ёр дейдурман,

На тарзи хусн кўрсам, ул руҳи дилдор дейдурман⁸⁴.

Оlamдаги барча ашёларда Ҳақ жамоли зоҳир бўлади. Ҳар бир инсонда Ҳақнинг зарраси бор. Инсон ўзини бошқа оламлар орқали билади. Ҳадисда ҳам шундай келтирилади: “Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидур. У биродарида бир айбни кўрса ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак”⁸⁵.

Ўзгаларнинг савоб-гуноҳига, маънавиятига, ички оламига масъулият ҳис қилиш тафаккур одамларига хосдир. Шоир наздига ҳам бундай хислат ғофил эмас, ҳушёр бедор кишиларда бўлади. Ўзини ва ўзгаларни айбу нуқсонлардан поклашга интилиш ишқ туфайлидир. Кимки муҳаббат йўлида жонини тиккан бўлса, у ошиклар сафидадир:

Муҳаббат кўйида ҳар ким дилу жонини фидо қилса,

Чу ошиклар сафифа Мансури бар дор дейдурман (58 а).

Шоир бу ўринда Ҳаллож номини ишқда событик тимсолида келтиримоқда. Манбалардан маълум бўлишича, Мансур Ҳаллож қатлидан сўнг ердаги дарахтлару ўсимликлар, мавжудотлар “Аналҳақ” деб унинг сўзини такрорлаганлар⁸⁶. Шоир ҳам гўё жаҳондаги эшитилаёттан ҳар овозда Ҳақнинг садосини эшитади. Қуйидаги байтда эса шоир

⁸¹ Турар У. Ўша асар.-Б.145.

⁸² Кўлёзмада қоғия шундай: “тушиб” тарзида келган.

⁸³ Қуръони Карим.-Б.10.

⁸⁴ Баёз. А.М. ш.к. 57 б.в.

⁸⁵ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад.-Т.:Ўзбекистон,1990.-Б.81.

⁸⁶ Рушдий М.С. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар.-Т., 1995.-Б.104.

гүзәл ташбәх билан агар овоз бўлмаса, най қуруқ чўпдир, деган ифодани келтиради:

Кўрунг овозни қайдин келур ҳаргиз бир чўби хушкдур,

Ки, ҳар тан ичра жондур ул, билинг саттор дейдурман.,(58 б)

Жоннинг вужуд ичидағи ҳолати, яъни баданнинг рухни ёпиб туриши (саттор - ёпиб турувчи) қуруқ чўпдан овоз чиқаётган - найга қиёсланмоқда. Н.Комиловнинг изоҳлашича: “Най - Аслидан ажралган рух тимсоли, ошиқ қалб рамзи. У аслига қараб тинимсиз равища интилади, нола-изтироблар билан ўзлигини ва ўз Роббини англаб боради”⁸⁷. Инсоннинг яшашдан муроди Комиллик экан, бу даражага у аввало покиза ахлоқ орқали эришади. Ҳақ йўлига кирган инсон эса, юқорида таъкидлаганимиздек, бедору хушёр - кўнгил кўзи очик, ғафлатдан йироқ бўлади. Зорий қатор асарларида одамларни ғофил бўлмай, атрофидаги воеалардан огоҳ бўлишга чақиради. /азалларда ахлоқий мавзунинг акс этиши ҳам Зорий ижоди учун характерли. Инсон ўз-ўзини англаши кераклигини қуидаги байтда тарғиб қиласди:

Дило, огоҳ бўлгил, чашми тарларни тамошо қил,

Ҳама сармаст ўздин - бехабарларни тамошо қил(55а)⁸⁸.

Одамларнинг кўзлари ёш, баъзилари дунёвий лаззатлардан сармаст, не ҳолда эканликларини англамайдилар. Уларнинг кўзлари кўр, қулоқлари кар. Бундай маънавий инқирозлар ҳалокатга олиб боради. Шоир мол дунёга меҳр қўйган “дил ҳажар” - бағритош, “шери нарлар”ни танқид қиласди. Унинг фикрича, ақл-идрокли кишилар яхшилар билан сұхбатда бўлади, вақтини ғанимат билади, ўтқинчи нарсалар кетидан қувмайди:

Ўзин билган кишига соати сұхбат ғаниматдир,

Агар идрокинг ўлса раҳгузарларни тамошо қил (55 б).

Хувайдо ғазаларида бирида ҳам Зорий илгари сурган масалалар маълум даражада ўз ифодасини топган. “Андиша қил” радифли ғазалида Ҳувайдо ғам одамларни бедорлик, яъни қалбан ва ақлан уйғоқ, хушёр бўлишга чақиради. Хусусан, одамларнинг ўз сирри асрорини сақлаши зарурлигини, ҳар кимни маҳрам деб билиш хатолигини айтиб ўтади:

Рози дилни айтмагил, ҳар кимни сен маҳрам билиб,

Оқил эрсанг, маҳрами асрордин андиша қил.

Хувайдо ва Зорий шеъриятининг муштарак жиҳатлари шундаки, ҳар икки шоир ижодида ҳам инсоннинг ички маънавий олами камолоти асосий ўринда туради. Инсон камолотида камтарлик, камсуқумлик, фақирлик мухимдир. Бу фазилатлар кўпчилик сўфий шоирлар қаламида тавсиф ва тарғиб этилган. Яссавий ҳикматларида, Ҳувайдо ва Ҳазиний ғазаларида бу мавзу анча кенг ўрин олган. Зорийнинг “Бўл” радифли ғазалида шу сингари комил ахлоқ масалалари кўтарилган:

Қачон дунёга келдинг, ҳалқ аро расвои олам бўл,

/ариблар остоница итидин доимо кам бўл (50 б).

Шарқ шеъриятида ит хоксорлик, садоқат тимсолидир. Шоир ғазал матласида ғарив, бечоралар остонасида ҳатто итидан ҳам кам бўлишни, такаббур бўлмаслики образли ифодалайди. Яссавий эса “Уммат бўлсанг ғариларга тобе бўлғил”, - деб ғарифликнинг инсонлар учун бир нажот йўли эканини баён этади. “/арив инсон” яссавийлиқда комил инсонга муқобил келади”⁸⁹.

Хокисорлик, ўзини тупроқ сифат билиш, факирлик инсон қалбидаги ўзгаларга шафқат, меҳр-муруватни тарбиялайди. Ўзини Ҳақ олдида ожиз, нотавон ҳис этиш, худога бўлган мусалламлик Зорий диний мавзудаги шеъриятининг мағзини ташкил қиласди.

⁸⁷ Комилов Н. Тасаввуф. К.2. Тавҳид асрори.-Т., 1999.-Б.30.

⁸⁸ Баёз. А.М. ш.к. 55 а в.

⁸⁹ Яссавий Ҳожа Аҳмад: ҳаёти, ижоди ва анъаналари.-Т.,2001.-Б.68.

¹ Ҳаққулов И. Шеърият - руҳий муносабат. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б.92.

Инсон яшар экан, ҳаётини ибратли ва мазмунли ўтказиши керак, нафсу ҳавога берилмай яшамоги лозим, деган хулоса илгари сурлади. Нафспарварлик, бузук майшат одамни ғофил қиласи. Шу боис шоир огохликка чақиради:

Ўтарлар барқдек билсанг агар ҳою ҳавасларким,

Егил уқбо ғаминким ўлгунингча дийдаси нам бўл(51 а).

/азалнинг сўнгги байтида шоир ҳаста, бечораларга ёрдам беришга, “ҳастаю бечораю афтодаларни” кўрган заҳот дардига дармон бўлишга чақиради.

Зорийнинг бу тур шеърлари ахлоқий-дидактик мазмунга эга. Нафсни енгиш, салбий қусур ва феълларни ташлаб, маънан покланиш, ўзгалар дардини ўзиники деб билиш Ҳақ йўлида самимий тоат-ибодат қилиш, Ҳақ ишқи билан яшаш каби масалалар Зорий шеърларида кўзга ташланиб туради.

Охиратни унутмаслик, сўнгги кунини ўйлаш, ғариб, бечораларга меҳр-шафқат қўрсатиш кўнгил кўзи очиқ кишиларга хос. Чиндан ҳам, “Юзаки хушбахтлик, илдизсиз қувонч, сохта интилишларга кўникиши, буларга бефарқ қараш ижтимоий ҳаёт, одамлар ахлоқи учунгинамас, шеъриятга ҳам кони зиёндир”⁹⁰. Зорий эътирофича, қанчадан-қанча шоҳлар давру даврон сурини ўтган бўлсалар-да, жаҳон лаззатлари уларга доимий қолгани йўқ. Охиратни ёдда тутиш инсонни тақаббурлиқдан, манманлиқдан қайтаради, мол-дунёга ортиқча хирс қўйиши, дунёпарастлик бефойда, аксинча, зиён эканини эслатади. Шоир таъкидлайдики, агар энг юқори мартабаларга эга бўлсанг-да, “ҳафт осмонга етса бошинг” барибир Ҳақ олдида бандасан. Шунинг учун Иброҳим Адҳам сингари “ўздин кечиш” зарур. Иброҳим Адҳам тожу таҳт, молу мулқдан кечиб Ҳақ йўлини тутган сўфий. Унинг тимсоли адабиётда фақирлик, фоний нарсалардан дилни хориж қилиш - мосуволикнинг рамзи бўлиб келади. Қуйидаги байтнинг мазмун ва ғояси жиҳатидан Яссавий ҳикматларига ҳамоҳанг, ўхшаш жиҳатлари кўп. Эътибор қилайлик:

Аё Зорий, қаридинг яхшилар доманин ушлаб,

Тур эмди, қочмагил бошингни юз минг тепса ҳам дам бўл (31 б).

Юкоридаги мисраларда яхшилар орқасидан эргашиб, уларнинг қошидан кетмаслик, уларнинг назаридан қолмаслик тарғиб қилинади.

Таъкидлаш ўринлики, мухаммас жанрида диний-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мавзунинг ишланиши яққол кўзга ташланади. Бу шеърий шакл ижодкорга танқидий, ҳажвий йўналишдаги фикрларни баён этишида ҳам кенг имкон беради. Зорийнинг биз қўлга киритган асарларининг кўпчилиги мухаммас шаклидаги шеърлардир. Айтиш мумкинки, Зорий ижодида мухаммас салмоқли ўринни эгаллайди.

Алишер Навоий маснавийни “васе майдон”, яъни кенг майдон деган бўлса, XIX аср II ярмидаги адабиёт учун мухаммас шундай имконни берган.

Шоир ижодида айниқса, мусулмонликнинг фарзи бўлган ҳаж зиёрати ҳақидаги бирмунча асарлар учрайди. Ўз ватанида ўзини мусофиридек хис қилган шоир муқаддас жойларни зиёрат қилишни кўзлайди. “Эй, мусулмонлар...” деб бошланадиган мухаммасида муаллиф ҳижрат қилиш, Каъбани тавоф этиб, айбу гуноҳлардан покланишни лозим деб билади. Мухаммасда замона ҳолати ва аҳли замон ҳулқи-атвори мавзуси яна марказда туради. Элда издан чиққан ахлоқ масалалари, ота-онага хурмат йўқолгани, одамларнинг бир-бири билан муносабатларидаги ёлғон, хусумат, авж олган бидъатлар, шунингдек, “дононинг боши сарнигун” эканлиги таъсири мисраларда қаламга олинади. Шоир дунёни гўё қафасга ўхшатади, яъни инсоннинг инон-ихтиёри ўзида эмаслигини, балки қулликда кун кўраётганини бадиий бўёқларда тасвирлайди. Мухаммасда бундай адолатсиз ҳолатнинг мустамлакачилик сиёсати оқибати бўлганлигига ишора мавжуд. Шоир таъкидлашича, “дунё мўминлар учун қафас бўлди”. Мисраларнинг “мен” эмас, балки “биз” номидан битилиши ҳам (“юрмадук”, “додимизга”...), шунингдек, хитоб-мурожаат руҳи ҳам (“дўстлар!”) дикқатни

тортади:

Дўстлар, мўминга бўлди ушбу дунё чун қафас,
Шодлиғда юрмадук олам ичинда бир нафас.
Чархни айланг тамошо-бозлар ўлди магас,
Додимизга етгуридур холиқим фарёдрас,

Ухламай булбул киби айлаб наво, ҳижрат қилинг (93 б).

Шоирнинг зиёрат мавзусига қайта-қайта мурожаат қилишининг яна бир бошқа сабаби мамлакатдаги сиёсий-ижтиомий жараёнлар ҳам эди. Зорийнинг асарларида унинг Каъбага бу қадар талпиниши ва ўша ерда ҳаттоти “қатъи жон” этишни исташи бир томондан унинг қалбидаги диний эътиқоди бўлса, буни кучайтирган омил сиёсий жараёнлар бўлди. Кўп ўринларда шоир ҳаж қилишга шароит йўқлигидан жуда афсусланади. Зорий шахсиятидаги ғам-аламлар. армонлар, умиду эътиқод бевосита шеърларида акс этган. Деярли барча диний шеърларининг замирида ахлоқий таълим туради. Шоир ўз аҳволоти ва жамиятдаги маънавий муаммоларни қоришиқ ёндош қаламга олади.

Каъба ва ҳижрат мавзуси шу дапрдаги кўпчилик шоирларнинг ижодида кўринарли ўрин тутади. Айтайлик, Ҳазинийда ҳам бу мавзуга оид мисралар анчагина. Ш.Юсупов ёзганидек, “Ҳазиний золим зулмидан қутулиш учун ундан узоқ узоқларга - ислом оламининг муқаддас қадамжолари бўлмиш Маккаю Мукаррама ҳамда Мадинаи Мунавварага бош олиб кетиш лозим деб хисоблайди”⁹¹.

Ўлмайин етсам Мадинага бориб, анда қолай,
То ҳаётим борича йиғлаб юриб хизмат қиласай.
Ҳар куни марқадларини гардидан минг ўргулай,
Гар қазо етса, Ҳазиний остоенингда ўлай
Жаннат-ул бақя заминидин насиб этса эгам.

Зорий шу мазмундаги ғазалида, худди Ҳазиний каби “агар бошим Макка остонасига етса, кўзларимни унинг тупроғига хокдон қиласай”, “пири комил топилса унинг хизматида бўлай” каби таъсирчан ифодаларни баён қиласди:

Қайси тил илиа бу кун арзим баён қиласай?

Токи жаҳонни кулфати бирла фифон қиласай? ⁹² -

матлаи билан бошланадиган ушбу ғазалга шоир Муҳсиний (1860-1917) мухаммас боғлаган⁹³. Зорий ғазалига таҳмис деб (“Бар ғазали Зорий”) аниқ кўрсатилган бу мухаммас Муҳсиний девони қўллэзмаси таркибидан ўрин олган. Муҳсинийнинг шу ғазалга мухаммас боғлаши унинг Зорий фикрлари, қарашлари ва орзу истакларига ҳайриҳоҳ эканидан далолат беради. Зорий сингари Муҳсиний ҳам маънавий-ахлоқий масалаларни кўтариб, инсоний фазилатларни улуғлайди:

Одам демангиз, ўлмаса меҳру муҳаббати,
Андин зиёда ўлди баҳойимни суҳбати,
Қилманг анинг етимлигига зарра рағбати,
Мен чекмишам алар ўғлидин кўб мусибати,
Чуғз ўлмишамки, қайда боруб ошён қиласай (99 а).

Зорий ғазалда “қатъи жон” қилиш истагини билдирган бўлса, Муҳсиний бу байтга қўшган мисраларда “бу дунё мўмин мусулмонга чоҳу қафас бўлганини” таъкидлайди:

Кам тут, ўзингни Муҳсиний, ер узра ҳамчу хас,
Сонма халойик ичра эмас деб ҳеч кас.
Бу даҳр мўмин эрга мисоли чаҳу қафас,
Зорий фифону нола қилур Каъбани ҳавас,

⁹¹ Ҳазиний. Девон.-Т.: Маънавият, 1999.-Б.157.

⁹² Баёз. ҚАМ. инв.№Р 101-159. 30 а.

⁹³ Девони Муҳсиний. ЎзР ФАШИ. инв.№ 7392. 99 а в.

Ҳақ берса роҳ анда боруб қатъи жон қилай.(99 а)

Кўринадики, Мухсиний ҳам ҳар бир мусулмоннинг орзуси бўлган Каъбани тавоғ қилишни истаган ва Зорийнинг ушбу ғазалидан таъсиrlаниб тахмис битган.

Зорий замондошлиаридан Ҳазиний, Азим Хожа эшон ижодида ҳам Каъба мавзуси кўринарли ўрин эгаллади. Хусусан, Азим Хожа эшоннинг бир мусаддаси Зорийга маъқул ва манзур бўлганлигидан уни ўз хати билан баёзга киритади. Жумладан, мусаддасдаги қўйидаги банд мисралари Зорий байтлари руҳи билан тўла ҳамоҳанг:

Карам қил, андин ўтуб, шавқ ила Мадина борай,
Юзум бирла югурай, бошим била равза кирай,
Қўзум била сув урай, кипригим бирла супурай
Тириклай ўлганим лаззатини анда кўрай,
Турагра тоқатим тоқ ўлди, йўлга йўқ асбоб,
Кулунгга сен раҳм эт, мифтаҳ ул-абвоб⁹⁴.

Ҳазиний мухаммасларидан бирида эса Зорий фикрларига ҳам мазмунан, ҳам шаклан монанд мисраларни учратиш мумкин:

Бу замонларда зино бирлан гино топти ривож
Яхшиларга сабр қилмақдин бўлак йўқдур илож,
Бу на мушкулдур: мусулмонлар берур мушрикка бож,
Турмайнин Фарғона ичра эмди Байтуллоҳга қоч,
Журм этиб, қилмай надомат, динимиз бўлди ғариб⁹⁵.

Адабиётшунос Ш.Юсупов Ҳазинийнинг бир мухаммасида “Равзай покингга келдим, ё расули Мустафо” мисрасига асосланиб, “шоир чиндан ҳам ҳаж зиёратида бўлган” деб хulosа чиқаради. Зорий эса “Йиғламайму” радифли мусаддасида ҳажга боролмаганидан ҳасрат чеккан эди. Шоирнинг фалсафий, диний қарашибча, банда ҳамиша Ҳақ олдида ажиз гуноҳкор, Инсон камолга етмоғи учун Ҳақ олдида синовлардан ўтиши керак. Уни тубан нарсадан (тупроқ) азиз, мукаррамга айлантирган Ҳақдир. Инсон ўзлигини, инсонийлигини умрининг охиригача йўқотмаслиги керак.

“Эй банда, меҳр қўймаки, дунё вафоси йўқ” мисраси билан бошланадиган мухаммас негизида замоннинг ахлоқий мезонлари издан чиққани масаласи туради. Куфру залолнинг кўплигидан замин тўлиб кетди, одамларнинг баъзилари шайтонга дўст, аёлу эркакда ҳаё қолмади, деб ташвиш чекади шоир. Ёки мана бу бандларга диққат этайлик - уларда ҳамма замонларда муҳим бўлган ахлоқий масалалар қаламга олинади:

Турфа замонки ёши қарига иш ўргатар,
Қизлар булуғга етмай мардумлара сўз қотар.
Аксар гуруҳ эл учун охиратини сотар,
Пиру жувон охир ажал шарбатин тотар,
Журмига тўба қилса ҳаргиз давоси йўқ⁹⁶.

Қандоқ замона бўлдики, эл қолди минг хаёл,
Кўб бадсиришт айлади яхшини поймол,
Аблаҳ элинда атлас, донода кўхна шол,
Йўқтур забони нечани демакка қийлу қол,
Эмди жаҳонни изласа, бекадди дутоси йўқ. (46 а).

Мазкур мисраларда ёшларнинг феъл-атвори, кексаларга бўлган хурматсизликлари, одамларнинг номақбул ишлар қилиб, охиратини қўйдираётганлари таъсиrlи баён этилади. Шундай йўл тутаётганлар оқибатда ажал шарбатидан тотади, яъни ҳалокатга маҳқумлиги

⁹⁴ Баёз. ҚАМ. инв.Р 101-159. 47 а в.

⁹⁵ Ҳазиний. Девон.-Т.: Маънавият, 1999.-Б.120.

⁹⁶ Баёз. А.М. ш.к. 45 б в.

таъкидланади. Кейинги бандда: “Яхшини поймол, хор-зор қилиб, абллаҳни атлас билан, донони эса эски, чурук шол билан “сийлаётган” қандоқ замон бўлдики, хеч ким бу хақда оғиз очмайди?” каби жиддий савол қўйилади. Бу иллатларни бартараф этиш учун дилдан ғуборни кўтариб, покланишга, Ҳақни танишга, унга чин дилдан тавба қилишга ундайди муаллиф. Чунки “Исломда фитна ва фасод, тўқнашув ва олишув, муҳаббатни барбод қиласиган ҳар бир иш ман қилинади. /иийбат, фисқу фасод, беҳуда сўз айтиш, гап тарқатиш, номаъкул сўзлар сўзлаш, айирмачилик, ғавғо гуноҳдир”⁹⁷.

Шоир инсонларни ахлоқига, фазилатлари, нуқсонларига кўра доно ва нодонга ажратади. Нодон кишилар ўз ақлсизлиги ва жоҳиллиги билан дилга ўт қўядилар. Бу ўтга эса доно кишиларнинг бағри куйиб, сўзонга айланади:

Лодон киши ҳаргиз қилур дилни отацшин,
Донони кўринг: сийнаси сўзон бўлди-ку!⁹⁸

Тарбиясиз, одобсиз кишилар лоқайд бўлишади, ўз аҳволларидан огоҳ бўла ололмайди ва бундан уялмайдилар, кейини, оқибати нима бўлади деб ўйламайдилар. Зеро, ҳар бир ҳатти-ҳаракатнинг, гуноҳу савобнинг ажри бор.

“Қочар” муҳаммасида ҳам замон мардумлари, уларнинг феъл-атворлари ҳақидаги танқидий фикрлар ривожлантирилади:

Найлай, замон мардуми бир рост юрмаса,
Доно юзини жону дили бирла кўрмаса,
Парвонадек ўзин бориб шамъига урмаса,
Яхши сухан они даҳонида турмаса,
Бу ҳам масалки, итлик эшиқдан гадо қочар⁹⁹.

Тафаккур аҳли, доно инсонлар гўё шамга ўхшайди. Ёруғлик тарқатиб, барчага тенг зиё улашади. Замон мардумлари эса парвонадек бу зиёга талпинишлари керак. Агар одамлар яхшилардан инсоний фазилатларни - яхши суханликни ўрганмасалар, ити бор ҳовлидан гадо қочгани сингари атрофдагилар улардан узоқлашадилар. Шоир донони шамга, мардумни парвонага қиёслаб фикрини образли, моҳирона ифодалаган. Ирсолу масал санъатининг қўлланиши – “итлик эшиқдан гадо қочар” мақоли эса мазкур бандда ўзига хос бадиий ифодани таъминлаган. Такаббур, худбин одамлар ҳақида шундай ёзади шоир:

Аблаҳ ўшалки, олса ўзин халқдин баланд,
Ҳар ким гапирса Ҳақ сўзини айламас писанд,
Шайтони лайн гарданига ташламиш каманд,
Они билингким охирида бўлса дардманд,
Келган табиб анга қилолмай даво қочар (24 а).

Шоирнинг таъкидлашича, халқдан ўзини баланд олган, ҳақ сўзини айтган одамга писанд қилмаган такаббур кишининг бўйнига шайтони лайн сиртмоқ ташлагандир, яъни уни шайтон бошқаради. Бундай худписанд одам, албатта, бирор касалликка чалинади. Агар даво талаб қилиб келгудай бўлса, бефойда, шайтон уни измига олгандан кейин даво таъсир қиласиги аник. Қуръони Каримда шайтоннинг Одам болаларига қиёмат кунигача душман бўлгани ҳақида қўйидаги оят бор: “У айтди: “Қасамки, эмди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида (Одам болаларини) кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман) ва оқибатда уларнинг кўпларини (берган неъматларингга) шукр қилган ҳолларида топмайсан” (Анъом.6:16-17)¹⁰⁰. Шайтон измидаги инсон гуноҳ қилишдан қайтмайди. Фоний дунёга меҳр қўйғанлар ўлимни ёдига келтирмайди. Пайғамбаримиз Ҳадиси Шарифда шундай деганлар: “Сизларнинг энг яхшиларингиз - ахлоқи ёқимли бўлганингиздир. Ёки: “Мен яхши хулқларни

⁹⁷ Маҳмуд Асад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлок.-Т., 2000.-Б.27.

⁹⁸ Алоҳида варак. А.М. ш.к.

⁹⁹ Баёз. А.М. ш.к. 23 а в.

¹⁰⁰ Қуръони Карим. –Т.. 1992.-Б.124-125.

камолотга етказиши учун пайғамбар бўлиб келдим”¹⁰¹. Сўнгги бандда шоир худога мурожаат қилиб, мўминларнинг имонини сақлашни, сўнгги кунда -ҳашрда жаннатни насиб этишини сўради.

Зорий яшаган даврда Туркистонда исломий муҳит яксон қилинди. Чор истилочилари Туркистон халқларининг маънавий ҳаёти, динига ҳам дахл қилдилар. Руслаштириш сиёсати ва буюк давлатчилик қуриш гояси йўлида мустамлакачилар ҳамма усул ва тадбирларни кўлладилар. Рус босқинининг жабр-ситамини кўрган, воқеаларга гувоҳ бўлган шоирлар бу ҳақда сукут сақламадилар.

Зорийнинг “Бўлди-ку!” радифли ғазалида халқнинг эртаю кеч “дийдаси гирён” эканлиги, бечораҳол кимсаларга жаҳолат қилинаётганлиги, шаҳар вайрон бўлганлиги таъкидланади.

/азал мазмунидан Кўқон хонлигидаги оғир, таҳликали вазият, рус истилочиларининг қирғинлари, ислом динига тажовузлари намоён бўлади. Шоир мамлакатни руслар босиб олганидан куйиниб, диннинг поймол қилинаётганини таъсирили баён қиласи:

Габру жуҳуд, мушрик эли дин қилди поймол,
Кўргон сари юракда қаро қон бўлди-ку!

Рус истилочилари халқни зулм на жаҳолатда тутиш, сиёсий ва инсоний хуқуқларини поймол қилиб эзиш асосида харакат қилдилар. Ҳатто масжидларда рус подшоси номини хутбага қўшиб ўқиши, подшога тинчлик, омонлик сўраб дуо қилиши бу юрдилар¹⁰². Дуо матни чор маъмурлари томонидан ёзил берилган. Бу дуо матни ва масжид имомларидан Мулла Мирза Маҳмудхожи Тўйчибоев бу буйруқни бажармагани сабабли унинг устидан ёзилган рапорт ҳужжатлари ҳам буни тасдиқлайди¹⁰³. Чор маъмурлари масжидларга итлар билан кириб ўз ҳукмронликларини ҳам намоён қилганлар. Турор Рисқулов шундай ёзган эди: “Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар ҳатто масжидларга қўнғироқ осиш харакатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар”,¹⁰⁴.

Шоир Зорий ҳамма жойда чоризм аъёнлари ҳукмронлик қилаётганини таъкидлаб, халққа зулму зўравонлик қилиб, уларга дунёни зиндонга айлантираётганини ўта куюнч ва юрак дарди билан тасвирлайди:

Ҳаргиз жаҳонда лаҳза ёруғликни кўрмасак,
Оlam бу халқ ахлига зиндон бўлди-ку!

Қуллик ва истибодни зиёлилар ва тафаккур кишилари яхшироқ англайдилар ҳамда унга қарши курашга отланадилар. Лоқайд, сотқин, манқурт кимсаларни халқ, ватан тақдири қизиқтиримайди.

Туркистон халқларини зиндонга солган чоризм сиёсати зиёлилар қатламини ўзига душман санаган ва ҳалокатга маҳкум қилган. Мактаб ва мадрасалар, маърифат ўчоқларининг фаолиятига дахл қилиб, уларнинг қурилиши ва ривожланишига ҳеч қандай эътибор кўрсатмаганлар¹⁰⁵. Маҳаллий бой ва савдогарларнинг мактаб, мадраса қуришига ҳам қарши бўлиб, рухсат бермаганлар. Кўқон хонлигидаги урушлар ҳакида тарихчилар шундай ёзадилар: “1873-1876 йиллари Кўқон хонлигидаги ўта даҳшатли урушлар, кўпдан кўп одамларнинг қаршилиги, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон қилинишидан сўнг халқ оммасининг тинкаси

¹⁰¹ Имом Исмоил ал-Бухорий. Кўрсатилган асар.-Б.91.

¹⁰² Ўзбекистоннинг янги тарихи. З жилдлик. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. К.1. -Т.: Шарқ, 2000. – Б.320.

² ЎзР МДА № н. - 19 оп. № 1. Д № 9836. Л. № 8.

³ Ҳасаний М. Юрт бўйинидаги қилич ёки истило. - Т.: Адолат, 1997. –Б.83 .

¹⁰⁵ Зиёев X. Кўрсатилган асар.-Б.361.

қуриди ва қашшоқлашди. Ҳаётнинг барча тармоқлари издан чиқиб, мисли қўрилмаган азоб-укубатлар хукм суреб, қайғу-алам, кўзёшлар ҳамда қонлар бамисоли дарё каби оқди”¹⁰⁶.

Зорий ўзи гувоҳ бўлган ана шундай кулфатларни тасвиirlаб, чоризмнинг ўлкадаги қирғинбарот хукмронлигини ниҳоятда ёрқин ва лўнда “халқнинг бошида тегирмон тоши юргизиш” ибораси билан - чидаб бўлмас мусибатни бадиий ифодалай олди:

Солмиш ўрусе жабру ситам эмди беадад,
Бошга бу кор санги тегирмон бўлди-ку!

Алоҳида таъкидлаш лозимки, чор мустамлакачилари ва улар юргизган сиёсатига бундай ўта салбий муносабат ва қатъий қоралов даврнинг бошқа бирор ижодкори меросида кўзга ташланмайди. Зорийнинг кескин айлов руҳидаги бу мисралари давр шеъриятида алоҳида ўрин тутади, дейилса хато бўлмайди.

Мустамлака маъмурлари Туркистон халқларининг динини, урф-одатларини, миллий қадриятларини поймол қилиши билан жамиятдаги ахлоқ меъёрларини ҳам издан чиқардилар.

Зорий ижодида ҳаёсиз кишиларнинг гуноҳга ботиб бораётганлари кўп марта таъкидланади. Қуйидаги мисраларга эътибор қилайлик:

Бир неча халқ қўйди шарорат сари қадам,
Қилмак гуноҳ ҳаёсиза осон бўлди-ку!

Шарорат - ёмонлик, ёвузлик. Шу йўлга қадам босган одам ортга қайтмаса, хатолари, гуноҳлари кўпайиб бораверади. Бир марта қилинган гуноҳ, ҳаёсизликни кейинги гал ҳам бемалол тақрорлайверади. Шоир бу ўринда маънавий поклик ва ахлоқий тўғрилик ҳақида куйиниб, “ҳаёсизга гуноҳ қилиш осон” каби ҳикматомуз фикр билдиримоқда. /азалнинг сўнгти байтида шоир ўзига мурожаат қилиб, мўмин ва кофир кишиларнинг фарқига етиш шартлигини таъкидлаб ўтади:

Маълум бўлди кофиру мўминнинг фарқиким,
Зорий, бил эмди бу сенга мезон бўлди-ку!

Давр шоирлари ижодида ҳам замоннинг ўзгаргани, одамларнинг ахлоқи ёмонлашганлиги ҳақидаги фикрлар кўпчиликни ташкил қиласди. Муқимиининг ўн байтли ғазалида одамларнинг тинчлиги бузилгани, кечалари уйдан ташқарига чиқолмаётгани, пулдор бойлар кечалари ухломай, таҳликага тушгани ҳақида ёзади:

Дарифоким, ажойиб турфа бир охир замон бўлди,
Ики қўл то ёқода юрмасанг, ишлар ёмон бўлди.
Уриб бир неча пирни босмачилар зор қақшатди
Ки аксар беваю бечоралар бехонумон бўлди¹⁰⁷ -

“Дар мазаммати замона” сарлавҳали мазкур ғазал ҳақида адабиётшунос Ҳ.Болтабоев фикр юритиб, Муқимиий “мустамлакачи золимларнинг зўрлигини кўрсатгани”, матндаги “пир” сўзи баъзи нашрларда бузиб “ер” деб берилгани устида тўхталади¹⁰⁸. Хусусан, нашрдаги бу каби “тузатиш”лардан Муқимиий ўз асарларида мустамлакачиликни фош қилувчи сатиralар яратганини айтиб ўтади. Замонанинг носозлиги ва авж олгам зўравонлик ҳақида Завқий ҳам кучли киноя билан Муқимиийга ҳамфикр эканлигини мана бу мисраларга битади:

Эй Завқий, хаста оғзинг кам очиб, ибрат қўзинг очгил,
Ажабким, қўл ёқода юргудек турфа замон бўлди¹⁰⁹.

Фурқат эса уларга тўла жўр эканлигини қуйидагича таъкидлайди:

Яқо ушланг, аё дўстлар, замон турфа замон бўлди,
Мусулмон халқимизни феълу ҳуйи кўп ёмон бўлди,
Адошиб тўғри йўлдин, маъсият сори равон бўлди,
Вилоят ичра номашруъ иш барча аён бўлди,

¹⁰⁶ Кўрсатилган асар.-Б.357.

¹⁰⁷ Муқимиий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.359.

¹⁰⁸ Болтабоев Ҳ. Ёлланган адабиёт сирлари //ЎзАС.1998, 4 дек.

¹⁰⁹ Ўзбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.250.

Шарорат аҳлига Фарғонамиз доруламон бўлди¹¹⁰.

Муқимий ва Завқий шеърларида замон нотинчлиги қаламга олинса, Фурқат мухаммасида ижтимоий иллатлар, маънавий қусурлар, ахлоқий масалалар танқидий руҳда таҳлил қилинади. Чиндан ҳам, Зорий шеъриятидаги ижтимоий йўналиш билан даврнинг етакчи ижодкорлари Муқимий, Муҳйи, Фурқат ва Завқийлар мероси ўртасидаги умумийлик, ҳамоҳанглик жуда кучли. Бу фикр тасдиғига яна кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, Завқийнинг “Каждор замона” ғазалида халқнинг бой ва камбағал табакаси, яхшилар ва ёмонлар ҳақида сўз юритилади. Ҳажвгўй шоир:

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,
Бойларни бирор демас бегона.
Пул бўлса кифоя, майли душман,
Бепул қарамайди дўст жона.
Зоғу зағани юрибди озод,
Булбулга қафас берур замона¹¹¹-

деб ёсса, Зорий ғазалида даврдаги ўзгаришлар, яъни чор хукуматининг мустамлака сиёсати ва бунинг халқ руҳияти, ахлоқи, маънавиятига турли таъсири масалалари ўртага қўйилади.

Каримбек Камийнинг “Дилки миллат ғамидин қон ўлди...” шеъри ҳам бевосита замоннинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалалари ҳақидадир. Шоир мустамлака даврида халқнинг ғафлатда эканини, маърифатдан йироқлиги, одамларда иттифоқ йўқлиги, шарму ҳаёнинг камлиги тўғрисида таъсирчан мисралар битади:

Айлагайлар фасоду фисқ талаб,
Қолмади ҳам ҳаёю шарму адаб,
Ҳама иш чаппасига кетти қулаб,
Ўнгига ол сен ўзинг, ё раб,
Дилки миллат ғамидин қон ўлди,
Бул ажаб охириуз замон ўлди¹¹².

Кўринадики, замонанинг илғор шоирлари яратган ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърларига хос бўлган хусусият танқидий руҳнинг устунлигидир. Биз худди шу ижобий фазилатни Зорий меросида ҳам тўла-тўқис кўрамиз.

Зорий замона танқиди билан чекланиб қолмай, айрим кишиларнинг табиатидаги қусурлари, камчиликлари, иллатларини ҳам фош қилиб ҳажвлар яратди. Хусусан, Муқимий ва Завқий ҳажвларида сингари очкўз, худбин, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўювчи шахслар тимсолини Зорий ижодида ҳам учратиш мумкин. Виктор ва Ляхтинлар ҳажви ҳамда “Махзум мусича иродати” мухаммасида шоир ўз нафсига банди бўлга, орномусини йўқотган, халқ ичида ўз шармисорлигидан уялмаган шахсни танқид остига олади. Шоир махзум мусича деб атаган шахс ўзи кўринишидан ювош, беозор, камсуқум. Аммо унинг қилган ишлари фитна фасод, ҳамма ишлари гуноҳ. Махзум мусича ҳақидаги ҳажвий мухаммасни Зорий ёзганидан сўнг, С.Абдулла эътирофича, мухаммасни унинг ўзига юборади. Мухаммасда “ҳамма феъли ҳайвон”, лекин ўзи инсон махзум танқид қилинади. Гап шундаки, махзум мусича чақирилмаган тўю маракаларда пайдо бўлиб, дастурхондаги бор нарсаларни еб тўйгач, қолган-кутганларни ҳам тугун қилиб йўлга тушади. Зорий бу хасис, пасткаш шахс образини ҳаётий ва жонли тасвирлайди. Киноя, кесатик, фош этиш каби адабий усуллар орқали махзум мусичага нисбатан ўзининг салбий муносабатини ифодалайди. Саёҳатга чиққан махзумни “бировга ул ерда товон бўлмасмикан”, деб киноя қиласи. Айтиб ўтиш жоизки, номлари зикр этилган шоирлар ижодида халқни таловчи, очкўз, ўзгалар

¹¹⁰ Қаюмов А. Шоир Фурқат. Эссе // Шарқ юлдузи. 1986. № 4-5.-Б.142.

¹¹¹ Ўзбек адабиёти. 4 жилдлик. Ж.4.-К.1.-Т., 1960.-Б.249.

¹¹² Камий К. Дилни обод айлангиз... –Т., 1998.-Б.96.

ҳисобига кун кўрувчи, хасис, юлгич, ноҳалол шахсларнинг тимсоли яратилган асарлар анчамунча.

Давр адабиётида мураббаъ жанри Муқимий ижодида ўзининг янги босқичига кўтарилиди. Бу шеърий шаклнинг юксак намуналари Яссавий, Машраб, Ҳувайдо ижоди учун характерлидир. Муқимий мураббаълари ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан жанр тараққиётiga улуш қўшди. Машраб ва Муқимий мураббаълари асосан ишқий мазмунда бўлиб, Зорий ижодида ҳасби хол бу жанрда марказий ўрин олди. Жумладан, шоирнинг ҳар бандда “Ҳасратимни кимга айтиб йиғлайн” мисраси билан тақрорланадиган мураббаси ҳалқ йўлида ва услубида ёзилган бўлиб, инсоний изтиробларнинг тасвирини чуқур акс эттира олган:

Бу дунёнинг лаззатидин мосувоман,
Ҳасратимни кимга айтиб йиғлайн.
/ам ханжари бирла кўкси яроман,
Ҳасратимни кимга айтиб йиғлайн. (61 б.)

Шоирлар ижодида баъзан мураббаъдаги биринчи банднинг худога мурожаат этиш билан бошланиши анъанага айланган. Зорийнинг “Тушти жудолик дарди бошимга” мисраси тақрорланадиган мураббаъси ҳажман катта бўлиб, шоир шахсий ҳаётидаги муаммолар, қалб изтиробларининг қуюқ акс этиши билан алоҳида ажралиб туради. Анъанавий бошланма эса қўйидагicha:

Айтай санони қодир худога,
Тушти жудолиг дарди бошимга.
Машгул бўлайин эмди дуоға,
Тушти жудолиг дарди бошимга. (1 а.)

Аввалги асрларда қalam тебратган Машраб ва Ҳувайдо мураббаларида ҳам худди шундай мазмундаги бошланмани учратамиз. Машраб:

Ҳамду санолар айтай худога,
Ёрга етар кун борму ёронлар?
Етгайму додим нозук адога,
Ёрга етар кун борму ёронлар?¹¹³

Ҳувайдо:

Арзимни айдим боди сабога,
Еткурса ҳолим ул дилрабога.
Қилса худойим кўнглин мулойим,
Раҳм айлагайму мен мубталога¹¹⁴.

Кўринадики, Зорий ўз мураббасини ёзишда мумтоз ижодкорлар анъаналари таъсирида бўлган. Шоирнинг бу хил асрлари мураббаъ жанрининг шаклан ҳамда мазмунан ривожланишига туртки бўлди. Бу давр адабиётида мусаддас жанри мазмун жиҳатдан тараққий этишда давом этди. Фурқатнинг “Сайдинг қўя бер сайёд...” мусаддаси лирик қаҳрамон ҳолатини, озодликка интилган шахс ғоясини акс эттирувчи етук асар намунаси ҳисобланади. Зорий ижодидаги “Кетти ким қолди”, “Йиғламайму”, “Найлайин” радифли мусаддаслари ўзига хос ҳусусиятлари билан бу шаклни бойитади.

Кичик шеърий шакллардан рубоий нисбатан кам учрайди. Зорий ижодида форс-тоҷик тилида ёзилган ишқий мавзудаги бир рубоий маълум бўлиб, у қўйидагicha:

Ду чашмат ҳамчу қассобан қанора басти мужгонро,
Кашида бар сари ҳар сих жони сад мусулмонро.
Лаби лаъли ту ёқутаст ё кут аст маржонро,
Ду чашмат айни бодом аст ё дом аст мар жонро (876).

(Мазмуни: Сенинг икки кўзинг қассоб қанораси мисоли. Бу қаноралардаги ҳар михда

¹¹³ Машраб. Мехрибоним қайдасан.-Т., 1990.-Б.269.

¹¹⁴ Ҳувайдо. Танланган шеърлар.-Т., 1961.-Б.7.

юз мусулмоннинг қони бор. Сенинг лаъли лабинг ёқут ёки маржонга қувват берувчи, тирик жонга қувват бағишловчидир. Сенинг икки кўзинг бодомга ҳам инсоннинг илиниши учун кўйилган тузоққа ҳам ўхшайди.)

Зорийнинг рубоий шаклида ҳам асар яратгани ҳамда форс-тожик тилида ижод қилгани унинг истеъодидан дарақ беради. Шоирнинг турли мавзуларда яратилган шеърий асарлари шундан далолат берадики, у анъанавий ҳамда ўз даврида долзарб бўлган - ижтимоий мавзуларда асарлар яратди. Мумтоз адабиётимизнинг кўпгина жанрларида баракали ижод қилди.

2-фасл. ЗОРИЙ ИЖОДИЁТИ ВА ДАВР АДАБИЁТИДА ЯРАТИЛГАН ПОЭТИК ТУРКУМЛАР

XIX аср II ярми ва XX аср бошларига келиб, мумтоз адабиётнинг мазмун доираси янги-янги – ўтмиш шеъриятимизда қаламга олинмаган мавзулар билан янада кенгайди, ривожланди ва бойиди. Давр адабий хаётининг хос белгиларидан бири шундаки, бир неча ҳалқчил ижодкорларнинг ижодий ташабbusи билан замона ҳаётида рўй берган қатор ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар билан боғлик долзарб мавзуларда бир неча шеърий туркумлар пайдо бўлди¹¹⁵. Шу жуда муҳимки, ўлкада рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хонликдаги жiddий воқеалар Зорийнинг ҳам назаридан четда қолмаган ва у ҳозиржавоблик билан бу воқеаларга ўз муносабатини билдирган. Асосан ижтимоий-сиёсий мавзудаги бу шеърий туркумлардан кўриш мумкинки, бир мавзу, бир ғоявий-бадиий йўналишда турли жанр ва шаклларда яратилган бу асарлар давр ижодкорларининг ўзаро яқдиллиги ва ягона позицияда турганликларини англатади.

Зорий, Муқими, Мухъи, Фурқат, Ибрат, Завқий, Нодим ва бошқа қатор ижодкорлар томонидан ёзилган асарларни қуйидаги шеърий туркумларга ажратиб тасниф этиш мумкин:

1. Кўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон ва унинг фожиали тақдиди ҳақидаги туркум.
2. 1898 йилдаги Андижон қўзғолони (“Дукчи эшон воқеаси”) мавзуидаги шеърий туркум.
3. Гимназия хусусида маърифатпарварлик йўналишидаги туркум.
4. Товламачи Виктор ва Ляхтинларнинг ифлос қилмишларини фош этувчи ҳажвий туркум.
5. Ўлкага поезд келиши ҳақидаги туркум.
6. От, бурга, печь, пашшалар ҳақидаги юмористик туркум.
7. Машхур хонанда Макайлик таърифидаги туркум.
8. Андижон зилзиласи ҳақидаги туркум.
9. “Найлайн” радифли мусаддас туркуми.

Зорийнинг ушбу туркумлардан тўрттасига доир асарлар ёзгани унинг ижтимоий ҳаёт воқеаларига ҳозиржавоб бўлганлигини кўрсатади. Бу туркумларнинг еттитаси ижтимоий-сиёсий мавзуда бўлиб, “Найлайн” радифли мусаддас лирик шеърdir.

Бундан ташқари “Лой”, “Бурга”, “От”, “Сигирим”, “Пашшалар” радифли ҳажвий-танқидий руҳдаги асарлар ҳам ёзилдики, уларни шоирларнинг ўзаро ижодий муносабатлари самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур туркум шеърларнинг ёзилиши хусусида адабиётшуносларнинг турли муносабатлари мавжуд. /Каримов, Ҳ.Раззоқов, А.Абдуғафуров, Ҳ.Болтабоев, Р.Тожибоевларнинг мақола ва илмий ишларида эътиборга молик фикрлар билдирилган. Хусусан Ҳ.Болтабоевнинг “Ёлланган адабиёт сирлари” мақолосида шу давр адабиётига доир “Дукчи эшон”, “Пашшалар” сингари туркумлар таҳлил этилади. Жумладан, Муқимиининг Дукчи эшонни фош этувчи маҳсус асар ёзмагани асослаб берилади. “Чунки шоир сатирик

¹¹⁵ Абдуғафуров А. Мухъининг “суддан ҳам олдинроқ чиқарган ҳукми”// ЎзАС. 1997, 5 сент.

меросининг ўзи англатиб турибдики, у дастлаб танқид қаламини мамлакатга босқинчилик ва мустамлакачилик олиб келган чор амалдорларига ва ҳарбийларига қарши қаратган. Унинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилган “Воқеаи Виктор”, “Вексель” сингари қатор асарлари бунга гувоҳ¹¹⁶.

Адабиётшунос “Дукчи эшон” ҳақида асарлар ёзиш чор маъмурларининг топшириги бўлганини, бу топшириқ кўпроқ Завқий зиммасига факлар орқали аниқлади.

Кўқоннинг сўнгти ҳукмдори Худоёрхоннинг тахтдан кетиши, аянчли тақдирни хусусида “Афсуснома”, “Дариғнома” каби мухаммаслар ва марсия оҳангидаги шеърлар яратиш анъанага айланди. Бундан ташқари хон саройи тавсифига бағишлиланган шеърлар ҳам бир туркумга бирлашади. Мазкур туркумдаги шеърларни мазмун жихатидан уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Худоёрхон саройи тавсифига бағишлиланган шеърлар.
2. Худоёрхоннинг тахтдан кетиши муносабати билан яратилган шеърлар.
3. Худоёрхон вафотидан кейин ёзилган асарлар.

Кўкон хонлиги ҳақида ўз даврида бир қанча асарлар ҳам ёзилди. Хоннинг Кўконда қурдирган ҳашаматли ўрдаси ҳақида замон шоирлари бир неча қасидалар, мухаммаслар, таърих ва манзумалар битганлар. Бу асарларда ўрданинг эътибор жалб қиласидаги даражада баланд, ҳашаматли, гўзал нақшлар билан безатилгани, ички ва ташки ҳовли, юздан ортиқ хоналарнинг жиҳози, безаклари, ўрданинг боғи, ҳовузи ҳақида сўз юритилади. Зорийнинг худди шу мавзуга бағишлиланган мухаммаси “Тавсифи ўрдаи олийи Худоёрхон” деб номланиб, ўн икки бандни ташкил қиласиди. Шоир ўрданинг таърифини батафсил келтиради. Бундай қасри олийнинг овозаси заминдан етти осмонга етди, деб муболага қиласиди. Ўрда дарвозасининг токига ёзилган таърих ҳақида ҳам Зорий сўз юритади¹¹⁷.

Ниёз Муҳаммад бинни Ашур Муҳаммад Ҳўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳий” асаридағи Худоёрхон ўрдасига бағишлиланган қасидаси ҳам шу туркумдаги асарлар сирасига киради. Қасиданинг сўнгти байтида қўйидаги таърих берилган:

Файзи қасри ҳама шах бу қаср аро зоҳир,
Бу фажҳ ила таърихи: “файзи кусур”*

Ўрданинг дарвозаси чинордан ясалган бўлиб, унга нафис ёғоч ўймакорлиги билан нақшлар берилган*.

Ниёз Муҳаммаднинг қасидасида ўрданинг қурилишидан тортиб хоналаригача, хоналардаги жиҳозлардан то деворлардаги нақшларгача—ўрданинг ичию ташқариси бирмабир тавсифланади. Ўрда дарвозаси ҳақида қўйидагича ёзилади:

Қурилди давлат эшигию гунбази олий,
Сафою сайқалидинким қўполмас эрди туюр.

Ниёз Муҳаммад мазкур қасидасида ўрда хоналарини тавсиф этишда тил ожиз эканини айтиб, уни жаннат уйларига қиёс этади. Қаср деворларининг кунгураси тоғ чўққилариdek баландлигидан худди Сулаймон тахтидек ҳаммага машҳурdir, деб ёзади.

¹¹⁶ Болтабоев X. Ёлланган адабиёт сирлари //ЎзАС. 1998, 4 дек.

¹¹⁷Шоир тилга олган ва ўрда пештоқининг чап томонига битилган таърихни Худоёрхон ёздириган бўлиб, асли қўйидагича:

ТАРОЗАНДАИ НАҚШИ БЕҲЗОДСОЗ,
ЧУ ОРОСТ БАР ЛАВҲИ КОШИ ТАРОЗ.
МАРО ГУФТ: “ТАЪРИХ НАҚШАМ ГЎ,

БА ФАРМОНИ САЙЙИД ХУДОЁР ГЎ”.

Бу тўртликнинг сўнгти мисрасидан абжад хисоби бўйича хижрий 1287, мелодий 1869-1870 йиллар, яъни ўрданинг қурилган вақти чиқади.

* “Файзи кусур” ибораси – абжад хисоби бўйича 1287 га teng, бу хижрий йил мелодий хисоб билан ўрданинг қурилиш вақти 1869-1870 йилларга тўғри келади.

* Вакт, куёш, қор ва шамоллар дарвозага ўз таъсирини кўрсатган. 1956 йилда Ўзбекистон халқ рассоми, ёғоч ўймакорлиги устаси Қодиржон Ҳайдаров дарвозани қайта тиклади.

Саломхонанинг ўша вақтдаги жиҳозланиши ҳақида эса Зорий қуидаги тасвирилаган:

Хусусан бўлди анго бир ажойиб турфа бангола,
Палос ўрнига солмишлар мовут- чун очилган лола.
Камардур анга бангола хазинадур буд ҳола,
Фаровон айласун давлатларингиз сад ҳазор сола,
Эрур мангола ҳам они ичинда дурри якдана (70 б).

Зорий мухаммасда “ажойиб хўб иморатга” “қўёлмасдур магар хиштини устай Ҳироти” деб ёзди. Ўрда таркибида ҳаммомнинг қурилиши, Пўлодий номи билан аталган ҳовуз ҳақида эса қуидаги қайдлар бор:

Ясаб бир ҳафзи Пўлодий сувининг бошиму кавсар,
Ани тошга кесилар ҳалқига монандай шаккар,
Овозасига қилиб сархушлар чун гунбази аҳзар,
Назар солгай Абу Бакру Умар Усмон ила Ҳайдар,
Аларнинг ҳурматидин фатҳи нусрат бир мусулмона(72 а)

Зорий ўрданинг катта-катта қисмлари бўлган шаҳнишинхона, саломхона, ҳаммом, ҳовуз, кабутархона, боғларнинг тасвирига кўпроқ тўхталади. Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий қасидасида эса хоналарнинг ички қиёфаси кўпроқ намоён бўлади. Зорий мухаммасида ҳам боғ таърифидағи бундай бинога нисбатан “жаҳон ичра бундай файзосор йўқ” деган фикр билдиради.

Мухаммаснинг сўнгги бандида шоир шундай гўзал қасрни омон сақлашни худодан сўраб, валилар посбон бўлишини, ғаму ранжу аламлар подшоҳдан узоқ туришини ва шоҳнинг соҳибқирион бўлишини тилайди. “Жаҳоннамой” муаллифининг ёзишича, хитой меъморчилиги санъатидан хабардор усталар дарҳол бино лойиҳаси бўйича дарвоза, аркнинг ташқи ҳовлиси, саҳни, хазиналар сакланадиган омбор, созандалар хонаси, ғазна, ошхона, отхоналарнинг ўрни белгиланади. Ўрданинг ғарбий томонида аёллар хонаси - хон ҳарами жойлашган эди. Унинг атрофида қўшинлар учун казарма ва икки ҳовузи билан боғ жойлашган. Шўро даврида ўрданинг иккинчи ярми, ҳовузлар бузиб ташланган.

Зорий ва Ниёз Муҳаммаднинг ўрда тавсифига бағишлиланган асарларининг аҳамияти шундаки, ўрда қурилган даврда асли қандай кўринишга эга бўлгани, тузилиши ва бошқа тафсилотлар ўзининг бадиий тажассумини топган. Бу каби асарлардан ҳаётӣ, аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин*.

Худоёрхоннинг катта ўғли Андижон ҳокими Насриддинбек ва унинг Андижондаги иморати, давлати, салтанатига бағишлиланган мухаммас ва қасидалар ҳам мазмунан бир туркумга бирлашади.

Зорий баёзининг таркибида “Насриддинбекни Андижонда иморатлари тавсифидур” деб номланган олти бандли мухаммас мавжуд. Мухаммас бешинчи бандгача хоннинг тавсифи, мадҳи билан давом этади, олтинчи бандда хоннинг урушга тайёр қуролларининг құдрати ҳақида сўз боради. Мухаммас мазмунан тугал әмас, унинг кейинги бандлари Насриддинбек иморатлари хусусида бўлиши мумкин. Бу бандлар баёз саҳифаларидан тушиб қолган.

Адабиётшунос /.Каримов маълумотига кўра “Насриддинбек даргоҳида маълум шоирлар тўдаси тўпланган ва улар алоҳида, мустақил адабий ҳаракатчилик яратишга интилганлар, Насриддинни ва унинг салтанатини улуғлаш билан шуғулланганлар”¹¹⁸. Олим М.Қорахўжа ўғлининг “Тарихи жадида Тошкент” асаридан қуидаги парчани келтиради:

* Бугунги кунда ўрда давлат муҳофазасига олинган бўлиб, Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи ҳисобланади. XIX асрнинг сўнгти йирик меъморий обидаси бўлган Худоёрхон ўрдаси севимли зиёратгоҳлардан биридир.

¹¹⁸ Каримов F. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти: Филол. фанлари д-ри... дисс. К.1-2. - Т.: 1961.-Б.78 .

“Андижон шоирлариниш қасиданомаларики, девон бошидан охиригача Сайид Насриддин номларига бағишлиланган эди. Шу девоннинг охираша эса Хожи Мухий қасидалари бор. Бу қасидалар олий ҳазрат буйруқларига биноан девоннинг охирига тиркалган эди”. Насриддинбекка бағишлиланган “Қасойиднома”, ёки “Қасидалар девони” бизгача етиб келган эмас. Мълум бўлишича, Мухий 1875 йиллар атрофида хаж сафаридан қайта туриб, Хўжанднинг Махрам мавзеида Насриддинбек билан учрашиб, ўша 74 мисрадан иборат катта қасидани ёзиб ўкиб берган. Насриддинбекка қасида ёзган шоирлардан шаҳрисабзлик Мирза Олим Мушриф қасидаси қуидаги банд билан бошланади:

Гавҳари зотингда, шоҳо, ҳеч нуқсон ўлмасун!
Мулки жоҳингда хаводис шарри имкон ўлмасун!
Офтоби давлатинг зулматда пинхрн ўлмасун!
Жами кўнглинг даври жавридин пинҳон ўлмасун!
Чарх фармонингга кирмоқдин пушаймон ўлмасун!

Зорийнинг мухаммаси қуидагича бошланган:

Мен забон очтим сенинг хамдингга, Парвардигор,
Бандаи пўшида сирри сенга, ё Раб, ошкор,
Жумла олам подшоҳисен кариму кирдикор,
Хоним таҳтида қилгил то қиёмат барқарор,
Эмди тавсифи муборакни дейин ул шаҳриёр.

Бундан кейинги бандларда шоир Абу Бақр Сиддик, Умар Усмон, имом Ҳасан, имом Ҳусан номларини тилга олиб, уларнинг шоҳга мадад бўлишини тилайди. Муаллиф Насриддинбекка Сулаймон пайғамбарнинг узугини худоим ато қилсин, ҳашрда расулимиз шафоат қилсин, ислом барқарор бўлсин сингари орзуларни билдиради. Қуидаги мисраларда эса Насриддинбекнинг ҳокимиятни қандай бошқариб, эл аҳволига қандай муносабатда бўлгани ҳакида баъзи фикрларни уқиш мумкин:

Андижон шаҳринда кўб эл салтанат таҳтин қуруб,
Ўзга шоҳлар кўрмаган давлатни шахзодам кўруб.
Беваю бечораларни арз ила додин сўруб,
Хоҳ фақири, хоҳ ғани шому саҳарлар ўлтуруб,
Тинмайин айлар дуо жамиъ сиғору то кибор (97 а).

Мавжуд маълумотларда келтирилишича, Насриддинбекнинг ўзи ҳам ижод билан шуғулланган. Шаҳзода таҳаллуси билан шеърлар битган¹¹⁹. Унинг бир шеъри “Тазкираи Қаюмий”да келтирилади. Насриддинбек Андижонда ҳоким бўлиб турганида маданият, санъат, адабиётга ҳомийлик қилган. Унинг ўзи отасига бағишлиб қасида ёзган.

Насриддинбекнинг Андижондаги ва Кўқондаги сиёсий фаолияти тарихий, адабий манбаларда бир қадар ёритилган¹²⁰. Афсуски, у хукмронлик учун қанча курашмасин, чор ҳукумати томонидан енгилади. Ушбу воқеа давр ижодкорлари томонидан қаламга олиниб, уларнинг кўпчилигига хоннинг тақдирига қайғуриш, афсус-надоматлар, хоннинг ўтмишидан чекаётган азоб-изтироблари акс эттирилади.

Худоёрхон ўрдасига бағишлиланган асарлар хоннинг учинчи хукмронлиги даврида (1865-1875) ёзилган бўлса, Худоёрхон ҳакидаги “Кўшиқлар” туркумидаги асарлар хон таҳтидан кетгандан кейинок, бир қисми эса хон умрининг охирларида Афғонистонда Карруҳ мавзеида вафот этганидан сўнг ёзилди. Бу “Кўшиқлар”нинг учтаси 1888 йилда “Записки Восточного Отделение Императорского Русского Археологического общества” тўпламида Н.Остроумов томонидан нашр этилди.

“1886 йил декабрь ойи” деб имзо чекилган, яъни Н.Остроумов шу даврда “Айрилдим”

¹¹⁹ Қаюмов А. Талон тарож сиёсати қурбони // Миллий тикланиш.-1999. 2 февр.

¹²⁰ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.-Б.332-359; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. К.1. -Т.: Шарқ, 2000.-Б.14.

радифли мухаммасни топиб, уни “Записки”да нашр этгани ва мухаммас муаллифини номаълум ҳисоблаганини, аслида унинг Зорий қаламига мансублигини айтиб ўтган эдик. Худди шу радифдаги Завқийнинг ҳам мухаммаси мавжуд бўлиб, у “Записки”да нашр этилган эмас.

Зорий ва Завқийнинг мухаммаслари мазмунан ўхшаш, бири иккинчисини тўлдиради. Ҳар иккала шеърнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Муалифлар Худоёрхон шахси, тақдири ва қилган ишларига бир-бирига яқин нуктаи назардан қарасалар ҳам, хулосалари ўзгача.

Зорий, биринчидан, Худоёрхоннинг ички изтироблари, ўйлари, пушаймонларини чукур лиризм билан тасвиrlаган бўлса, иккинчидан, рус босқинчилари зулми остида қолган Туркистон халқларининг аҳволини ўқувчига тагмати орқали етказмокчи бўлади. Шуни таъкидлаш ўринлики, сўнгги ўзбек хонининг мусофириликда тортаётган уқубатлари, чекаётган пушаймонлари Зорий томонидан ёрқин акс эттирилади. Худоёрхоннинг қатъиятсизлиги, шахсиятпаст ва қўрқоқлиги сабаб у халқни чор хукмдорларига ташлаб қочган эди. Завқийнинг шу мавзудаги “Демиш хон” номли мухаммасини адабиётшунослигимизга Ҳошимжон Рассоқов олиб кирди. Завқий мухаммасида баённинг хон тилидан “мен” деб берилиши, ўзини ўзи танқид қилиш услуби жиҳатидан ажralиб туради. Ўз айбларини ошкора тан олаётган хоннинг иқрорлари куйидаги мисраларда акс этади:

Суруб давлат ғурурин юрту элдин бехабар бўлдум.

Ёки:

Чиқордим бидъат ишларни хазина тўлса шояд деб.

Ёки:

Кауфманга муроса деб қилурдим ошнолигни
Шариатга солиб раҳна қиласадим бехаёлигни.

Ўзининг хатолари, қилган нотўғри ишлари учун мусофириликда хор бўлиб жазоланаётган хон тилидан бу ишларга “қилмиш-қидирмиш” деган хулоса якун қилинади. Ўтмишда қилган хатолари, номақбул ишлари учун афсус чекиб, ўзини айбдор деб ҳисоблаётган шахс руҳияти Зорий мухаммасида очиб берилган. Қилмишидан “юртга шўру шарр туширган”, “кўп нарсаларга мағрут бўлиб Худони унутган” ҳамда “ақлу адлини бой берган” хон фақат ўзинигини эмас, халқни ҳам “ўрислар домига тушириб, гирифтори қафас” қилган эди:

Умр ўтди, худоё, қилганим ҳою ҳавас бўлдум,
Ҳамият қолмади, душман алинда чун магас бўлдум,
Мажозий подшоҳ эрдим, ҳақиқат урди, хас бўлдум,
Ўрусларнинг домига туштум, гирифтори қафас бўлдум,
Ўтубон бул гариблик гўйё жонимдин айрилдим.

“Записки”да Н.Остроумов сўзбошиси ва рус тилига сўзма-сўз қилинган таржимаси билан нашр қилинган мухаммаслар ҳақида адабиётшуносликда А.Абдуғафуров, Ш.Юсупвлар ўз тадқиқотлари да алоҳида тўхталгандар. Адабиётшунос Ш.Юсупов Котиб ва Фурқатнинг мухаммасларини ўзаро солишитириб қуйидагича фикр билдиради: “Котиб мухаммасини ўқигач, хон атрофида тузук, инсофли, илм-маърифатли одамлар умуман бўлмаган экан-да, деган тасаввур қолади. Фурқат эса хоннинг майшатпастлиги ва ҳашаматга ўчлигидан ички норозилик билдиргани ҳолда, унинг атрофида Ибн Сино, Афлотун таҳлитидаги аҳли донишлар, валоят ҳосил этган яхши эшонлар ҳам бўлганлигига эътиборни қаратади. Бу орқали Фурқат майшатга муккасидан кетган, ҳою ҳашамга ўч хукмдорни унинг атрофидаги энг зукко билимдонлар ҳам инқироздан сақлаб қолишга қодир эмас, деяётгандек туолади”¹²¹.

Худоёрхоннинг аянчли тақдирига қайғуриб, унинг тилидан ёзилган мухаммас Фурқатнинг кейинчалик тақдирида рўй берган айни ҳолатига мос келади:

¹²¹ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат.-Т., 1995.-Б.61.

Қабул айлаб худо бу тавба бирла охи зоримни,
Яна Фарғонага бир йўл етургайму гузоримни,
Қувонса нотавон кўнглум, кўруб ёру диёrimни,
Дуогўйлар ичинда яхши билган эътиборимни,
Дариго, Фурқатидек дийда гирёнлар қаён қолди?

Давр шоирларидан Мухаммадкул Мухаммадрасул ўғли Муҳаййир ҳам ушбу йўналишда “Мухаммас бар ҳоли хони марҳум ин аст” сарлавҳали саккиз банддан иборат мухаммас ёзган. Мухаммас сарлавҳасидан унинг хон вафотидан сўнг ёзилганини билиш мумкин. Мухаммасда исломий шариатга кўра марҳумлар ҳакида салбий сўзлар айтилмаслиги нуқтаи назаридан Худоёрхоннинг қилган солиҳ ишлари тилга олинади:

Қилас деб жаннатосо бўстон боғ ўрдусин,
Санаб кавсар фироғи гулшан ичра ҳар лаби жўсин,
Йиқиб анда жаҳон шамшод ҳадди бирла гулрўсин,
Баҳойи Руми Рай сонди аларни холи ҳиндусин,
Иморат ҳар тараф гўёки бир тархи Эрам чекти.

Мазкур мухаммаснинг бошқа шу туркумдаги мухаммаслардан кескин фарқданадиган жиҳати бешинчи бандда хоннинг кўрган туши ва бу тушга таъбир тополмай, пинҳон алам чеккани айтилади. Тушнинг таъбири хон салтанатининг таназзулидан дарак берган бўлиши мумкин.

Кўруб бир ҳавллик туш, ёд айлаб дор ила гийрин,
Кўнгулда тўхтатолмай сўрди кўрган тушни таъбири,
Мудаббир айгали ожиз бўлуб айларга тадбири,
Тасалли бергали кўргузди тахрир ила таҳрири,

Шахим ушбу сабабдин дилда пинҳон юз алам чекти. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу туркумга кирадиган мухаммасларнинг барчасида ҳам алданган ва пушаймон чекаётган хоннинг ҳолати эътиборга олиниб, сўз юритилади. Зорий, Фурқат асарларида хонга ачиниш туйғулари акс этса, Котиб мухаммасида хон атрофидаги шахсларнинг фитналари ва элнинг тарқоқ ахволи тасвирланиши, Завқий мухаммасида ўзини ўзи танқид қилиш ва фош этиш устунлик қиласи. Муҳаййир асарида эса хоннинг қисматидан бошқалар хулоса чиқарсин, деган мазмун -даъватни сезиш мумкин.

Шеъриятда Худоёрхон тақдири мавзуси шу билан якунланмайди. Давр шоирлари бу мавзуни қайта-қайта қаламга олганлар. Зорий ижодидаги “Кетти, ким қолди” мусаддаси ҳам айнан шу мавзуга бағишлиланган. Мусаддас мазмунига кўра у хоннинг вафотидан сўнг ёзилган. Саккиз банддан иборат бўлган мазкур мусаддасда бу ўткинчи дунёдан пайғамбару азиз авлиёлар ўтиб кетгани, Нуҳ, Айюб пайғамбарлардан ҳам асар қолмагани, Мусо, Исо, Юсуфу Зулайхолар, Одам Атою Момо Ҳаволар, Рустам, Доро, Искандарлар ҳам ўтиб кетганлари баён қилинади. Ҳатто олиму фузалолар Афлотун, Суқрот, Сулаймон, Золу Луқмонлар ҳам ўлимга чора тополмай ўтиб кетишгани айтилади. Шундай улуг шахслар сингари Худоёрхон ҳам “ғурбат аро кирди” деб хулоса қилинади сўнгти бандда:

Яна кетти Худоёрхонам ўз беку диёриди,
Кириб ғурбат аро бўлди жудо хешу таборидин,
Бу кулфатлар, билинг, ўз ҳалқимизни кору боридин,
/ам ила қолмади Зорийни жисмида мадоридин,
Алардек шоҳларни дийдаси тар кетти - ким қолди?
Ҳама ҳасрат била хотир мукаддар кетти - ким қолди?¹²²

Зорийнинг яна “Айлайин бир қисса...” деб бошланадиган мухаммасида ҳам Худоёрхон ва унинг ўғилларининг Фарғонадан чиқиб бораётганликларида йўлда учраган машаққатлари тўғрисида баён қилинади. Тўққиз банддан иборат ушбу мухаммас “Йиғласам” радифи билан

¹²² Баёз. А.М. ш.к. 40 а.в.

муаллифнинг хон ва унинг яқинларига ҳамдардлик руҳида ёзилган. Кўйидаги мисраларга дикқат каратайлик:

Юрдилар бек неча йил гурбат аро неку фиол,
Қайда турса кўб, vale, ташвишурлар пурмалол,
Ризқини ул шахдин олди худои лоязол,
Тушти Тошкент ичидан ўткарибон моҳу сол,
Тахту бахту акрабосидин жудога йиғласам¹²³.

Неча кун ёттилар кўргани келди табиб,
Рангини кўрди: “Раҳм айласун сенга ҳабиб”,
Эшишиб бул сўзни шахзода бечора ғариб,
Найлайнин, дам ўлумга бериб бўлмас фириб,
Умрини қилган хазон боди сабога йиғласам (66 а,б).

Мухаммаснинг кейинги бандларида фарзандлари билан хайрлашаётган хоннинг сўнгги сўzlари берилади: “Софинурман гар сафар қилсан, юзунгга термулай”, “Эмди дардимдин халос ўлсан сенинг қадринг билай” каби таъсирчан мисралар хон тилидан айтилган.

Худоёрхон ҳақидаги шеърларнинг умумий хусусиятлари шундаки, бу шеърларда ўлкага бостириб келган рус мустамлакачиларининг зўравонлик сиёсати ва маҳаллий низоларнинг кучайиб, хонликда юзага келган тартибсизликлар тасвирланади. Ҳар бир шоир тасвир обьектига ўзига хос йўл билан борганини юқорида таъкидлаган эдик. Демак, бу туркумга бирлашадиган асосан мухаммас жанридаги шеърлар ва асарлар айни замондаги воқеаларни акс эттириб, давр маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутади.

Чор истилоси Туркистондаги ижтимоий-маданий, иктисолий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини бутқул ўзгартириб юборди. Рус капиталистлари ўлкадаги бой савдогарлар билан алоқа ўрнатиб, сармояларини ривожлантириш йўлида турли ҳийла-найранглардан ҳам қайтмадилар. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг савдо-сотик, тижорат соҳасида Қўқонда рўй берган воқеа адабиётимиз тарихида “Ҳажви Бектурбой” сарлавҳаси билан етиб келган. Виктор (талаффузда Бектур) воқеасига бағишлиб ёзилган ҳажвлар Муқимий, Завқий, Мұхий, Зорий, Рожий, /урбат, Писандий каби ижодкорлар қаламига мансуб бўлиб, унда фирибгар, муттаҳам, олғир, ҳийлагар шахслар - Викторлар танқид қилинади. Ушбу ҳажвий туркумга бирлашадиган шеърларга /.Каримов, А.Абдуғафуров, Ҳ.Раззоков, Р.Тожибоевлар ўз муносабатини билдирганлар. Чоризм ва маҳаллий амалдорларнинг қора қилмиш лари, пул, бойлик орттириш йўлидаги фирибгарлик, ноҳақлик, юлғичлик фаолиятлари акс этган бу ҳажвларга сабаб бўлган воқеа қуйидагicha:

Москвадаги ака-ука Каменскийларнинг Қўқондаги идораси бош бошқарувчиси Виктор Дмитриевич Ахматов шаҳарда йигирма йилга яқин маҳаллий бой, савдогарлар билан савдо муомаласида бўлади. Уларнинг ишончини қозонгач, бойлар ва савдогарларнинг жуда кўп пулларини ўзлаштириб юборади. Ишлаб турган конторадан ўттиз минг сўм қарз олиб, уни вакт ўтиб 300 мингга етказади. Камомад миқдори неча сўм бўлишидан қатъи назар, жазо бир хил бўлишидан хабар топган Виктор ҳеч нарсадан тап тортмайди. Виктор Ахматов таъмагир бой ва очкўз савдогарларга Европадан мол келтириб бераман деб, пулларини йиғиб олади. Ахматовга ишонган “жабрдийдалар”, вакт ўтгач, ўз ҳақларини талаб қила бошлаганларида, Виктор ўз қарзларини контора ҳисобига ўтказиб, сохта паспорт билан Тифлисга жўнаб кетгани аён бўлади. Бир қанча вақтдан кейин қўлга олинган товламачи В.Ахматов иши судда кўрилиб, у 1,5 йилга қамалади¹²⁴. Шу воқеага изоҳ ва Муқимийнинг “Ҳажви Бектурбой” мухаммаси Н.Остроумов томонидан “Записки”нинг IX томида ўзбек ва рус тилига сўзма-сўз

¹²³ Баёз. ҚАМ. инв. № 674. 66 а.в.

¹²⁴ Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётидаги сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.142-143.

² Кўрсатилган асар.-Б.144.

таржимаси билан нашр қилинади.

Адабиётшунос А.Абдуғафуров Н.Остроумов берган изоҳга кўра “Муқимий бу асарни воқеа содир бўлгандан кейин оқ ҳозиржавоблик билан тезлиқда яратган”, деб тўғри қайд этади¹²⁵. Демак, ношири, ўз таъкидига кўра, асарни 1891 йил июлда кўчиртириб олган бўлса, ушбу асар бу муддатдан аввалроқ ёзилган. В.Ахматов суди 1892 йил августда бўлиб ўтади. Икки йилга яқин қочоқликда юрган фирибгар ўзлаштириб юборган пуллар ундирилганми йўқми, бу хақда маълумот йўқ.

Давр адабиётида моҳиятан Виктор қилмишига монанд яна бир товламачи Ляхтин ҳақида ҳам бир неча ҳажвий асарлар яратилган. Жумладан, Зорий меросида “Лахтун ҳажви” сарлавҳали мухаммас бўлиб, у 1895-1896 йиллар оралиғида тузилган баёз таркибида бошқа манбалардаги нусхаларидан кўра ҳажман катта ўн уч банд шаклда учрайди.

Ляхтин ҳам Виктор Ахматов сингари товламачи фирибгарлардан бўлиб, Тошкентдаги улдабурро бойлардан хисобланган. У хақда қўйидаги маълумотлар бор: У “саноат корхоналари: ёғ ва пахта тозалаш заводлари очган, типография-литографиялар бунёд қилган, Туркистоннинг турли шаҳарларида савдо контораларида мол сотган юлғич ва олғир капиталист эди. У янги босиб олинган ўлқада бойлик тўплаш учун ҳамма усуллардан фойдаланиб иш кўрган колонизаторларнинг типик вакили эди”¹²⁶.

Виктор ва Ляхтинларнинг фирибгарликлари давр жамоатчилигига катта шов-шув қўзғатган ва қатор ижодкорлар диққатини тортган. Шу нарса эътиборга лойиқки, айrim ижодкорлар бу воқеаларни ҳажвий йўналишда бадиий тасвирлашга қайта-қайта мурожаат этганлар. Жумладан, Муқимий меросида Виктор шахсияти ва қилмишларини фош этувчи учта шеър ва Ляхтин тўғрисида бир ҳажвий ғазал учрайди. Ҳар иккала келгинди товламачи Зорийнинг ҳам ҳажвияларида аёвсиз фош қилинди. Шоирнинг ўткир танқид ва кучли киноя руҳи устувор бўлган мухаммасида бошқа ижодкорлар асарлари дагига нисбатан Ляхтин шахсияти ва ифлос кирдикорлари тўғрисида тафсилотлар кўпроқ учрайди.

Шоир мухаммасидан, масалан, қуйидаги муҳим маълумотларни олиш мумкин:

Ляхтин ўз сармояларини янада кўпайтириш мақсадида Тошкентдан Қўқонга келади. Виктор орқали бўлса керак, маҳаллий бой ва савдогарлар, судхўрлар билан тил топишиб, уларнинг пулларини қарзга ёки фоиз билан қайтаришга олади. У ён атрофдаги шаҳарлар, масалан, Қўқон, Андижон бойларидан пул ола бошлайди. Охири унинг қарзлари 600 юз минг сўмдан ҳам ошиб кетади. Аммо ишлари юришмай, ўзи “синади”. Ляхtinga пул берганлар ўз пулларини қайтаришни талаб қилганларида, шоир айтгандай, у “тилини гунг, қулоғини кар” қиласди. Ляхтин иши судда кўрилганми, пул берган кимсалар ўз пулларини қайтариб олганларми - бу хақда маълумотга эга эмасмиз.

Зорий мухаммасда Виктор сингари синиб, ўзгалар ҳақини “тум” қилган хасис ва фирибгар Ляхтиннинг ҳажвий тимсолини маҳорат билан тасвирлайди. Ляхтин фирибгарликда ўз ҳамтовори Виктордан ҳам ўзиб кетади.

“Записки”даги маълумотга қараганда Виктор Ахматов конторадаги камомадни 300 мингга етказади ҳамда маҳаллий бойлардан жуда кўп пулларни ўзлаштирган бўлса, Ляхтин ундан икки баробар кўп - 600 минг сўмни “ҳазм қилиб юборади”.

Р.Тожибоев Виктор воқеаси билан қизиқиб, “Суддан олдин чиқарилган хукм” мақоласида воқеа тафсилотларига кенгроқ тўхталади¹²⁷. Муаллиф воқеани синчиклаб ўрганиб, унга ўз муносабатини ҳам билдирган. Виктор Ахматовга пул бериб синган бойлар ҳақида шундай ёзади: “Бирор минг сўм берган, бошқа ўн минг сўм, яхшигина қўй 4-5 сўм бўлган ўша замонларда минг, икки минг сўм катта пул эди-да”. Мазкур хуласаларга кўра,

¹²⁶ Каримов F. Ўзбек адабиёти тарихи.-Т.: Ўқитувчи, 1975.-Б.120.

¹²⁷ Тожибоев Р. Суддан аввал чиқарилган хукм // Ватан.-1996. № 12.

Виктор Ахматов, шу жумладан, Ляхтиннинг ҳам қанчалик устамон ва фирибгар бўлганини ва сармоясининг қай даражада эканини фараз қилиш мумкин.

Мақоладан сўнг Р.Тожибоев “Записки”даги Остроумов нашр этган мухаммаснинг тўлиқ нусхасини тақдим эттан*.

Адабиётшунослар ўз асарларида тўғри таъкидлаганларидек, ижодкорлар фақат фирибгар Викторнигина эмас, унга алданган лақма бойлар, таъмагир савдогарларни ҳам ҳажв остига олдилар. Жумладан, Муқимий шундай мисраларни битган:

Ҳиссат ҳарис деганлар хушомадгўй нечаси,
Машваратни бобинда бордур эрур нечаси.
Молу мато ҳимматлик сенга берди ақчаси,
Сенга берган одамлар нодон экан Бектурбой¹²⁸.

Мухаммасда воқеага шоирнинг танқидий муносабати ҳам акс этган. Мусулмонларнинг хор бўлганидан, фирибгарлик, хиёнат, алдов авж олганидан шоир “юрак-бағрим қон бўлди” деб ёzáди. Қуйидаги бандда ҳам, Муқимий ўзининг ахлоқий қарашларини акс эттирган. Бунда шоир одамларни инсофли, диёнатли бўлишга тарғиб этади:

Бўлмас дуо ижобат бетақвою бетоат,
Кўрмас жаннат юзини ҳар кимда йўқ диёнат,
Мўмин қуллар қилмайдур омонатга хиёнат,
Арzon эмас беиллат, ҳиммат эмас беҳикмат,
Ноинсофу бетавфиқ олган экан Бектурбой.

А.Абдуғафуровнинг таъкидлашича, “Муқимийнинг “Ҳажви Бектурбой” асари маҳаллий амалдорларнинг очкўзлигини, таъмагирликларини, фойда орқасидан қувишиларини, ахмоқликлари ва гўлликларини фош қилувчи, даврнинг ахлоқ нормаларини танқид этувчи тарихий айбномадир”¹²⁹. Муқимий “Ҳажви Бектурбой”да Викторни Кўқондаги “машхур шайтон” деб атайди. Иккинчи мухаммасида эса Виктор атрофида парвона бўлган бойларнинг ахволларига кўпроқ эътибор қаратади. Бу лақма бой ва савдогарлар, масалан, Карим охун, Қосим даллоллар Викторни пир деб этагидан ушлаб, бор будини сотиб, пулини унга бериб қўйганлар. Ҳатто “емай, ичмайки берди икки қўллаб халқ дунёсин” деб ёzáди шоир. “Дар шикояти Лахтин” ғазалида Муқимий ушбу фикрларни ривожлантириб киноя, кесатик оҳангода фирибгар шахсни ҳам лақма бойларни ҳам танқид қиласди:

Емай, ичмайки берди икки қўллаб халқ дунёсин,
Иложи бўлса еб кет, бир тийин ҳам берма, жон Лахтин.

Темир сандук дебон хўб мўътамад билган кишиларга,
Кетар ҳаққинг агар берганда бир қопдин сомон, Лахтин¹³⁰.

Зорийнинг мухаммасида алданиб, пулидан айрилган кимсалар шундай кулгили тасвирланадики, улар ўта лақма бўлганлигидан Ляхtingа ўзларининг “ададсиз ақча”ларини хурсанд бўлиб берадилар, уларнинг қаторида пул дардида овора бўлган эскифурушлик билан шуғулланадиган шахслар ҳам бор. Ляхтин ҳатто ночор одамларнинг ҳам пулини олишдан ор қилмаган.

Боғу роғларини сотиб, пулини фирибгарга тутқазган кимсалар ҳоли танг бўлиб “энди нима қиласман” деб бош қаштайверганидан, шоирнинг образли ифодаси билан айтганда, “сөғтириноқ қолмайди”. Ташибиш тортаверганидан “ич-этини еди” иборасини шоир янада кучайтириб, “жисмида ёғ қолмагунча ич- этини еди” деб ифодалайди. Зорий ҳаётий қиёс ва халқона иборалар қўллаб, бадиий тасвир кучини янада оширган:

* Мухаммас илк бор адабиётшунос А.Абдуғафуров томонидан 1956 йилда “Шарқ юлдузи”нинг 8-сонида нашр қилинган эди.

¹²⁸ Муқимий. Асарлар.-Т., 1974.-Б.360.

¹²⁹ Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.145.

¹³⁰ Муқимий. Кўрсатилган асар.-Б.368.

Сенга пул бердилар сотиб тегирмон, боғлар қолмай,
 Аларни дастида бош қашлагудек соғ тирноғлар қолмай,
 Едилар ич-этин жисмида қитмол ёғлар қолмай,
 Кетиб шаҳбоз ҳайли, келди сендеқ зоғлар қолмай,
 Ўюнчи модаларга жуфт ўлуб ёввойи нар Лахтин¹³¹.

Айёрлик илмида Камакдан ҳам ўтадиган Ляхтинни шоир “Агар Бектур йўқолса, анга бўлгил ҳамсафар Лахтун” деб ёзади. Ляхтинни тасвирлашда қуидаги бандда ўткир киноя қўлланган:

Тан олма гарданингга, ақлинг ўлса, бир мирини ҳам,
 Иложи бўлса, боз ол, ақчасин қўйма, жирини ҳам,
 Отанг ҳам келса асло қилма рўйи хотирини ҳам,
 Қўлига бермагил танзил дебон учдин бирини ҳам,
 “Пашол” деб, тўғри келганларни кўксидин итар, Лахтин(67 а).

Ляхтин шу қадар ориятсиз, муғомбир шахски, ҳатто ўз отасини ҳам алдашга қодир, шахсий манфаат юзасидан ҳеч кимнинг пулини қайтариб бермайди. Муқимий фирибгар Ляхтинга пул бериб алданган кимсаларга қаратса “бер деб қистаманг, жон саломат бўлса пул топилади, аммо Ляхтин пул олганидан тониб фирибгарлик қилса керак” мазмунида мисралар битади. Зорий эса Ляхтинни муғомбирлик билан “кўру кар” бўлиб олишини кучли киноя билан тасвир этади:

Ўшал судхўрлар пул қисташиб, сенга дучор ўлса,
 Жавоб этгил аларга сандуқингда ақча бор ўлса,
 Олиб бермак кишининг пуллари сен халқقا ор ўлса,
 Нетарсан, бермасанг бошингга шафканг эмди тор ўлса,
 Тилингни гунг қилиб, гўшингни қилгил анга кар, Лахтин.(239)

Ляхтинга пул бериб, доғда қолган кимсаларнинг ҳолини Зорий санъаткорлик билан акс эттиради. Одатда ноилож аҳвол, батамом умидсизлик “жони бўғзида турибди” ибораси билан ифодаланади. Зорий ушбу халқ иборасини қуидагича қўллади:

Недин бечоралар тушти пули сендеқ фалокатга,
 Кетиб ақча қўлидин, етилар ўлмаклик холатга,
 Рамақда жони қолди, учради бўйла фалокатга,

*
.....

Сен ўл, Бектур ҳам ўлсун, тез кет суйи сақар Лахтин.

Шоир Ляхтинга қаратса киноя билан, сендан хомтамаъ бўлғанларга шафқат қилсанг бўларди, бундай ишларни қилмаганингда халқда ҳурмат кўрардинг, энди бўлар иш бўлди, бориб пулдорлардан муҳлат сўрагин, дея маслаҳат беради. Шу ўринда “болта тушгунча тўнка дам олар” халқ мақолини қўллаб, Виктор сингари сенинг ҳам жазо оладиган вақтинг келади, деган фикрни ифодалайди:

Авалдин хомтамалар аҳлини қилсанг эди иззат,
 Берурди яхшилар, сабр айласанг, ўн йилгача фурсат,
 Мунингдек қилмасанг, бу халқдин кўргай эдинг ҳурмат,
 Бўлар иш бўлди эмди, ол, бориб пулдордин муҳлат,
 “Дам олгай кунда то бошига келгунча табар”, Лахтин (676).

Зорий мухаммас сўнггида замон бойлари омонат, улар эрта ё индинга синади, деган ишонч билдириб, ҳаётда нималарни ғанимат билиш кераклиги ҳакида мулоҳаза юритади. Катта шов-шувларга сабаб бўлган Виктор воқеаси шоир Муҳий ижодида ҳам акс этган¹³². Унинг “Дар мазаммати Бектур” деб номланган мухаммаси каттагина ҳажмда - ўн тўқиз

¹³¹ Баёз. ЎзРФАШИ инв.№5666. 240 а в.

¹³² Муҳийнинг ушбу мухаммаси ЎзРФАШИ инв.№5736 да сакланади. Мухаммас илк бор А.Абдуғафуров томонидан “Муҳийнинг “суддан ҳам олдин чиқарган ҳукми” мақоласи билан бирга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1997 йил 5 сентябрь сонида эълон қилинган.

банддан иборат бўлиб, унда “содда ўзбек ҳалқини” алдаган Виктор бойнинг қилмишлари ҳажвий йўналишда баён қилинади. Шу билан бирга фойда кўриш умидида Викторга “муҳаббат айлаб, у гўё шоҳ бўлса, унга мулоғим бўлмоққа тайёр”, “зоҳирда бойсуврат, таҳқик аро гадойлар”нинг ночор аҳволлари ва мунофиқликлари танқид қилинади. Мол дунёга ҳирс қўйган, закотни унугтган, диний амал-шартларга бефарқ, охиратни ёд қилмаган кишиларнинг аянч қилмишлари кўрсатилади:

Хусрони молу дунё сабт ўлмаса азалда,
Нечун сафар ҳазарда ҳам баҳру бар жабалда.
Қай мазҳаб ичра жоиз бордур бу не милалда,
Эй соҳибони хусрон, ётиб турар маҳалда,
“Оллоҳ” демай, дединглар, беихтиёр “Бектур”.

Завқийнинг “Воқеаи Бектур” асарида фирибагрга адданган ўша шахсларнинг айримлари - Қосимжон, Мусажон, Карим охун, Мавлон номлари билан зикр қилинади. Бу таъмагир бой ва лақма савдогарлар Викторни “пир” деб билганларини шоир кулги остига олади:

Ҳама ағниёи замонлармиз,
Соҳиби дунёи калонлармиз.
Олтину кумушни шиор этганлар,
Ҳаён деб диёнат, аҳди кетганлар.

Ҳошимжон Раззоқов “Завқийнинг ҳаёти ва ижоди” номли тадқиқотида бу асарга алоҳида тўхталиб, қуйидагича ёзади: “Завқий бу шеърида метрополия капиталистларининг вакили сифатида Виктор бойни олиб, уни маҳаллий бойларнинг пири, устози, уларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, шу билан бирга булардан муғамбирроқ, фирибгарроқ деб кўрсатади”¹³³.

Зорий ва Муқимий, Муҳий ва Завқий шеърларида бойларнинг бир нечасининг номлари айтиб ўтилган бўлса, шоир Писандий мухаммасида 28 та ном қайд этилади¹³⁴.

Писандийнинг мухаммаси ҳажман катталиги (36 банд - 180 мисра) ва воқеаларни батафсилроқ ёритганлиги билан бу туркум шеърлар ичida ажralиб туради. Шоир “синган” бойларнинг қиёфаси, феъл-атвори, қилган ишлари, қусурлари ва иллатларини шундай тасвирлайдики, очқўзлик ва худбинлик, хасислик оқибати шундай бўлади-да, деган хулоса пайдо бўлади ўқувчида. Масалан, шоир тасвирида, макр-ҳийла қилган, лекин алданган Ниёз кўса, Бектурга ўзини бой кўрсатган, аммо аслида “тезак чой” ичиб, тумшуғи ёғ кўрмайдиган хасис Қосимбой, судхўрлик мақсадида пул йиққан ҳожи Собир, бойлика ружу қўйган Абдужаббор, /уломжонлар Бектурбойга мулоғим бўлишга тайёр таъмагирлардир. Худди Зорий мухаммасидаги сингари Карим охун, Божонбой, Қосимбой, Носир кабиларнинг тимсоллари ишонарли ва маҳорат билан тасвирланади. Мухаммас бошдан-оёқ ҳажв ва юмор билан суғорилган.

Бу туркум ижодкорлари тасвирлаган кўпчилик лақма ва хасис шахслар Абдуғафуров қайд этганидек, миллий адабиётдаги Гобсек, қори Ишкамба тимсолларини эслатади¹³⁵. Бу бойларнинг феъл-атворларининг умумий ўхшаш жиҳатлари хасислик, қайси йўл билан бўлсада, пул жамғариш, бойлик орттириш. Аммо, ҳар бир шахснинг бу йўлдаги уринишлари, ҳатти-ҳаракатлари ўзига хос. Писандий, масалан, 28 савдогарнинг ана шу ҳатти-ҳаракатини ва бунинг натижасини бирма-бир таърифлаб ҳар бир хасис тимсолини яратади. Шеър орқали алданган бойларнинг ҳолати манзарасини ўқувчи яққол тасаввур қиласи. Алданганини билиб қолган Назар кўр юролмай қолса, Мираборнинг “томоғидан сув ўтмай” қолади, “Мирҳожибой касал, деб эшаклари ҳангравади”, Абдураҳмоннинг кўз ёшлиридан “ерлар лой”. бўлади ва.ҳ.к. Шоир ҳар бир исм олдидан шундай лақаб ёки сифат қўйиб айтадики, бу

¹³³ Раззоқов Ҳ. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т.: 1953. -Б.73.

¹³⁴ Асрлар нидоси. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. -Б.158-160.

¹³⁵ Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.145.

номлар ўша шахс ҳақида ҳажвий баҳо - маълумот беради. Мисол учун, Ниёз кўса, беҳамият Собир, Карим кал, Божонбой гўрхўр, Назар кўр, Абдураҳмон лўли, ёлғончи Хожи Сиддик, нодон Хайдиддин кабилар.

Шоир асосан очкўз савдогарларни танқид қиласар экан, шу билан бирга фирибгар Викторнинг кирдикорлари, феъл-атворини фош этиб боради.

Маълумки, дўзах дейилганда энг кучли ўт, бекиёс даражадаги олов тушунилади. Шоир Викторнинг қилмишларини гўё дўзах хумдонига ҳарорат солди, деб тасвирлайди. Викторнинг алдовлари, фирибгарлигини шоир кучли киноя билан фирибгарлик “шарбат” и деб атайди:

Номига акс эрди ёлғончи хожи Сиддик,

Бектурни шарбатидин тотди бу беканоат.

Виктор, Ляхтин ҳақидаги асосан мухаммас жанрида ёзилган туркумдаги шеърларнинг барчасида фирибгарлик, ёлғон, судхўрлик каби иллатлар қораланади, товламачи, ҳам лақмалик қилиб, фирибнинг тузогига тушганлар танқид ва кулги остига олинади. Исломда судхўрлик қаттиқ қораланиши, омонатга хиёнат қилмаслик кераклиги Муқими, Мухъи, Зорий асарларида таъкидланади.

1902 йил 2 (16) декабрь (рамазон ойининг 14 куни сешанба) эрталаб соат 10⁰⁰ да Андижонда рўй берган зилзила даврнинг яна бир мухим ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири бўлди. Бу табиий офатга ўз муносабатларини билдириб, бир қанча ижодкорлар шеърлар ёзишди. Табиий офат давр шоирларини, жумладан, Зорийни ҳам лоқайд қолдирмади. Ўндан ортиқ ижодкорларнинг турли жанрдаги асарлари “ТВГ” саҳифаларида 1903 йил январидан май ойигача эълон қилиб борилди. Газетада бу ҳақда хабарлар, янгиликлар, мақолалар ҳам чоп этилган. Маълумотларга қараганда, зилзила жуда кучли бўлиб, шаҳар ичи ва атрофдаги бинолар бузилган. 5 мингдан ортиқ киши ўлган¹³⁶. Газетада босилган мақолаларда шаҳар ахолиси бошига тушган мусибат оқибатлари, ҳодисадан кўрилган зарар ва талофтлар хусусида сўз юритилади. Шу воқеага бағишилаб, шоирлардан Муқими, Мухъи, Ибрат, Камий, Зорий, Насими, Ҳазиний, Писандий, Ҳамза, Саидабдулмажид Шавқий, Фаёз, Ҳатмий, Дабирий, Шохий, Мирсолих Мирзоҳидбой ўғли, қози Раҳимхўжа эшон, Олим Нурийлар бу фалокатдан чукур зарар кўрган оддий халқ аҳволига ачиниб, ўзбек ва тожик тилларида мухаммас, ғазал, манзума, таърихлар яратдилар. Булардан Зорий, Ҳазиний, Писандий, Ҳамзаларнинг асарлари газета саҳифаларида учрамайди. Завқийнинг бу хусусда шеър ёзгани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Рўй берган табиий офатни тасвирлаган ижодкорлар ўз асарларида оғир аҳволда қолган элга қайғуриб, ғамларига хайриҳо бўлдилар.

Зорий меросидаги “Воқеаи Андижон” сарлавҳали ўн банддан иборат мухаммасида бу табиий офатдан қайғуриш, афсусланиш туйғулари жуда кучли ва таъсирчан акс этган. Шоир зилзила тафсилотини келтиришдан аввал, Андижоннинг айни замонгача бўлган кўркам ва ободлигини тасвирлайди:

Бўлдиму озод ғамидин, ё раб, олон Андижон,
Мамлакатлар ичра эрди, чунки, заркон Андижон,
Мундоғ обод ўлмагандур хеч даврон Андижон,
Ногоҳон қилди худо якбора фармон Андижон,
Амри ҳақдин ул замон ер ўлди ларzon Андижон (17a).

Шундай обод шаҳарда нима сабабдан зилзила бўлиб, ҳамма ёқ тупроққа айланишини шоир куйиниб қайд этиб, сабаби Ҳақдан ўзгага маълум эмас, деб ёзади. Аммо, авваллари ҳалол, покдомон, хушахлоқли кишилар истиқомат қилганлиги, намозхон, эътиқодли шайхлар, порсолар, муттақий соҳибдуолар тоат билан меҳнатда кун кечирганлари, эндиликда эса ахлоқ-тарбия на эътиқод бузилганлигидан, ҳаром ишлар авж олганидан шаҳар вайрон бўлгани тасвирланади. “Қайси ёмон феълимиз бу балони келтирди?” - деб савол қўяди шоир:

Бор эдилар ул диёра неча кутби авлиё,

¹³⁶ Мўминов И. Танланган асарлар. З жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.-Б.233.

Шайхи сажжоданишинлар покдомону порсо,
Гўшаларда ўлтуарди муттаций соҳибдуо,
Қайси бадафъолимиздин келди бош узра бало,
Ташлади ғабро ўшал дам бўлди найрон Андижон (18а).

Зорий зилзила пайтидаги одамларнинг боши ёрилиб, қўли синиб, жон сақлаш умидида турли ёқларга қочганларини жуда жонли ва таъсирчан тасвирлайди.

Шоир айни вактдаги табиатни ҳам тасвирлаб, “ой куйиб, офтоб тутилгани”, ёмғиру қор неча кунлаб тинимсиз ёғиб, “халқ зеру туроб” бўлганини надомат билан айтиб ўтади. Мухаммас сўнггида шоир бу жазони худо юборгани ва мушкулни ҳам ўзи осон қиласагига умид билдиради. Вайрон бўлган шаҳарнинг обод бўлишини тилаб, яратувчидан Фарғонани омон сақлашни илтижо билан ўтинади.

Замонанинг йирик шоирларидан Муқимиининг “Тарихи зилзилаи Андижон аз мавлоно Муқимиий Ҳўқандий” асари ҳамда бошқа шоирларнинг шу мавзудаги асарлари ҳакида И.Мўминов /.Каримов, А.Абдуғафуров, Л.Қаюмов, А.Жалолов, Ҳ. Ўзганбоевлар Р.Тожибоевлар эътиборга молик фикрларни билдирганлар¹³⁷.

Академик И.Мўминов “ТВГ” саҳифаларида босилган Олим, қози Раҳимхўжа эшон, Камийларнинг шеърлари мазмунига тўхталади. Муқимиининг шу манзудаги асаридан парчалар келтириб, “юксак поэзия намунаси бўлиб, ўз моҳияти билан XX аср бошларидағи ўзбек адабиёти ва ижтимоий тафаккурига янги, демократик ғоялар олиб киради”, деб ёзади. /.Каримов бу асарни Муқимиий асарлари тўпламида нашр этди. А.Абдуғафуровнинг илмий асарида Муқимиининг манзумаси шарҳланниб, зилзиладан зарар кўрган шаҳар аҳолисига руслар томонидан ёрдам берилгани ҳакида сўз юритилади:

Шоҳдин агар етмаса имдод чун,
Эрди раиятга ниҳоят зиён.
Шафқат айла борди ярим подшоҳ,
Хозир ўшал зилзила бўлгон замон.

Муқимиий зилзила рўй берган жойларни бориб кўрган ва унинг сабабларини “пахтага ҳирс қўйган” бойларнинг “юртга касофатлари теккан”идан деб билган. Адабиётшунослар тўғри таъкидлаганлари дек, шоир воқеаларни реалистик тасвирлайди. Шоирнинг оғатни тангри юборгани учун бунга таъна қилиш хатодир, деган фикрлари Зорий мисралари мазмунига ҳамоҳанг:

Ногоҳ итоб айласа, берур дигар,
Ҳожат эмас, лашкару тири камон.
Таъна хато, ушбу мусибатларин,
Рўзи азал котиби ёзган экан.

Шеърнинг сўнгги байтида зилзила вақти таърих орқали берилган:
Жон бошина зилзила қасд айлагач,
Тарихин ақл айди: “дариғ Андижон”.

“Дариғ Андижон” таърих моддаси бўлиб, муаллиф ишорасига кўра “жон боши” - “жим” исқот қилинса, сўзларнинг рақамлар йиғиндиси 1320 ҳижрий, 1902 милодий йил ҳосил бўлади..

Таърих қўлланиши Ибрат, Нурий асарларида ҳам учрайди. Муҳйининг “Ҳўқандлик шоири номдор, соҳиби иқтидор мавлоно ҳожи Муҳий афандининг Андижон шаҳри

¹³⁷ Мўминов И. Танланган асарлар. З жилдлик. Ж. 1. - Т.: Фан, 1969.-Б.233; Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира.-Т.: Фан, 1961.-Б.40; Қаюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.-Б.164; Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараккиётида вактли матбуотнинг ўрни.-Т.: Фан,1986.-Б.32-33; Тожибоев Р. Андижон зилзиласи Кўқон шоирлари назмида // Адабий мерос.- 1998. № 3-4.- Б. 68-73.

хусусида дилсўзона абётлари” сарлавҳали ўн тўқиз банддан иборат мухаммаси босилган¹³⁸. Мухаммасда зилзилагача обод бўлган шаҳар “фазоси жаннат”, “хавоси маҳмур”, “саёҳатчилар унга мубтало”, “Туронзамин ичинда ободликда машхур” дея тавсиф этилади. Хусусан, халқининг соҳибхунар, тижоратчи, ишбилиармон ҳамда “шарорат билмайдиган мусулмон” деб ёзади. Муҳий ҳам бошқа шоирлар сингари “бу бало қиёматдан нишон, уни Ҳақ юборди, бу бизга берилган танбех” деган фикрлар билдиради. “Баъзи бир одамлар туфайли шу оғат рўй берди”, - деювчи шахсларга қаратা битилган:

Килманг аларга тухмат нисбат бериб шарорат,
Бехуда айламангиз ўлганлара ҳақорат,
Эй, ғафлат ахли, юрманг бир лаҳза бетаҳорат,
Шайтон магар қилибдур сиздин ҳаёни форат,
Бехуда таън этарсиз асрор Андижона.

мисралари Зорийнинг қўйидаги фикрларига монанддир:

Таънага тил очманглар, барчада ваҳима бор,
Ухламай шому сахарлар тавба дермиз неча бор,
Хавфимиз будирки, ҳоло фисқ ўлубдур ошкор,
Раҳм этиб кечгайму шояд журмимиз парвардигор, .
Айлагай эрди ўзи мушкулни осон, Андижон.

Муҳий худди кўпчилик ижодкорлар каби бу фалокат ўзгаларга ибрат бўлсин, одамлар, кўзни очинглар, ғафлатда юрманглар, тавбаю дуо қилиб, тоат-ибодатда бўлинглар каби насиҳатларни баён этади.

“Хўжандлик Мир Солиҳ Мирзоҳидбой ўғлидин” сарлавҳали 34 байтдан иборат манзумаси худога мурожаат билан бошланган, сўнгра худонинг инсонни ерга туширгани, Лут пайғамбар воқеалари тилга олинади. Муаллиф зилзила сабабларини “шариат оғатга дучор” бўлганидан бу фалокат рўй берди, Ҳақ амрини тутмаганларга парвардигор ғазаб қилди, деб кўрсатади¹³⁹. Бу тасвиirlар Зорий мухаммасида бўлганидек реал акс этган. Зорий мухаммасида “пиру жавон” дод деб, бешикларда гўдаклар йиғлаб, “қиз она, ўғли отанинг фурқатида дарднок” бўлиб, кўп мусулмонлар том остида қолганлиги тасвиirlанса, қўйидаги Мирсолиҳ Мирзоҳидбой ўғлининг манзумасида зилзила натижасида иморатлар қулаб, жону ҳайвонот тупроқ остида қолгани қўйидагича тасвиirlанади:

Андижондин ўзга ерлар мунчалик тебранмади,
Ер ёрилди тебраниб, гўё қиёмат ошкор.

Боқмади ўғул отога, қиз онодин бехабар,
Бир-бирин кўрмай алар йиғлар эдилар зор-зор,

Бу балодин қолмишини ранг рўйи заъфарон,
Қабрдин чиққан кишидек бош-оёқ гарди ғубор.

Тошкентлик маърифатпарвар шоир Каримбек Камий ҳам ҳажман йирик, 56 мисрали мусаддас битиб, Андижон аҳлининг бошига тушган бу кулфатни зўр қайғу билан тасвиirlайди. Бу шеър “Андижоннинг воқеоти ҳайратафзои мотами хусусида тошкандлик шоир Каримбек Камийнинг мусаддас услубида айтгон шеъри” сарлавҳаси билан нашр этилган¹⁴⁰. Камий ҳам Зорий ва бошқа шоир лар сингари Андижоннинг аввалги обод ва маъмурлигини ҳамда айни вақтда эса ер қимирлаб, худди қиёматдаи нишон бераётгандек ёки интиқом олаётгандек, деб фикр билдиради. Бу оғатни муаллиф “ҳайратафзои мотам” деб атайди:

¹³⁸ “ТВГ”. 1903. №3.

¹³⁹ “ТВГ”. 1903. №3.

¹⁴⁰ “ТВГ”. 1903. № 4.

Андижон аҳлини мундоғ ҳайратафзо мотами,
Бошига тушган балою меҳнату ранжу ғами.
Доғи ҳасрат қўйди кўнглига жамиъи одами,
Жуз ризою сабрдин йўқ ўзга чора, эй Камий,
Ал-амон, бу зилзила оғатидин, минг ал-омон,
Сақла ўз лутфинг била, эй ҳолиқи кавну макон

Бу мавзуда яратилган шеърлар сирасида бошқа шеърий турлардан ҳам намуналар маълум. Масалан, шоир ва матбаачи Исҳоқхон Ибратнинг ўн уч банддан иборат таърих мусаддасида зилзила тафсилотларини реал тасвирлаган:

Бўлди яна халқни уйқусида,
Яъни ўшал кечани бир пўсида.
Баъзи сарир баъзиси болусида,
Баъзи эди базмни кўчасида.
Кетти бино боши таҳпо ўлуб,
Тарих анга “зилзила ғабро ўлуб”¹⁴¹.

Ибрат подшо имдод учун шаҳарни обод қилишга иёнат берганини ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтади. Мусаддасдаги “зилзила ғабро ўлуб” жумласи таърих моддаси бўлиб ундан 1320 хижрий (мел.1902) йил келиб чиқади.

Шоир Абдуллоҳон Насимийнинг 29 байтдан иборат бутун шеър руҳи ва дардли мундарижасини яққол ифодаловчи бечора андижонлик” радифли манзумаси зилзила туркумидаги шеърлар ичида яққол ажралиб туради. Мазкур манзума ўз даврида машхур бўлган¹⁴². Унда одамларнинг очу яланғоч, бир парча нонга муҳтоҷ қолиб қийналгани, отоналарнинг болаларини излаб тополмаёт ганликлари акс эттирилади. Шоир ночор ахволда қолган кишиларга тез вақтда ёрдам бериш зарурлигини таъкидлайди. Ички қофиялар билан битилган, тил ва руҳ жиҳатидан ниҳоятда содда ва самимий бўлган байтлар эсда қоларли ва таъсирчан:

Ул хасталарга ёрон лозим эмасму эҳсон,
Бу хилда бўлса сарсон бечора андижонлик.
Том остига босилган, ғам дорига осилган,
Кўрмай жаҳонни ўлгон бечора андижонлик.

Бошқа бир қатор намуналарда бўлганидек, Насимий ҳам зилзиладан зарап кўрган шаҳар аҳолисига берилган ёрдам ҳақида маҳсус тўхталишни лозим топади:

Еткурди нонни ортуф, ғайрат қилиб пристуф,
Берди аларга бир туф бечора андижонлик.

Қўрбоши бўлмасун кам, ҳар дам учун дийда нам,
Шафқат этибди у ҳам бечора андижонлик.

Насимий шоир Муҳий сингари халойиққа қаратा “ким бунга сабаб бўлди, дея таъна қилманг “шулдур ризои холик” каби фикрлар билдиради.

Муҳий ва Насимийларнинг бу мавзудаги асарлари ҳақида адабиётшунос Р.Тожибоев қуйидаги фикрларни билдиради: “Муҳийнинг “Андижона” радифли мухаммаси, Насимийнинг “Бечора андижонлик” радифли ғазали ҳамда Муқимийнинг “Тарихи зилзилаи Андижон” шеъри муаллифларнинг мазкур даҳшатли ҳодисадан олган таассуротлари ва азоб уқубатда қолган ҳамюртларига нисбатан хайриҳоҳликларини акс эттирган”¹⁴³. Адабиётшунос Муқимий асаригина нашр қилинган бўлиб, бошқа шоирларнинг шу мавзудаги асарлари газета саҳифаларида қолиб кетаётганини таъкидлаб, Муҳий ва Насимийларнинг асарларини илк

¹⁴¹ “ТВГ”. 1903. № 9.

¹⁴² “ТВГ”. 1903. № 8.

¹⁴³ Тожибоев Р. Андижон зилзиласи Қўқон шоирлари назмида // Адабий мерос.- 1998. № 3-4.- Б. 68.

2 “ТВГ”. 1903. № 2.

марта чоп эттирган.

Шоир Нурийнинг 15 банддан иборат мухаммас зилзила оқибатида уйсиз қолган одамларнинг дод фарёди, қий-чуви эштилгани, шаҳар вайрон бўлгани ҳақида тасвиirlар бор. Бу оғатга Ҳақнинг иродаси сифатида қараб, сабр қилишдан ўзга илож йўқ, дейди у¹⁴⁴.

Мухаммаснинг сўнгги бандида қўйидагича таърих келтирилади:

Сўрсалар таърихини Нурий, не бергайсан жавоб,
Рўзани ўн олтиси эрди, дедилар, шайху шоб,
Кун тулуйи явми сешанба эрур, эй мушкноб,
Бўлди ғарқоб Андижон валлоҳи аълам биссавоб,
Андижон бошини сўрсанг ҳам ёмон бўлди дариг*.

Андижон зилзиласига халқнинг турли тоифасига мансуб кишилар ҳам муносабат билдирганлар. “Самарқанд шахридаги русски-китайски бонканинг тилмочи Абдуллоҳ Исматуллоҳ ўғли хўжандлик Фаёз тахаллусликнинг ёзган шеъри” сарлавҳаси остида ўн бир банддан иборат мусамманида муаллифнинг андижонликлар ҳолига чин дилдан қайғураётгани (“Андижонлик ҳолига йиғлар самодин то самак”, “Дийдаи инсоф илан боқсанг алар афъолига” каби мисраларда) акс этади. Муаллиф андижонликларнинг кулфати бизга ҳам мотамдир, деган фикрни айтиб ҳамдардлик билдиради:

Андижонлик ҳолига қон йиғласанг ҳам кам эрур
Ким, аларнинг ҳоли зори бизга ҳам мотам эрур.
Хар бирини бошида юз кўҳи Қофи ғам эрур,
Ул дили мажруҳларга хайрингиз маҳрам эрур,
Дам ғанимат, деб эшитгон бўлсангиз, шул дам эрур,
Қисса кутах, ким қўшулса, хайрга одам эрур,
Қилмасун маҳфи ниҳон аҳлини ҳар пир ёшига,

Ким, киёмат бўлди қоим андижонлик бошига¹⁴⁵. Тошкентлик қози Раҳимхўжа эшоннинг 14 банддан иборат мухаммасида зилзила жуда каттиқ бўлиб, ер неча кунлаб қимирилагани, одамларнинг том остида қолиб ун каби эзилгани тасвиirlанади. Муаллиф император Николай подшонинг Андижон шаҳрига шафқат айлаб, 50.000 минг ионат тайин этганини ҳам айтиб ўтади¹⁴⁶.

Қози Раҳимхўжа ҳам зилзила сабабларини элда инсоф, диёнат камайганидан бу оғатни Ҳақ таоло юборди каби фикр билдиради. Баъзи ижодкорлар бу мавзуда бир эмас, бир нечалаб асарлар ёздилар.

Шоир Ҳазиний ижодида Андижон зилзиласи мавзусида икки мусаддас бўлиб “Гуноҳимни худоё...” деб бошланадиган мусаддас етти банддан иборат. Ҳар банд охирида

Ўзинг раҳм айлагил, Фарғонани зери туроб этма,
Бу дор ул мулкни Тошканд, Андижон янглиғ хароб этма¹⁴⁷,

байти такрорланади.

Иккинчи мусаддасда ҳам муаллиф худога мурожаат қилиб, Фарғонани омон сақлашини сўрайди. Мусаддас олти банддан иборат. Шоир мусаддасда худонинг қаҳри билан зилзила рўй бергани ва одамлар бу оғатни охир замондан дарак деб билғанлари ҳақида ёzádi. Зорий ҳамда бошқа шоирлар сингари Ҳазиний ҳам эртаю кеч дуо қилиб, Ҳақдан паноҳ

* Ушбу таърих ҳижрий 1320 (мел. 1902)йил бўлиб, Нурий мухаммас сўнггида “1320нчи моҳ шариф рамазон” деб изоҳ келтирган. “Ўқиш китоби” (Эски ўзбек ёзуви намуналари.-Т., 1994.-Б.38.)да эса “ғарқоб” сўзи таърих дейилиб, 1303 ҳижрий йил (мел. 1885) Андижонда зилзила бўлган” тарзда хато берилган. Аслида эса “Андижон” ва “дариг” сўзлари таърих моддаси бўлиб, биринчи сўздаги “алиф” исқот қилинса, 1320 ҳ.й. ҳосил бўлади.

¹⁴⁵ “ТВГ”. 1903. № 5.

¹⁴⁶ “ТВГ”. 1903. № 6.

¹⁴⁷ Ҳазиний. Девон.-Т., 1999.-Б.147.

сўрашни, тавба қилишни тарғиб қилади:

Эртаю кеч, шому сабо айланг, биродарлар, дуо,
Бошимизға гойибидин Ҳақ юбормасдин бало,
Тавба айлаб, эй биродарлар, тиланг Ҳақдин панох,
Кеча-кундуз ухламай йиғлар Ҳазиний дер: “Худо”.
Соҳлагил Фарғонани бул илтижонинг ҳурмати,
Андижон янглиғ хароб этма дуонинг ҳурмати. (151 б.)

Шоир Писандийнинг шу мавзудаги “Таърихи зилзилаи шахри Андижон” шеъри Кўқон Адабиёт музейи жамғармасидан топилди¹⁴⁸. Бу шеър маснавий шаклида ёзилган бўлиб ўн ети байтдан иборат. Зорий сингари Писандий ҳам зилзила тафсилотларини бирма бир тасвирлайди. Писандий маснавийсида ҳукм-хулоса кескинроқ бўлиб, “шарорат, зино, қимор қарор топгани учун худо шундай фалокатни юборди”, “ким шариатни поймол қилса охири шундай заволга учрайди” каби фикрлар ҳукмрон. Зорий мухаммасининг сўнггида худодан омонлик сўраган бўлса, Писандий шаҳар вайрон бўлиб ер остида турли касофатлар қолгани, бу вайронагарчиликдан шоир афсус чекаётганини таъсирили мисраларда баён қиласи. Шоир зилзила талофтларини тасвирлаб, бу оғат ҳалқда инсофу диёнат, ҳаёу ҳиммат йўқолганидан рўй берди, деган хулоса чиқаради. Писандий шеърида ҳам зилзиланинг рўй берган йили таърих орқали берилган.

Ҳамзанинг Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган шеъри унинг илк асарларидан ҳисобланади. 13-14 ёшларда бўлган ёш шоирнинг Зорий, Муқими, Муҳий, Насимийлар сингари зилзила сабабларини замонада ёмонлик кўпайиб, ноҷорлар оғир ахволда қолганидан деб кўрсатиши эътибор тортади:

Ёмонлар пул туфайли эътибор олди диёр ичра,
Фақир, бечоралар қолди фифону оҳу зор ичра¹⁴⁹.

Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган барча асарлар шуни кўрсатадики, муаллифларнинг ҳаммаси бу оғатдан қаттиқ қайғурганлар ва ўзларининг ачиниш, надомат, афсусларини турли тарзда ифодалаганлар. Бу туркумга бирлашадиган шеърларнинг умумий хусусиятлари қуидагича: Аксарият шеърларда зилзиланинг а) тасвири; б) сабаблари; в) оқибатлари баён этилади. Кўпчилик шеърларда зилзиланинг сабаблари замондаги ахлоқ меъёрлари бузилгани, шариатнинг поймол бўлганлиги деб кўрсатилади. Аммо оддий ҳалқи - ноҷор ахволда турган одамларнинг ҳаммасини шу айб билан қоралаш нотўғрилиги таъкидлаб ўтилади. “Лекин бу туркум шеърлардаларда Андижон зилзиласига қандай сабаблар кўрсатилганидан қатъий назар, уларда оддий меҳнаткаш ҳалқ бошига тушган бу кулфатга ачиниш, ҳамдардлик билдириш хисси аниқ сезилиб туради. Шунинг учун ҳам бу туркум шеърларни бемалол ҳалқчиллик нуқтаи назаридан туриб яратилган асарлар сифатида баҳолаш керак”, дейилади адабиётлардан бирида¹⁵⁰. Муқими, қози Раҳимхўжа эшон, Ибрат, Абдуллоҳон Насимийлар асарларида расмий ҳукumatдан берилган ёрдам ҳақида сўз юритилади.

Зорий мухаммаси бу туркумда кўринарли ўрин тутгади. Хусусан ундаги етакчи ғоя - туркум учун хос бўлган, Муқими, Муҳий каби йирик ижодкорлар олга сурган ғоя билан тўла ҳамоҳанг. Бу туркум ҳам биз юқорида сўз юритган туркумлар каби давр ижодкорларининг, жумладан, Зорийнинг давр ижтимоий муаммоларига, ҳалқ ҳаёти ва дарду ҳасратларига бениҳоя яқинлашганини, кўпчилик бошига тушган оғатни ўз кулфати, ўз оғриги сифатида қабул қилганлигини, ҳалқ билан ҳамдард бўлганлигини кўрсатади.

¹⁴⁸ Писандий баёзи. ҚАМ. инв. №169. 8 б, 9 а в.

¹⁴⁹ Ўзбек адабиёти тарихи Ж.5. - Т.: Фан, 1980.-Б.387; Қаюмов Л. Сайланма. 2 жилдлик. Ж.1. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.-Б.86; Шу муаллиф: Ҳамза. Эссе.-Т., 1989.-Б.12.

¹⁵⁰ Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вактли матбуотнинг ўрни.-Т.: Фан, 1986.-Б.33.

Шеърий туркумлардан яна бири “Найлайн” радифли мусаддас шаклидаги асарлар бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, бундай шеър намуналари халқда кўшиқ сифатида ижро этилган. Бу туркумни ташкил этувчи асарлар ўз мундарижаси, руҳи ва йўналишига кўра юқоридаги барча туркумлардан фарқ қиласи. Зорий ва Нодимнинг бир вазн, бир услуб, бир радифда ёзилган мусаддаслари маълум. Зорий мусаддаси етти банддан иборат. Нодимнинг мусаддаси эса нисбатан катта - ўн икки бандни ташкил қиласи. Бир вазн, бир қофия ва радифда, бир оҳангда яратилган иккала мусаддаснинг ўхшаш жиҳатлари яна шундаки, ҳар икки муаллиф қўллаган бадиий санъатлар, тимсоллар бири иккинчисини тўлдиради. Чиндан ҳам, Зорий мусаддасининг мана бу бошланма банди:

Даҳр ичинда шўх гулруҳсор, сенсиз найлайн,
Илтифотинг бўлмаса, изҳор, сенсиз найлайн,
Ҳажр ила доим таним афгор, сенсиз найлайн,
Кўрмасам ҳолим бўлур душвор, сенсиз найлайн,
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн (48 б).

Нодим олтилигининг биринчи банди билан ҳар жиҳатдан тўла оҳангдош эканлиги исбот талаб қилмайди:

Эй аниси хотири афгор, сенсиз найлайн,
Водийи ҳасратда қолдим зор, сенсиз найлайн.
Эй саропо, нози гулруҳсор, сенсиз найлайн,
В-эй дуогўйипарвар ғамхор, сенсиз найлайн,
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Зорий мусаддасида ёрнинг ташқи қиёфаси, гўзаллиги, жамоли, фазилатлари кўп бор қаламга олинади. Лирик қаҳрамон – ошиқ ёрга илтижо билан мурожаат қиласи. Шунинг баробарида ўз аҳволидан ҳам сўйлади. Нодим мусаддасида эса ошиқ ҳолатига кўп ўрин ажратилган. Ёрнинг бағритошлиги, бемехрлиги, ҳол сўрмайди ган жафожўлиги тасвиранади. Зорий:

Қай чаманларни гулидурсан, аё сохибжамол,
Ухламай шому саҳар васлингни айларман хаёл,
Найладинг, ҳолимни душвор этдинг, эн мушкин ғазол,
Остонингга бориб, бошим қилайму поймол,
Ёр сенсиз найлайн дилдор, сенсиз найлайн,
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Нодим:

Марҳамат билмассан, эйки меҳрибон, сен бағритош,
Дарду ҳижронинг била кўздин тўкармен қонлу ёш,
Нола -ҳамдам, дард маҳрамдур, жигар қоним - маош,
Бошима бир соя сол, эй сарви руҳсори қуёш,
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,
Етгали васлингга мен иочор, сенсиз найлайн.

Зорий ва Нодимнинг бир жанр, бир услуб, бир қофия ва радиф, бир йўналиш, бир вазнда ёзган мусаддаслари ижодий ҳамкорликдан дарак беради. Шу даврда ижод қилган бошқа шоирларда ҳам шу тарздаги шеърларнинг яна учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Туркум шеърларнинг ёзилиши давр адабий муҳитидаги ўнлаб ижодкорларнинг ижодий ҳамкор ва ҳамфир бўлганидан далолатdir.

Зорий шеърлари ва давр ижодкорлари яратган туркум асарлар хусусида қуйидаги хулосаларни умумлаштириш мумкин:

- Зорий ижодининг мавзу доираси кенглиги, ижтимоий-сиёсий лирикасининг давр учун муҳим бўлганлиги, асарларининг поэтик хусусиятлари жиҳатидан миллий адабиётимиз тарихи саҳифаларида сезиларли ўрин тутади.

- Зорий мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирди ва ўзига хос шеърияти билан XIX аср II ярми ва XX аср бошларидағи ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшди.

- Шоир асарларининг марказида аввало, инсон ҳамда ўз замонасининг ахлоқий, ижтимоий-сиёсий масалалари туради. Жамиятдаги воқеа-ходисаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдирган шоир ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим мавзуларда асарлар яратди. Бу асарларидан бири Худоёрхон тақдири мавзусини қаламга олган шоир шундай туркум шеърларнинг майдонга келишига асос солди.

- Давр адабий ҳаётида анъана бўлган мавзуларда ёзилган асарлар жанри, услуби, руҳи, йўналиши жиҳатидан бир-бирига яқинлиги боис бир неча туркумларга бирлашади.

- Зорийнинг ушбу туркумларга мансуб асарлари бадиий ифодаси, услуби, гояси, мазмуни билан шу туркумларнинг муҳим ҳалқасини ташкил қиласди.

- Зорий асарлари ҳалқа манзурлиги боис унинг асарлари куйга солинди, катта давраларда ижро этилди, замондошлари ва дўстлари томонидан бир қанча баёзларга кўчирилди. Муҳсинийнинг Зорий ғазалига боғлаган мухаммаси унинг меросининг кенг тарқалгани ва шуҳрат тутганидан дарак беради.

Х У Л О С А

XIX аср иккинчи ярмида чор Россияси қурол кучи билан Туркистон ўлкасида ўз ҳукмронлигини ўрнатган эди. Истибоддога қарши чиқсан маърифатпарвар ўзбек шоирлари жамиятдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни, ҳалқнинг оғир аҳволини, турли ўзгаришларни, ҳаётда юз бераётган салбий ҳодисаларни танқидий руҳда ҳаққоний тасвирладилар. Маърифатпарварлик адабиёти вакиллари зулм-зўравонликни, жаҳолатни, адолатсизликни, мустамлака сиёsatини қаттиқ қораладилар, озод шахс эркини, ҳалқнинг сиёсий озодлигини ўз асарларида куйладилар, баҳтли жамиятни орзу қилдилар. Айниқса, маданий марказлардан бири Кўқон шаҳридаги адабий ҳаёт вакилларининг ижодий-ижтимоий фаолияти ўз мундарижаси ва қўлами билан жиддий эътиборга лойиқ.

Кўқонда адабий ҳаракатчилик мавжуд бўлиб, бу ерга Фарғона водийсидан ва унинг атрофларидан ҳам шоирлар, шеърият муҳлислари йиғилар эдилар. Муқимий, Муҳий, Фурқат, Завқий каби илғор шоирлар қаторида, Зорий, Ёрий, Қорий, Нисбатий, Муҳайир, Найирий, Рожий, Писандий, /арибий сингари ижодкорлар давр адабиётига ўз ижодлари билан муҳим ҳисса қўшдилар. Улар анъанавий ишқий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий ва диний-ахлоқий мазмундаги асарлар яратдилар. Улар ўз асарларида мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга ҳаётдаги ижтимоий-маънавий масалаларни ҳам қаламга олдилар. Шу адабий муҳитда ижодий камол топган Усмонхўжа Искандархўжа ўғли Зорий истеъоддли лирик ва ҳажвчи шоир сифатида ранг-баранг жанрларда асарлар яратиб, ўзига хос адабий мерос қолдирди. Шоир Зорий Туркистон ўлкасида рўй бераётган зиддиятли ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз кўзи билан кўрди. Асарларида мустабид тузум сиёsatининг жаҳолати, зулми, адолатсизлигини холис баҳолаб, бадиий тасвирлади. Унинг асарлари бир жиҳатдан шоир ҳаётини ўрганишда ишончли манба бўлса, унинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги асарлари, айни замонда давр ҳаётини ўрганишда ҳам ишончли ҳужжат даражасида аҳамиятлидир.

Усмонхўжа Зорий гўзал лирик асарлар ёзид, мумтоз адабиёт анъаналарини ўзига хос давом эттирди. У баркамол инсонни, маънавий фазилатларни, борлиқ гўзалликларини, шахс эркини куйлади. Лирик шеърларида шоирнинг қаҳрамони ёрнинг жабру жафоларига сабру қаноат қилувчи садоқатли чин ошиқ тимсолида намоён бўлади. Зорий маъшуқа тимсолини яратишда ва тавсифлашда бадиий маҳорат билан ўзига хос образли ифодалар, бадиий кайфиятлар яратди. Висол шодликлари, хижрон азоблари тасвирланган шеърларда шоирнинг инсонга муҳаббати ва ҳаётга бўлган умидли нигоҳи кузатилади. Унинг шеъриятига бадиий маҳорат, ҳалқона нутқ ва самимийлик хосдир.

Шоирнинг ошиқона шеърларида Ҳақ ишқи ҳам куйланади. Бундай ўринларда

шоирнинг олам ва одам, ҳаёт мазмуни ва моҳияти ҳақидаги фалсафий қарашларини ҳам англаш мумкин. Инсон шаклланиб борар экан, у Комиллик погоналарига покиза ахлоқ ва ҳақиқий ишқ орқали кўтарилади. Шоирнинг ахлоқий-таълимий асарларида одамларни ўзлигини таинишга, хушёрикка, огоҳликка даъват бор. Зорий ўзи яшаган даврдаги ижтимоий муаммоларни қаламга олиб, замонада издан чиқсан ахлоқ меъёрларини таъкидлаб кўрсатади. Бундан кўринадики, шоир жамиятдаги муаммо ва масалаларга ўз муносабатини билдирган. Хусусан унинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги асарларига хос хусусият танқиднинг устуворлигидир. Шоирнинг ҳажвий асарларида ҳам шу хусусият етакчидир. Чоризм олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг ҳалқ бошига оғир кулфатлар келтирганига ишора этувчи мисраларнинг мавжудлиги Зорий дунёқарашининг ҳалқчил моҳиятини равшан кўрсатади. Чор мустамлакачиларининг ўлкада олиб борган зўравонлик сиёсатларини, меҳнаткаш эл бошига келтирган кулфату мусибатни, зулму жафони бадиий ифодалашда Зорий, айтиш мумкинки, ўз замондош ижодкорлардан ортда қолмадигина эмас, балки, олдга ҳам ўтиб кетди. Жумладан, қуйидаги байтда шоир чор амалдорлари “элга сон-саноқсиз жабру ситам солдилар; уларнинг қилмишлари ҳалқ бошига тегирмон тоши бўлди-ку!” дея наъра тортади:

Солмиш ўрус жабру ситам эмди беадад,
Бошга бу кор санги тегирмон бўлди-ку!

Диний-тасаввуфий, ахлоқий-таълимий асарлар яратища Зорий шеъриятининг мавзулари кенг бўлиб, қуйидагича тасниф қилинди: ишқий, ижтимоий-сиёсий, ҳажвий, диний-тасаввуфий, диний-ахлоқий.

Шоир ҳажвий асарлар битища Муқимий, Фурқат, Завқийлар қаторидан ўрин олган бўлса, диний-тасаввуфий, диний-ахлоқий мавзуларда яратган асарлари билан Яссавий, Ҳувайдо, Машраб, Ҳазинийлар йўлидан борди. Ҳажвий шеърлари учун ижтимоий тузум иллатлари ҳамда ҳаётдаги реал баъзи бир шахсларни танқид қилиш характерли хусусият ҳисобланади. Ҳасби ҳол ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърларида эса даврдаги мавжуд муаммолар, зиддиятлар акс эттирилади, зулм-зўравонлик, истибдод, замона иллатлари қораланади.

Мумтоз адабиётда кўзга ташланган бир мавзу, бир йўналиш, бир оҳангдаги асарлар битиша давр адабиётида устувор анъаналарга айланди; ижтимоий-сиёсий ва ҳаётий-тариҳий мавзуда бир неча шеърий туркум яратилди. Бу ижобий ходисада Зорийнинг кўринарли роль ўйнаганлиги, алоҳида хизмати борлигини унинг бой мероси далиллайди. Улар асосан ижтимоий-сиёсий мавзуда бўлиб, бу туркумлар бир неча ўнлаб ижодкорлар томонидан яратилди. Ҳажман йирик шеърий туркумлардан Худоёрхон тақдири мавзуси, Андижон зилзиласи, Викторбой ҳажвияси кабилардир. Хусусан Худоёрхон мавзусини Зорий биринчилардан бўлиб қаламга олди ва шу руҳдаги қатор шеърларнинг майдонга келишига асос солди. Н.Остроумовнинг берган изоҳига кўра Зорийнинг шу мазмундаги мухаммаси ҳалқ томонидан ижро этилган. Давр адабиётида яратилган бундай туркумлар шоирларнинг ижодий ҳамкорлигидан далолат беради. Зорий, Фурқат, Завқий, Котиб, Мухайир кабиларнинг хоннинг аянчли тақдири ҳақидаги мухаммаслари уларнинг ҳамфикр, маслақдошлигини кўрсатади.

Зорий шеъриятининг соддалиги, ҳалқ оғзаки ижодига хос шаклларнинг қўлланилиши, бадиий ифоданинг равон ва ихчам, образлилиги, ғоя-мундарижанинг ҳалқчиллиги ва баёндаги самимийлик асарларининг кенг шуҳрат тутишига омил бўлди. Шоирнинг катта бадиий маҳорат билан ифода этган асарлари ўз даврида ҳалққа манзур бўлиб, қўшиққа айланган кўпчилик томонидан ижро этилган, ҳалқ орасида севиб ўқилган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. УСМОНХЎЖА ЗОРИЙ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ

1-фасл. Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш

тариҳи

2-фасл. Шоир адабий мероси манбалари

II БОБ. ЗОРИЙ ШЕЪРИЯТИ

1-фасл. Зорий шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари

2-фасл. Зорий ижодиёти ва давр адабиётида яратилган

поэтик туркмлар

ХУЛОСА

Адабий-бадиий нашр

Дилдора Абдуллаева

Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди

Мухаррир

Тех. мухаррир

Мусаххих

Компьютерда сахифаловчи

Д.Мингбоева

Е.Демченко

Н.Минахмедова

Ростислав Есауленко

ИБ № 4037

Босишга 25.05.2005 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 2,375. Шартли босма тобоғи 3,99.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 120.

Баҳоси келишилган нархда.

“Янги аср авлоди” нашриёти-матбаа марказида тайёрланди.

“Ёшлилар матбуоти” босмахонасида босилди.

700113.Тошкент,Чилонзор-8, Қотортол кӯчаси.60.